

1400

Час 2
14

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIN VA URTA MAKSUS TA'LIM VAZIRLIGI
MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI
ЎЗБЕКИСТОН MIJLIIY UNIVERSITETI



**ШАРҚ АХЛОҚИЙ ТАФАККУР
ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧЛАРИ**

Тошкент - 2008

У 35.2

14

Н. 86

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКА КАФЕДРАСИ

МУКАРРАМ НУРМАТОВА

ШАРҚ АХЛОҚИЙ ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИ
БОСҚИЧЛАРИ
(Услубий қўлланма)



O'z M U
Dmiy kutubxonasi

Тошкент – 2008

Услубий қўлланмада Шарқ тафаккур тарихида муҳим ўрип >1 аниқ ахлоқий-эстетик ғояларнинг қисқача шарҳи баён этилган бўлиб, Шарқ мутафаккирларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларига доир фикрлар ўртага ташланган. Шунингдек, мазкур услубий қўлланмада ахлоқий-эстетик тафаккурнинг босқичлари тарихийлик ва мантиқни асосида илмий таҳлил этилган. Бу борада Шарқнинг қўхна аниқлиги панномалари ва илмий манбаларининг ахлоқий-эстетик моҳшиими ўрганишга имкоп қадар илмий назар ташланган.

Услубий қўлланма Фалсафа факультети бакалавр таълим йўпаимпт 4-курс талабаларига "Ахлоқшунослик ва эстетика" кафедраси томоншн бир неча йиллар мобайнида ўкитиб кслинадиган "Шарқ ахлоқий тафш I I гараққийи босқичлари" фанининг ўқув дастурида белгиланган мавзуларни асосида шакллантирилди.

Фалсафа фанлари номзоди Б.Э. Хусановнинг умумий таҳрири остида

Тақризчилар: Тошкент Педиатрия Тиббиет Институти доценти,
фалсафа фанлари номзоди М.А. Аҳмедова

»

ЎзМУ Фалсафа факультети Ахлоқшунослик ва эстетика
кафедраси фалсафа фанлари доктори, профессор
Э.Умаров

*Ушбу Услубий қўлланма Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий Унннрсинетни Ўқув-услубин Кегашининг 2007 ишл 27 июнда бўлиб
ўтган мажлисида муҳокама қилинган ва нашруга тавсия этилган
(БаённомаШО)*

Сўз боши

Шахсни хар томонлама камол топтириш ҳамма вақт жамиятнинг муҳим ва асосий мақсади бўлиб келган. Бугунги кунда ўтмиш маданий-маърифий меросини ўрганиш жамият тараққиёти учун зарур бўлган долзарб масалалардан бирига айланган. Чунки аждодларимиз қолдирган маданий меросда барча даврлар учун керак бўладиган илғор фикрлар борки, булар бугунги тараққиёт учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ўтмишдаги илғор мутафаккирларимизнинг мероси инсоннинг яшашдан мақсади, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, тарбияси, ҳаёти ҳақидаги нурмаъно фикрли юксак тафаккур маҳсулидир. Улар халқимизнинг маънавий дунёсини янада бойитишда, шахсни камол тойтиришда, мустақил давлат фуқаросининг дунёқарашини юксалтиришда амалий срам бериб келмоқда.

Мазкур услубий қўлланмада Шарқ ахлоқий-эстетик тафаккурида муҳим аҳамият касб этган айникаса, зардуштийлик динининг муқаддас манбаи "Авесто"нинг ахлоқий моҳияти, ҳадисий йўналишнинг инсон камолотига доир ўғитлари, Х-ХП асрларда Ўрта Осиё мутафаккирлари ижодида ахлоқий-маънавий кадриятларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнига оид манбалар ўз аксини топган.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур услубий қўлланма юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ўз олдига қуйидагиларни асосий мақсад қилиб белгилаган:

Биринчидан - Ўрта асрлар Мусулмон Шарқининг юксак маънавий, илмий манбаси ҳисобланган асарлардаги ахлоқий фазилатларнинг улугворлигига миллий ва умуминсоний кадриятлар нуқтаи-назаридан баҳо бериш;

Иккинчидан — ўтмиш илмий-маданий меросимизга дахлдор пандномаларнинг ахлоқий-эстетик моҳиятини илмий тадқиқ қилиш, уларнинг кадриятшунослик табиатини очиб бериш;

Учинчидан - манбалардан олинган ахлоқий, эстетик тушунчалар ва ҳос сўзларга нисбатан замонавий нуқтаи-назардан ёндошиш ҳамда уларни инсонпарвар жамиятни яратиш жараёнидаги устувор аҳамиятини кўрсатиб бериш;

Тўртинчидан - Шарқона тафаккур тарзи, унинг тарихий босқичлари, илмий асосга эга бўлган тамойилларини ахлоқшунослик ва эстетика қонуниятлари асосида таҳлил қилиш;

Бешинчидан - қомил инсон концепциясида ҳам замонавий, ҳам диний ахлоқнинг мезоний тушунчалари - иймон, ор-номус, адолат, виждон, ҳаётнинг маъноси, эзгулик каби тушунчаларни назарий ва амалий жиҳатини илмий тадқиқ этиш;

Олтинчидан - шарм-ҳаё, уят, вафодорлик, камтарлик, вазминлик, одоблилик сингари инсоний фазилатларнинг бугунги кундаги аҳамияти ва заруриятини тушунтириб беришдан иборат.

Ушбу услубий қўлланма талабаларимизни замон кишиси бўлиб етишишларига ққмаклашади деган умиддамыз.

"Авесто" - Шарқ маданий меросининг ўлмас кадрияти сифи

Резюме:

1. "Авесто- кадимги дунёнинг ахлоқий қомуси
2. "Авесто"да дастлабки ахлоқий гоёлар ва бахт-иқбол масалаларини
3. "Эзгу фикр", "эзгу калом", эзгу амал" "Авесто" ахлоқий таълимотининг бош ғоясидир

2001-йили мамлакатимизда узок ўтмишдан мерос бўлиб қолш маънавий кадриятлардан бири зардуштийлик динининг муқаддас бзуш «Авесто»нинг 2700 йиллиги нишонланди. Зардуштийликка тавсифлир беришда, унинг хозирги замондаги ахамиятини кўрсатишда давлатимич раҳбари Ислом Каримовнинг бу дин ва унинг муқаддас ёзуви "Авесто" хақидаги мазмунан теран, шаклан сайқал топган фикрлари биз учуи иазарий асосдир. Авесто хақида давлатимиз раҳбари зўр мамнуният цц бенихоя ифтихор хислари билан бундай деган эди: «Энг мўътабар Қадимги кўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганлигига 3000 йил бўлапти. Бу нодир китоб бундан ХХХ аср муқаддам икки дарё оралигида, манашу заминда умргузаронлик қилган ажодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада, буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидек, гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳсч ким инкор эта олмайди»¹.

Қадимги Шарқ халқлари фалсафий тафаккурининг нодир ёдгорлиги «Авесто» да бахтли толеъга барча ишларда адолат, хақиқат, покизалик йўлидан бориб эришилади, деган фикр юксак эстетик, маънавий кадрият сифатида тасвирланади. «Авесто»да Олий Тангри Хурмузд Пайгамбар Зардуштга Вэртрагна - Бахтли толеъни турли киёфаларда кўрсатади ва уни нажот ва куч-қудратни олиб келувчи кучли шамол - Такдир шамоли сифатида кўринади.

«Авесто»да Бахт-Иқбол Зардуштга ёш йигит ва етук эркакдан сўнг саккиз хил хайвонлар киёфасида кўриниши, бизнингча рамзий маънода бўлиб, бу хайвонлар-табиатнинг жонли мавжудотлари инсонларга бойлик, барака, куч, қудрат келтиришни англатади. Булар қаторида даҳшатли, қутурган тўнгиз ҳам Бахт-Иқбол рамзи эканлиги оловпарастилик (БГИҚДИ)да Бахт-Иқболни гўзал мавжудотлар ҳам, хунук мавжудотлар ҳам (411) келиши мумкинлигини англаш мумкин. Бу мавжудотларнинг борчилигида гўзаллик, хушқадлик, ўткирлик, чакқонлик, жапговорлик, чўк'М1ч'лик, хатто ваҳшийлик ҳам Бахт-Иқболга - фаррга эришув учун Шурр оифтлр эканлигини англаш мумкин. Масалан, «Шоҳнома»да ТННГРН I ИЙПШ Жамшид ҳам, елкасида икки илон ўсиб чиққан, уларни |\\ми |||ц и ш. 1) ДП гўзал кизларнинг мияси билан озиклантирувчи ёвуз

¹ КпрИМОвМ !"«»

ИИНИИ колпжк йўк. Т.: Ўзбекистон 1998. Б. 16. 4-бет.

Захкок ҳам тожу тахтга эришадилар². Аммо дахо мутаффақкир Фирдавсий фалсафасига кўра, буюк давлат ҳокимиятининг Захкок каби одамхўр цевларнинг кўлига ўтиб қолишга шоҳ Жамшиднинг ҳақ йўлдан влашганлиги, жамият ва халқни бошқаришда адолатдан чекиниб, халқ ақдирини золим вазирлар ва ҳокимлар кўлига топшириб қўйган, Тангри омонатига ҳиёнат қилган Жамшид каби подшоҳлар айбдордир.

Фирдавсий ҳаққоний кўрсатганидек, Жамшид аввалги вақтларда Ватан, давлат, халқ манфаатларининг ҳимоячиси, адолатли, олий ҳимматли подшоҳ эди. «Ёмонлик-ла кесай ёмонлар қўлин. Рухимга ёр этай яхшилик йўлин», деган сўзлар Жамшиднинг шиори бўлиб, у мана шу эзгу сўзларга фақат тилда эмас, дилида ҳам амал қиларди. Жамшид халқ ривоятларига кўра 700 йил подшоҳлик қилиб (бу ерда Жамшид ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган йиллар бўлиши мумкин), жуда кўп касб-хунарларни ўрганиб, уларни халққа ҳам ўргатган. «Каёний оловда юмшатиб темир, зирх, қалқон, қалпоқ ясарди бир-бир. Бу соҳада ярим аср чекиб ранж, < кўлига киритди қанча хунар-ғанж. Кийимни ўйлади яна эллик йил. Разму базм либосин бичди хилма-хил. Ипакдану, жундан, қанопдан газмол тўқишни ихтиро этди у дарҳол. Ип йигириб, қўйиб ўраш арқок, матолар тўқишдан берди у сабоқ»³.

«Авесто»да бошқа ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний масалалар билан бир қаторда ахлоқ-одобга доир қоида, ўғит, даъват, чеклаш, таъқиқлаш, қоралашлар кўп учрайди. Унинг ҳозирги Урта Осиё ҳудуди сўнгра Яқин ва Ўрта Шарқ бундан 3-3,5 минг йиллар олдин яшаган аждодларимиз элатлар орасида тарқалиб эътибор қозониб, бир неча аср ҳукмрон дин бўлиб келганлигининг асосий сабабларидан бири шундадир. Зардуштийлик оддий, қамбағал, мазлум ва жабрдийда уруғ, қабила, элатларнинг манфаатларини кўзлаганлиги, уларнинг эзгу ният ва ҳаёлий орзуларини ақс эттирилганлиги учун ҳам тез тарқалган ва теран томирлар отган.

Зардуштийликнинг худоси Ахурамазда эзгулик, одиллик, раҳм-шавқатлилик, ростгўйлик, ҳалоллик, иймонлилик рамзи ҳисобланган. Аҳриман эса унинг душмани бўлиб, эзгулик ва ундан келиб чиқадиган ёмонликларнинг тимсоли ҳисобланган. Зардуштийликда дунёдаги барча моддий ҳодисалар ва маънавий омииллар яхшилик ва ёмонликка олиб бориб тарқалган. Яхшиликнинг рамзи ёки ифодаси бош илоҳ - Ахурамазда, ёмонлик, бузғунлик - Анаҳриманю ҳисобланган.

Зардуштийлар ҳар бир яхши ва ҳалол ижтимоий эҳтиёжлар ва талабларни қадрлашни диний ибодат даражасига кўтарганлар. Бу дин билан боғлиқ бўлган тасаввурлар, афсонавий ривоятлар фалсафий тушунчалар, ахлокий меъёрлар узок ўтмишдаги аждодларимизнинг моддий ҳаёт тарзи ва маънавий ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган. Бу

• Фирдавсий. «Шохнома», 1-китобТ. 1975, 85-бет.
'Фирдавсий. «Шохнома», 1-китобТ. 1975,64-бет.

одамларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаёти моддий ва маънавий фаол билан қўшилиб, уйғунлашиб кетган. Бу фаолият эса уларни ўрао I , реал воқеликдан микро ва макромухитдан озиклантириб тургич боисдан диний ривоятларда реал ҳаёт воқеалари устувор бўлган.

Ўтмишда диндан олдин кенг тарқалган мифологиянинг асорш I таъсирида тўқилган диний ривоятлар қачон, қаерда ва қайси)B\Ц{ туфайли юзага келтирилган. Уларда яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ма III одиллик ва адолатсизлик, ну рва зулмат ғоялари асосий ўринни эгаллаган. Яхши фикр, сўз, иш эзгуликларнинг асоси ҳисоблим «Авесто»даги дастлабки китъа, бўлимда ёвузликнинг рамзи - девларш ёмонликнинг тимсоли - иблисга муҳиб, яъни мойил бўлган нокасларЙ назру-ниёзлари, қурбонликлари, тоат-ибодатлари Ҳак (Илох) даргоҳи қабул қилиш-қилмаслиги бинобарин, уларни бекорга оворга бўли таъкидланган. Ундан кейинги китъадаэса ростгўйликнинг умрибоқип ии | ёлғончиларнинг эса даф бўлиши қайд этилиб, бундай дейилгв «Ҳақиқатни танлаган зотлар ўлим билмас, завол топмасдир; ёлғон эо бўлғусидир». Яна бир тўртликда мўл-қўл яхшилик қилувчилар шпX| шаъни-шавкатига, умрбоқийликка, бахту омадлар қулиб боқишига муясн бўлишлари уқтирилган.

Ахурамаздага мурожаатларнинг бирида инсонларга озор етказми бўлган дилозорлар қаттиқ қораланган: уларга хос кирдикорлар қасрп ўзларига қайтажаги, бу дунёда эса улар бахт-саодат манзилига тополмасликлари ўқтирилган.

«Авесто»нинг қисмлари китоблар деб аталиб, улардан бири «Ясна деб аталган. Зардушт гоҳ (овоз)лари унинг асосий мазмунини ташкнл этган. Уларда айб иш қилиб қўйиб яъни, ахлоқни бузган одамга Ахурамазда номига қўйидагича дуо ўқиб, кечирим ва нажот сўраш тавсия этилган: «Эй одамнинг ҳукмдори Ахурамазда! Мен барча гуноҳларимгп икрорман, уларни такрорламаслик учун Сенга сўз бераман, ҳар қандай ёмон ниятлар-у фикрлардан, ҳар қандай ёмон сўзлардан, ҳар қандай ёмон амаллардан воз кечаман. Мен фикрлаган ва гапирган ёки қилмокчи бўлган ва қила бошлаган ва қилган ҳамма ножўя ишларимдан воз кечаман; ниятларим, сўзларим ва амалий ишларим орқали бундан буён ишончингни оқлайман; қилган гуноҳларимни кенг караминг ила кечиргин, таним ва жонимни у дуне-ю бу дунёда мунаввар этгил Парвардигорим».

Кароматлардан бирида (асарларда поклик бўлса-да башорат дейилган М.Н.) Зардушт Ахурамаздадан гўё ўз ахлоқий қонун-қоидаларини маълум қилишини сўраган. Шунда у бутун мавжудотнинг икки ибтидоси - ЭвуЛМК ва бвузлик тўғрисида ваҳий қилган. Ўзаро қарама-қарши бу икки ббш\ВНПЧ омиллар ҳаммаша биргаликда мавжуд бўлиб улар ҳаёт ва ўлим, ОМОН па жаҳаннам маъноларини англаган. Жаҳаннам Худонинг ваҳийсиди қастнинг энг ёмонлари, осмон эса рухнинг энг юксак ҳолати сифатида (анд;лантирилган. Дунёдаги ёвузлик ва итоатсизлик табиатдаги жамики ШЦЯ 'л ҳодисапардан, уларнинг мазмунидан келиб чиқади, деб

КИСобланган. Агар одамлар Худо юборган қонун, тартиботларга ўғиту-
шунхатларга амал қилсалар, эзгулик ёвузлик устидан таитана қилиб
|к|)аверади, деб ишонмоқчи бўлган.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Каримов
«Чардуштийлик ҳақида ҳақиқат» номли мақоласида ўринли
пп.кидлаганидек, «Олам қарама-қаршилиқлар кураши асосида қурилган:
жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим,
маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар
билан адолатсизлиқлар ўртасидаги курашларда ўз ифодаси топади».
Қумда дин эзгулики қарор топтириш билан ёвузлик руҳи ўрнатиш
муросасизлигида илоҳий курашга асосланади.

Зардуштийликка биноан Ахурамазда эзгуликни вужудга келтиради,
ёвузлик руҳи ҳисобланган Аҳриман унга қарши курашиб, одамларни
ахлоқсизлиқларга бошлайди. Эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги мангу
курашда оралик йўл йўқ, демак ҳар бир одам муайян йўлда туришга,
юришга мажбур. «Авесто»нинг 30-қароматида айтилишича, Аҳриманнинг
югурдаклари - дев, пари, жин, иблислар, гуноҳлар, ададшишлар,
алдашлар, ҳасталиқлар тимсоли сифатида тасвирланиб, Ахурамаздан
одамларни бундай хавфлардан сақлаш сўралади. Зардушт таълимотига
қўра, ҳар бир одам берган сўзининг устидан чиқиши, унга содиқ қолиши,
савдо-сотик шартларига қатъий амал қилиши, қарзни вақтида тўлаши,
алдамчилик ва ҳиёнатдан холи бўлиши — иймонлилик аломатларидир.

Дарҳақиқат, зардуштийлик динида ҳам, қолаверса, барча
умумжаҳоний динларда имонли киши талончилик ва ўғирликдан,
ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтиришдан, ўз виждонига хиёнат қилиш,
имонга ҳилоф кирдикорлардан ўзини сақлай билган одам қомил инсондир.
Зардуштийликда одамларга қарата Ахурамазда номидан «таналарингизга
нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, яъни аввал маънавий
дунёнгиз, ахлоқий қиёфанингиз мусаффо бўлсин; шунда моддий ҳаётингиз
ҳам мукамал бўлиб бораверади», - деб уқтирилган.

«Авесто»нинг қиммати шундаки, унда оламнинг яратилиши ибтидоий
уруғ, қабила, элатларнинг халқ, сўнгра алоҳида-алоҳида миллат бўлиб
шаклланиши, эзгулик учун ёвузликка қарши кураши, озодлик, эркинлик,
бунёдкорлик, ижодкорлик йўлларидаги идеаллари оддий тарзда содда
ибораларда, мифология ва дин қобикларида ўз ифодасини топган. Зардушт
таълимотида, "Авесто"да илгари сурилган эзгу фикр, эзгу қалом ва эзгу
амал ханузгача инсониятни эзгуликка қорлаб, одамларни ахлоқий
жиҳатдан поқлаб, маънавий бойитиб келмоқда. Зардуштийликда эзгулик ва
ёвузликнинг қуйи босқичлари - яхшилик ва ёмонлик ҳақида талайгина
пурҳикнат фикрлар баён этилган. Булардан дастлабкиси - Ахурамазда
сўнгра - Аҳриман тимсолида ифодаланган, уларга ҳамоҳон тарзда нур ва
зулмат, ҳаёт ва ўлим ўртасида абадий кураш пайдо бўлган.

⁴ Каримов Иброҳим. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. -Т.: 2001. 19-бет.

Зардуштийлик динининг таълимотига кўра, барча яхшилик, эзгулик иа гўзалликларнинг хомийси Ахурамаздага олгита ёркин кучлар мадад беради. Булардан учтаси - абадий яхшилик, яхши ният, яхши тартиб ахлоққа хос бўлиб, қолган учтаси куч-қудрат - Худого, тобелик ва сихат-саломатлик - инсоннинг бошқа фаолиятларига тааллуқлидир.

Булардан дастлабки учтасининг ўз *илохлари* бўлиб, Ахурамазда тасвирида яхшилик уруғларини сепиб юради. Табиатда юз берадиган воқеалар ва яхшилик билан боглик турли хил тушунчалар мавхум эмас, аксинча реал маънолар касб этиб, инсонийлашган киёфада талаб қилинган. Худди юнонларда бўлгани каби зардуштларда ҳам ҳайвон, олов, маъдан, момақалдирик, булут, юлдуз, ер, сув, ўсимликларнинг ўз илохлари бўлган: митти нур, ҳақиқат бош Худо ҳисобланган.

Ёмонлик ва ёвузлик Худоси ҳисобланган Ахриманнинг ҳам ўзи ишонган, унга яловбардорлик қиладиган ўз илохлари бўлиб, у иложи борича эзгулик Худосига зарар келтиришга, уни коинотдан суриб чиқариш учун ҳаракат қилиши "Авесто"да кўрсатиб ўтилади. Анхраману ёлгончилик, иккиюзламачилик, фирибгарлик, жоҳиллик, кабиҳлик ва разиллик тимсоли бўлиб, унга девлар, аждаҳолар ёрдам беради. Анхраманунинг олгита деви бўлиб, булар орасида ҳамма яхшилик, гўзалликларни вайрон қилувчи, одамларни қутиртирувчи, буздирувчи, вайрон қилдирувчи дев - Айсумадир. Бу дев уруш, жанжал, киргин, тўпалон ва гина-қудрат кўзготувчи, бадмастликка даъват этувчи деб ҳисобланган. Дангасалик, ичикоралик, беандишалик, қизгончилик каби қусурларга эга бўлган унсурларнинг ҳам ўз девлари бўлганлиги "Авесто"да мифологик образлар орқали *кўрсатиб* берилган. Агар Ахурамазда яхши хулқ, бунёдкор ғояларни тараннум этса, Анхраману эса аксинча, ёмон ният, бузгунчи ҳаракатларни пайдо қилади.

Шундай қилиб, зардуштийликда ижобий ва салбий хусусиятлар, ахлоқийлик ва ахлоқсизлик билвосита, яъни Худо, Илох, уларнинг реал оламдаги «дастёр»лари орқали тасвирланган. Зардуштийлик динидаги «эзгу фикр», «эзгу калом», «эзгу амал»лар бирлиги бу динга эътикод Кўювчиларнинг ахлоқий-эстетик дунёқарашларини ифодалаган.

Зардуштийлик таълимоти, биринчи навбатда, ахлоқий ва бадиий идеалларнинг муносабатига асосланган, ўзи катта журъат билан яқка Худоликни тарғиб қилган ва бу ишидан илҳомланиб келган. Зеро, буни мустаҳкамлаш учун ахлоқий покликни тарғиб қила бошлаган. Унингча, ахлоқ Тангрисини пантеистик руҳда талқин қилгани сабабли унинг динга дунёвий гўзаллик ва табиий тартибдан бадиий завқ олиш одати ҳам кириб келган; унга тупроқни ва сувни, олов ва ҳавони ифлос қилишлик таҳдиди ҳам кўшилган. Зардуштийликда ҳар қандай моддий ва маънавий ифлослик нафрат уйғотган. Табиий жисм ва ахлоқий покланиш уларнинг биринчи ибодати ҳисобланган. Зардуштнинг «Авесто»да жамланган таълимоти ана шундай ахлоқий-бадиий хусусият касб этган. Бу касб ҳозир ҳам ўз қимматш *асло иқотмаган*.

Инсоният ахлоқий кадриятлари хазинасига зардуштийлик қўшган хиссаларидан бир туркуми инсон ахлоқий бурчини юксак кадрлаш, ҳар бир индивиднинг шахсий ахлоқий камолотини бошқаларга қада қилишга чақириш, ёлғончилик ва иккиюзламачилик нафрат билан қарашдан иборат эди. «Бу таълимот оптимистик руҳ билан суғорилган бўлиб, унга кўра яхшилик ёмонлик устидан, гўзаллик хунуклик устидан ғалаба қозонди», - деб ғоят ўринли тарзда ёзган эди Т.Маҳмудов.

Зардуштийлик инсоннинг ҳаётга муҳаббат билан қарашга ундайди, одамларни бир-бирига дўст-биродар бўлишга чақиради. Инсоннинг фоний дунёдаги ҳаётини зардуштийлик шундай таърифлайди: "Ҳовли жойида олов ёқиб турадиган, хотини бўлган, кўп фарзандли, ўз меҳнати билан оиласини боқиб юрган, ерни яхши парвариш қиладиган, молга яхши қарайдиган одам бегунохдир». Бундан зардуштийлик ахлоқи асосида дунёвийлик мотивлари кўп эканлиги анланади. Яъни ахлоқийлик ва ахлоқий ҳаёт идеали осуда ҳаёт, фаровон турмуш, севимли умр йўлдош, кўп фарзанд, соғлиқ ва боқий умр билан белгиланади. Шунинг учун унинг ахлоқий меъёрлари жозибали ва мафтункор. Бу эса тарихда зардуштийлик динининг тез тарқалиши ва кенг қулоч ёйишига замин яратди. Натижада Шарқ ахлоқ кодекси реал дунёвий омиллар билан бойиди. Бундай ижобий ворислик аҳамиятини файласуф олим Тилаб Маҳмудов «Зардуштийлик дини илгари сурган ахлоқий-ижтимоий идеал кийинчилик Урта асрлар фалсафасида ҳар қандай адолатсизлик, зулмат ва ҳуқуқсизликка қарши курашиб ҳаққоний, инсонпарвар ва эркин ҳаёт яратган яхши ва одил подшоҳлар ҳақидаги қарашларда ўзининг маънавий ривожини топди» , -дея таъкидлаган эди.

Эзгулик ва ёвузлик масалалари Шарқ ахлоқ кодексида биринчи марта зардуштийликда тилга олинган. Масалан, Авестонинг 2-китоби «Ясна» нинг 7-бобида Зардушт орқали гўё Ахурамазда хабар берган қароматлар ифодаланган: Зардушт бу ҳудудда ўз ахлоқий қоидаларини маълум қилишни сўраган. Шунда Ахурамазда бунга жавобан бутун мавжудликнинг икки ибтидоси - эзгулик ва ёвузлик ходисасини ваҳий қилган. Бу ваҳийга биноан бир-бирига қарама-қарши бу ибтидолар ҳамиша биргаликда ёнма-ён мавжуд бўлиб, улар ҳаёт ва ўлим, осмон ва жаҳаннам маъноларини аниқлатган. Жаҳаннам бу ваҳийда қайтнинг "энг ёмон онлари, фурсатлари, ёвузлик рамзлари" сифатида ифодаланган. Осмон эса — «руҳнинг энг юксак ҳолати, эзгулик" сифатида акс этган. Зардуштийлик таълимотига кўра, ёвузлик ва унинг оқибатлари нарса, ходисаларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Ёвузликларни бартараф этиш истикболдаги тадбир бўлиб, иймонли-эътиқодли кишилар бу тадбирда энг катта фаолият кўрсатишга даъват этилган. Агар улар Ахурамазда юборган қонун-қоида,

⁵ Қаранг: Мақмудов Т. "Лвесто" қақида. Т.: Шарқ нашриёт матбаа-акциядорлик компанияси. 1998. 26-бет.

тартибот, ахлокий ўғитларга амал қилсалар эзгулик ёвузлик устидап - килади.

Дунёвий-илмнй фалсафа таълимотига кўра, олам крим қаршиликлар бирлиги ва қураши асосига ўрнатилган: жисмоний-м<> I нарсаларда - ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда - ҳаёт ва ўлим, ахлоқли ' эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда - адолат ва адолатсизлик, шжхОЙЙ турмушда - яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги қурашларда ўз ифодлппи. топган.

Зардуштийлик динида эса оламдаги карама-қаршиликлар бирлиги ии қураши - эзгуликни барқарор қилиш руҳи билан ёвузлик руҳи орасидш и қурашга асосланган. Шу жихатдан Ахурамазда эзгуликни бунсд этаверадиИ Ахриман эса ёвузлик руҳи сифатидаунга қарши қурашиб, одамларни ЙМ0| хатти-ҳаракатларга бошлайверади.

Авестонинг бир қисми Яснанинг 30-қароматида таъкидланганидвн эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги мангу қурашда оралик йўл йўқ. Ҳар бйп одам бу қурашнинг муайян томонида туриб иштирок этишга мажбур. IЛу боис динга ишонишда имон ва эътиқод муҳим ўринни эгалайди. У диндорларга эзгуликни ёвузликдан фарқлаш имконини беради. хатто бунга мажбур этади. Имонли, эътиқодли одам албатта эзгулик тарафида туриши талаб этилади. Авестода энг кўп улугланадиган, кўп мадх этиладиган зот бу - инсондир. Бунинг боиси, инсонда беқийёс ва беназир фазилатлар мужассам, улар инсоннинг жисми ва руҳини доимо безаб келмоқда. Ҳасадгўйлик, жаҳлдорликнинг салбий оқибатларини таъкидлаб бундай деб ёзилган: «Инсон ўз фикри ҳаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва бошқа жихатларга берилмайди. Чунки бундай ҳолатда у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унутади ва ноҳўя ҳаракат қилади ». Халқимизда "Жаҳл келганда ақл кетади" деган нақл шу асосда пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Профессор М. Усмонов ушбу ўғитларга асосланиб, ғоят ўринли таъкидлаганидек, «Авестодаги дурдоналар мана минглаб йиллардан буён инсониятга беназир хизмат қилиб, одамзотни маънавий гўзаллаштиряпти. Истиклол тафаккури ўз юртига қайтган муқаддас ҳазина ватандошларига маънавий қувват бахшида этиб, ютуқларига қарамасдан, зафарларига йўлдош бўлаверади. Табаррук манбанинг юртдошларнинг нурли келажагига ўзининг муносиб ҳиссасипп қўшаверади, йўлларини ёритиб бораверади».

Авестонинг асосий муаллифи ҳисобланган Зардушт Ахурамазданинг вахийларп сифатида номий ва насрий баён этиш услубидан фойдаланган. Худонинг ЭЗГулик ва ёвузликка муносабатига бағишланган ҳикматда бу сифатловчиларни қайта-қайта тақрорлаб, эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амалдан қай бирипн қувватлаши, айна фурсатда буларнинг ёвузлардан юз ўгириши таъкидланган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, агар одам Худога ишопса ундан ўргансин. 30 сатрли ҳикматида Худо эл-юртни палид (ифлос), лафзи йўқ, тубан қаззоб, аблаҳлар яхши одамларни нобуд қилишларини айтиб, улардап эҳтиёт бўлишни буюрган. Ундан кейинги 15

Птрли кикматда кас-нокаслардан эхтиёт бўлишга, ўз ахдига, қавмига, Кнломига, субутига хиёнат қиладиган қазоблардан тавфиқли зотларга, **ЙБИ** иймонли, такводор-собиққадамларга озор етиши огоҳлангирилган ва (су холатларнинг олдини олиш буюрилган. Саккиз мисрали хикматда йиузлик худоси Анхраманунинг югурдаклари дев, пари, иблисларга чомийлик қилган кимсалар хунрез, конхўрлар ҳақ даргоҳига назру-Нибзлари, қурбонликлари яроқсиз ва беҳуда эканлиги, ибодатлари қабул қилмаслиги уқтирилган.

Авестода баён этилган хикматларнинг аксариятида ростгўйлик ва Улгончилик каби ахлоқий категорияларга муносабат баён этилган. Чунончи, 14 мисрали хикматда ростгўйликни назарда тутган ҳолда ҳақгўйликни, ёлгончиликни кўзда тутган ҳолда оддийгина ёлгонни танлаб олган зотлар ҳақида Ахурамазданинг дастурлари баён этилган. Буларда ростгўйлар ўлим ва завол билмаслиги, ёлгончилар эса даф бўлишлари муқаррарлиги таъкидланган.

Авестода инсонларга яхшилик қилувчилар кўқларга кўтариб мақталган ва бошқалардан уларга тақлид қилиш буюрилган. Мана бу тўртликдаги мисралар ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотган эмас:

*Шоҳона шаън, шоҳона шуқуҳ,
Умри бокий, умри бардавом,
Кулиб боқан омадли, бахтли,
Яхшиликлар қилувчи мўл-қўл.*

Худди шундай маънодаги, бироқ буйруқ оҳангидаги даъват қуйидагидек, жарангдор қилиб баён этилган: «Эй Ахурамазда! Туғилганда пок бўлмоқ, тирикликда буюқ ишдир. Дунёни обод этмоқ уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак!»

Анхраманунинг яловбардорлари ҳисобланган ёвузлик рамзи, девларга қаратилган дарғазаб мурожаатда уларни қасофатига одамлар тўғри йўлдан четга чалғишлари, қабихликлар қилишлари ва беихтиёр ёки ихтиёрий тарзда бу девларнинг муҳиб (ҳомий)лари бўлиб қолишларини уқдириб, бундай дейилган: «Эй девлар! Сизнинг барчангиз қабих ниятга қариндошсиз. Сизларни азалдан қўллаб-қувватлаб, асраб-авайлаб келаётгани учун қазоб ва худбинликдан ўзга нарса эмас. Шу йўл билан сизлар одамларни чалғитасиз, улар энг қабих амалларга қўл урдилар ва девларнинг муҳиблари деб ном қозондилар». Бундай мурожаатлар сўзда девларга қаратилган бўлса-да, аслида уларга эргашадиган адашганларни огоҳлангиршидан иборат эди.

Авестода ахлоқсизликни рағбатлантирадиган «ёмон тарбия»нинг оқибатлари ҳам фалсафанинг сабаб ва оқибат категорияси стихияли мувофиқлик тарзида баён этилган хикматлар ҳам учрайди. Масалан, буларнинг бирида бу каби «тарбия» Ахурамазда бандаларини паршон қилишини қайд этиб бундай дейилган: "Ёлгон тарбияси ўз таълими билан илохий сўзларни тесқари қилади ва тириклик идрокини ҳароб айлайди".

Ҳақиқатда у одамларни ростгўйликнинг бебаҳо сармоясидип Ц| ниятдан бебаҳра қилади... Улар бу таълимотлари билан инсонларпп саҳиф амалларидан ман этадилар. Улар олам аҳли тириклигининг ўзлрц адаштирувчи фикрлари билан паришон қиладилар. Афсуски, бу| адаштирувчи ва адашган одамларни Авестода эъзозлаб қатта хар(| билан ёзилувчи эзгу ниятлардан бебаҳра этадилар, қўзларини гир паришон қиладилар. Яна бир хикматда Зардушт номидан Ахурям. бутун вужуди, жону тани билан дев ва девпарастрларнинг душмани экпкц ҳақиқатни севувчилар ва ростгўйларнинг ҳомийси эканлиги таъкиддаш «<

Авестода яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ўз эгаларига қайтиш таъкидланган. Чунончи уларнинг бирида «Узгаларни яхшиликка олпО борган кишиларгагина яхшилик насиб этади» дейилган бўлса, бошқй хикматда душмаиларга қилинган амалларнинг касри шу душманларшпп ўзига қайтиши уктирилган; Бундай душманлар бахт саодат манзилига йўл топа олмасликлари ҳам илова қилиб қўйилган.

Умуман олганда, "Авесто"да шарқ ахлоқ кодексининг дебочалари оддий, содда услубда, бироқ теран мазмунда баён этилан. Зардуштийлик ва унинг муқаддас ёзуви фақат Шарқ халқларигина эмас, балки бутун инсоният тараққиётининг илк паллаларида юзага келган, бутун жаҳонга тарқалган ва бир неча асрлар барқарор бўлиб пиравардида ўчмас из қолдирган табиат, жамиат ва инсониятга хос этикод ва имонларнинг қомусидир.

Таянч тушунчалар:

Авесто, Зардушт, зардуштийлик, Ахурамазда, Анхраману, эзгулик, ёвузлик, яхшилик, ёмонлик, мунофиқлик, меҳр-шавқат

Такрорлаш учун саволлар:

1. "Авесто"нинг Қадимги Шарқ халқлари фалсафий тафаккурининг нодир ёдгорлиги сифатидаги аҳамияти нимада?

2. «Авесто»да Бахт-Иқбол масаласига муносабатни изоҳлаб беринг?

3. Авесто»да ахлоқ-одобга доир қоида, ўғит ва даъватнинг моҳиятини таҳлил қилинг?

4. Ахурамаздага мурожаатларнинг бирида инсонларга озор стқазмоқчи бўлган дилозорлар қаттиқ қораланган: Ушбу қораловнинг мазмуНИНИ тушунтириб беринг?

5. «Авесто»да оламнинг яратилиши масалалари акс этган ифода ВОСЦ|а| ар|л|л| и |л| шрхланг?

6. Зардуштийлик динининг таълимотига қўра барча яхшилик. эзгулик ва гўзалликларнинг ҳомийси Ахурамаздага олтига ёркин қучлар мадад бсради. Бу қучлар қайсилар?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Ўзбекистон 1998.
2. "Авесто". Т. Шарқ нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош дирекцияси. 1998.
3. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Уқув қўлланма. Т.Янги аср авлоди. 2003.
4. Каримов Иброхим. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т.: 2001.
5. Махмудов Т. "Авесто" ҳақида. Т.: Шарқ нашриёт матбаа-акциядорлик компанияси. 1998. 26-бет.
6. Фалсафа асослари. Т. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005.
7. Фирдавсий. «Шохнома», 1-киتاب Т. Фан. 1975.

Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Адаб ал-Муфрад» асарида инсон камолоти

Режа:

1. "Ал-Жомеъ ас-Сахиҳ"-энг ишончли хадислар тўпламидир
2. Хадислар-инсонпарварлик ғоялари, юксак ахлокий фазилатларни ўзида акс эттирган тўплам сифатида
3. Имом ал-Бухорийнинг "Ал-Адаб ал-Муфрад" асарида маънавий баркмоликнинг моҳияти
4. Хддис илмига янгича муносабат. Уларда миллий ва умуминсоний ахлокий ғояларнинг устуворлиги

Хадис илмининг тарғиботчиси Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг бизга қолдириб кетган бекиёс ва бебаҳо меросига Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Қаримов юқори баҳо бериб шундай деган эди: «Буюқ ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи - энг ишончли хадислар тўплами - «Ал-Жомеъ Ас-Сахиҳ» Ислоҳ динида Қуръони Қаримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбаъдир. Бутун дунё мусаввирларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир. Ўн икки асрдирки бу маънавий ҳазина миллионлаб одамлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда. Алломанинг ўлмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб, онгу тафаккуримизни равшан этмоқда. қалбларимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда».

ЮНЕСКО қарори ва иштирокида Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик юбилеи мамлакатимизда кўтаринки руҳда, зўр мамнуният билан ўтказилди. Ҳазрат Имом Ал-Бухорийнинг башариятга қолдирган улкан мероси «Ал-Жомеъ Ас-Сахиҳ» маънавиятимиз гултожи бўлиб, бутун дунё мусулмонлари яқдиллик билан таъкидлашларича, инсоният яратган китоблар орасида энг буюғидир.

Хадисларда инсонни баркамол қилиб тарбиялаш масаласи биринчи ўринга қўйилган. Маълумки, ахлоқ мутлоқ тарзда эмас, балки нисбий, шартли равишда икки қатга қисмга бўлинади: биринчиси - *дунёвий ахлоқ*, иккинчиси - *диний ахлоқ*. Дунёвий ахлоқнинг илмий мезони амалда мавжуд бўлган, объектив оламда намоён бўладиган реал жараёнлардир. Ахлоқнинг бу жараёнлари Ўрта Осиё мутаффақирлари - Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Мусо Ҳоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём, Алишер Навоий ҳамда XIX аср иккинчи ярмида ва XX аср бошларида ижод қилган маърифатпарварлар ижодларида баён қилинган.

Айшулардап қилиб қилган ҳолда мазкур бўлимда қуйидагиларга эътибор қаратишни асосий мақсад қилиб олдик:

Биринчидан хадислардаги инсонпарвар ғояларни, ахлокий фазилатларни мамлакатимиздаги мустақиллик шарофати билан юзага

келган динимизнинг илмий манбалари - "Ал-жомиъ ас-саҳиҳ", "Ал-адаб, ал-Муфрад", "1001 ҳадис", "Шамойили Мухаммадия"даги миллий ва умуминсоний ахлоқий ғояларнинг устуворлигини кўрсатиб бериш.

Иккинчидан - Қуръони Каримдаги ахлоқий-эстетик тамойилларнинг кишилиқ жамиятидаги аҳамияти, ахлоқий ўғитлар давлатимизнинг ахлоқий тарбия соҳаларида юритаётган сиёсатнинг асосларидан бири сифатида қаралишига эришиш.

Учинчидан - ҳадисларда билим олиш, илм эгаллаш, касб-хунар ўрганишга доир даъватларнинг ижтимоий аҳамиятини бугунги кунда мамлакатимизда маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишлар орқали кўрсатиб бериш.

Туртинчидан - ҳадисларда тилга олинган ахлоқшунослиқнинг яхшилиқ ва ёмонлиқ, бегаразлик ва ҳасадгўйлик, саховатпешалиқ ва ҳасислиқ, орийтлиқ ва уятсизлиқ сингари мезоний тушунчалари, тамойилларини янгича тафаккур билан тушунтириш.

Бешинчидан - инсон камолоти ва маънавияти, шахснинг инсонлараро ахлоқий, эстетик ва маданий муносабатини Ислом динининг муқаддас манбалари - Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда баён этилган ўғитлар, ғоялар ва йўналишлар орқали кўрсатиб беришга эришишдан иборат.

Диний ахлоқ Қуръони Каримда, - ҳадисларда, маҳаддис ва уламоларнинг асарларида баён этилган бўлиб, уларда умуминсоний, дунёвий ахлоқ ҳазинасидан олиниб, диний тус берилган ўғитлар кўп учрайди. Хусусан, «Ал-Адаб Ал-Муфрад», «1001 ҳадис», «Шамойили Мухаммадия» ва бошқа диний ахлоқ манбалари шулар жумласидандир. Буларда инсонга хос ахлоқ сув билан ҳаводек зарурлиги, уни бошқа жанзотлардан фарқлайдиган асосий сифатларидан бири эканлиги, у маърифатнинг узвий таркибий қисмидан иборатлиги таъкидланган. Ҳадисларда ахлоқсизлик мўминлар учун ғоят шармандали, охиратда қаттиқ азоб бериладиган қусур эканлиги, инсонни ахлоқий комиллика етказиш диний ва дунёвий билимларнинг вазифаси эканлиги, дин пешволари ахлоқда ҳаммага ибрат бўлишлари шартлиги қайта-қайта уқтирилган. «Ал-Адаб Ал-Муфрад» да яхши хулқли бўлиш ҳақидаги панд-насихат, даъват, маслаҳат баён этилган. Улардан бири «Сизларнинг яхшиларингиз-ахлоқи бўлганларингиз» дейилган. Улардан иккинчисида Пайғамбар (с.а.в.)га энг яқин бўлганлар «...ахлоқда (халққа) ёқимлироқ бўлганларимиздир» дейилган. Учинчисида эса Пайғамбар (с.а.в.) «Мен яхши хулқларни камолотга етказиш учун Пайғамбар бўлиб келдим» дейилган.

Замонасининг илғор кишилари инсонпарварлик ғояларни муттасил тарғиб қилганлар. Бунинг ифодаси ҳадисларда яққол кўзга ташланади. Буларнинг аксариятида шу фазилат баралла янграган. Ҳадисларнинг барча даврлар учун тарбиявий аҳамияти шундаки, уларда дилозорлик қораланиб, мўминларга озор бермаслиқ, уларнинг иззат нафсига, ор-номусига тегмаслиқ каби ахлоқий ўғитларга қатта эътибор берганлигида.

Ҳадисларда "Мусулмоннинг яхиси бошқа мусулмонлар унинг тили В| қўлидан озор топмаган кишилардир» дейилади, шунингдек, "Одамларшпи яхиси бошқа одамларга манфаатлироғидир» деб уқдирилган. Демак, Ш бир хақиқий инсон ўзгаларга ёрдам қилиши, инсонпарвар, муруввтчп бўлиши лозимлиги таъкидланган. Бу ўғитга қулоқ солган, яъни амД қилган аждодларимизнинг аксарияти деҳқончилик, тижор.п хунармандчилик билан шуғулланиб, илм-маърифат таркатганлар; уруш пп тинчлик даврларида бир ёқадан бош чиқариб, ҳамкорлик қилганлар. Й анъана авлоддан авлодга ўтиб, энди хайрия - деб аталаётган кенг қўламли анъанага айланган.

Ҳадисларда ахлоқсизлик, ҳаёсизлик, беодоблик сингари иллатлар қаттиқ қораланган, уларга нисбатан лоқайд ва бефарқ бўлиш танқид қилинган. Бундай қоралаш «дунёни сув босса тўпиғига чикмайдиган, менга нима, нима ишим бор» қабилда фикр юритувчи кимсаларни ахлоқий йўналтиришга қаратилган фикрлардир. Исмоил Бухорийнинг "Ал-Жо.меъ ас-сахих"дан танлаб олинган ҳадисларда мунофиқпар қораланган, ўзига бино қўйган такаббур кимсалар, дўсти билан учрашганда хушнуд қилиб, ғойибона эса унга адоват қиладиган, яъни таъмагир, чақимчилар, дўстлар орасини бузувчилар ёмонлар қаторига киритилган. Бу ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, уларда мўминлар учун ахлоқ ғоят зарур бўлган яхши фазилат эканлигини қайта - қайта уқтирилган. Масалан, «1001 ҳадис»нинг бирига «Мўминлар имонда афзалроқ хуш хулқисидир» дейилади. Ундан кейингисиде бу фикр «Мўминларнинг афзали хулқи яхшироғидир» сифатида такрорланган. Ҳозирги давр ибораси билан айтсак, хулқ-одоби яхши одам мўминлар орасида энг фазилатлисидир.

Ислом ахлоқий жиҳатдан бузукликни, ёмон сўзларни ишлатишни қоралайди, хулқи фазилатли бўлган киши такводор, чин мусулмон эканлигини қайта-қайта таъкидланади. Шунингдек, ҳадисларда уэр айтиш масаласи ҳам Муҳаммад (с.а.в) эътиборларидан четда қолмаган: «Уэр айтишга мажбур қилучи ишларни қамайтиринглар», «Уэр айтиладиган ишни қилма!»-дейилади. Ҳозирда бу ҳадис "Кейинги пушаймон ўзингга душман" деган мақол тарзида ўзининг аҳамиятини намоён қилади.

Инсонпарварликнинг бир кўриниши бўлган аёлларга, айниқса оналарга ҳурматда бўлиш, уларни эъзозлаш Пайғамбаримизнинг кўпгина ҳадисларида таъкидланади.. Масалан, бу фазилатни қўйидаги ҳадисда яққол кўриш мумкин: «Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни пасткаш одам хорлайди» дейилган.

Таълим-тарбияга доир ҳадисларнинг аҳамияти шундаки, уларда ижтимоий келиб чиқиши, лавозими, жинси, ёшидан қатъий назар Пайғамбар (с.а.в.) ўғитлари, даъвату маслаҳатларига бирдай риоя қилиш лозимлиги таъкидланган. Фарзандларга ахлоқни ўргатишда ота-онанинг вазифаси хусусида «Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса адо этолмайди» дейилса, яна бирида худди шундай «Ҳар бир ота ўз фарзандига хулқу одобидан буюкроқ мерос беролмайди дейилган. Ҳадисларда

мусулмонлар мўтадилликка, муттаъсиб бўлмасликка, хаддидан ОШмасликка чақирилган. Одамларни шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги барча ҳдпи-қаракатни, ҳатто динга эътиқодни, тоат-ибодатни меъёрида қилишга, (У соҳада мутаассиб бўлмасликка даъват этувчи ҳадислар ҳамма учун қимматли ва ибратлидир. Бунинг исботи учун бир ҳадисни келтиришимиз мумкин. Унда «Динга чуқур кетманглар, чунки сиздан аввалги қавмлар динда чуқур кетганликлари туфайли ҳалокатга учради» дейилган. Бундай даъватларнинг сабаби шундаки, ҳадислар ривоят қилинганда ҳам, ҳозир ҳам мусулмонлар орасида ўта кетган муттаъсиблар, реал дунёдаги ёвузлик, шарму ҳаёсизликларни кўриб, гуноҳга ботмай деб, кўзини кўр, қулоғини қар қилганлар бўлган. Шиалар ҳар йили муҳаррам ойнинг бошида кўчаларга тўда-тўда бўлиб чиқиб, ўзларини занжирлар билан уриб, баданларидан қонлар оқизиб, «Шоҳ Хусайн, воз Хусайн» деб қичқириб дод фарёд солиб, юришлар уюштирадидилар. Зоҳидлар эса 40 кунлаб зах хоналар, ғорлар, ертўлаларга кириб, ҳеч кимга кўринмай «чилла» да ўтирганлар. Бирок, ҳадисларда: «Динда ўртача йўл тутинглар, ... чунки ушбу дин амалларини ким оғирлаштириб юборса уни амал енгиб қўяди» деган панд-насихат ёзилган.

«1001 ҳадис», «Ал-Адаб Ал-Муфрад», «Шомайили Муҳаммадия» даги каби «Қирқ ҳадис»да ҳам қулги ҳақида қимматли ибратли ўғитлар бор. Чунончи буларнинг охиригисида «Кўп қулиш кўнгилларни ўлдиради» дейилган. Бу писандани Навоий ҳазратлари қуйидаги рубоийларида баён этган:

*Леру кўп қулмаким, улар эрлиши
Зиндадни кўпли қулгу хасратидии.
Мупи ҳар кимки билди кўнгли билан,
Қулмагай ўлса қулгу хасрадин.*

Бу тўртликнинг мазмуни қуйидагича: жуда кўп қулавериш тирик дилларни ўлдиради, ғазаблантиради. Кимки қаҳқаҳ уриб, беҳаёларча, масҳараомуз ёки хириглаб қулар экан, у ўзининг беандиша, бетамиз, одобсиз, ҳатто ахлоқсиз эканлигини билдиради. Бундай кимса мусибатхонада, азада, дафн маросимида ва маъракаларда ҳам ўзини тута олмайди. Айрим беодоб, беандишалар машғулотлар пайтида ҳам ҳатто қироатхонада, жамоат жойларда ҳам кўп ва қаттиқ қулаверадилар. Булар асосан такасалтанг йигитлар ва сатанг киз-жувонлардир. Ҳамма ҳодиса, фаолият ва ҳатти-ҳаракат ҳаддидан ошса йиғига айланади. Зеро, қулгунинг энг яхшиси табассумдир. Шунингдек, ҳазил ҳам меъёрида бўлиши кераклиги саҳийх ҳадисларда кўрсатиб ўтил-ан. Ҳазилнинг таги зил деганларидек, ақсарият ҳолларда бу чинга айланиб кетиб, ққпгина нохуш воқеаларга олиб келган пайтлар бўлган. Ўринсиз, қаттиқ қулиш ва беъмани қилиқлар ўз ортидан ҳаёсиз ва ибосиз ибораларни беихтиёр илаштириб

келади, улар одоб пардасини йиртади, ахлокли ва нуфузли шахсларни бетайин қилиб қўяди, дилни садпора қилади, киши обрўсини тўкади.

Ҳадисларда ахлоки ёмонлар бошқалар у ёқда турсин, бундан ўзи ҳам изтироб чекиши, азоб-уқубатга гирифтор бўлиши мумкинлиги уқтирилади. Жумладан, «Кимнинг хулқи ёмон бўлса, ўзини ўзи азоблайди... Кимнинг кишилар билан тортишаверадиган одати бўлса, ҳурмати кетади ва обрўси тушади» дейилган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар кимнинг ахлоқи ёмон бўлса, буни бировга тўнқамасин, ўзидан кўрсин; агар у ахлоқи ёмонлигини англамай, ўзини оқлаверса, айбини бўйнига олмаса, демак, у сира яхши одам бўла олмайди; умри азобда ўтади, обрўси бўлмайди, бор бўлса тушади.

Ҳадисларда ўғитларни баён этишда, уларнинг аҳамиятини тавсиф қиластганда истиора, мажозий қиёслаш усулидан кўп фойдаланилган. Ҳадисларда ёшларга тегишли жуда яхши ўғитлар бор. Булардан бири улар ўзларидан катталар билан ҳамсухбат бўлишга, билмаганини улардан сўрашга, донолар билан тез-тез мулоқотда бўлишга чақирилган. Чунончи буларнинг бирида «катта ёшлилар билан ўтиришинглар, олимлардан сўранглар, донолар билан аралашинглар» деб ёзилган. Демак, муҳаддислар бу ҳадиси «1001 ҳадис»га киритаётганда, ёш илм толиблари маърифат, билим, маънавият, ижобий намуна, қимматли ибрат олишини назарда тутганлар. Улуғ олиму-мураббийлардан таълим, тарбия олишлари бекиёс фойда эканлигини англаганлар. Бу даъват таъсири остида ҳам бўлса керак. Ҳазрат Навоийнинг "Билмаганини сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим" деган ўғитлари ҳадисдаги илмга даъватнинг маҳсулидир. Ҳадислардаги ахлокий ўғитларнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги хизмати шундаки, уларда дангасалик, танбаллик, бегамлик, лоқайдлик кораланади, аксинча меҳнатсеварлик, шижоат ва ташаббускорлик рағбатлантирилади. Пайгамбаримиз (с.а.в.) ўз умматларида вужудга келиши мумкин бўлган қусурлардан бирини дангасалик, ишёрмаслик деб қайд қилганлар.

Ҳадисларнинг комил инсонни тарбиялашдаги энг катта аҳамиятлари эса уларда **илм-фан, билим, хунар** ўрганишга қаратилган даъватлардир: «Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан». "1001 ҳадис"да ҳатто садақа хусусида фикр юритилиб, уларнинг охиригисида «Садаканинг афзали мусулмон киши илм ўрганиб сўнгра бошқа биродарига ўргатишдир» дейилган. Бу ўғит ҳар бир мўминнинг ўзи эгаллаган билимни бошқаларга ҳам ўргатишга, уни улар билан баҳам кўришга чақиришга қаратилган гоят фойдали даъватдир. Ҳадисларнинг яна бирида «Мўми кишига вафодан кейин савоб тегиб турадиган амали солиҳ»нинг еттинчидан энг биринчиси унинг «тарқатган илми» эканлиги таъкидланган. Навбатдаги ҳадисда «Ҳар бир мусулмонга талаби илм қилиш фарздир» деб илгари сурилган ўғит, тавсия, насиҳат суннат даражада, яъни бажарилиши ихтиёрий эканлига қарамай, илм олиш фарз

деб ҳисобланган; демак, бу «толиби илм» лиликка мажбурилик макоми берилган. Демак, пайғамбаримиз (с.а.в.) дунёвий билимлардан бахабар бўлиш илмсизлик ва ахлоқсизликнинг дебочаси эканлигини оқилона тушунгани учун илм олишни фарз тушунчалар сирасига киритган. ., Афсуски, Ўрта асрларда бундай ўғитни баъзи муттаассиб, жоҳил рухонийлар, чаласавод амалдорлар унутган эдилар.

Билимлилик, илм эгаллаш инсон ахлоқий камолотининг асоси ва муҳим шарт ҳисобланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида баён этилган илм ва билимдонлик тушунчалари ҳозирги замондаги илм ва олимлик деган маъноларни ҳам ўз ичига олади. Ҳадисларда илмни эгаллаш, унга амал қилиш, билимсизларни ўқитиш, ўргатиш лозимлиги ҳақида жуда кўп ривоятлар берилган. «Илмда бахллик бўлмайди» дейилади ҳадисларда. Ушбу ҳадисни назм мулкининг султони ҳазрат Навоий бундай шарҳлаган эдилар:

*Эй хирадманд олимек, санга
Илмдан рўзи айлади Сонеъ
Киши ўрганса, қилмоғил махрум
Ёки наф олса, бўлмағил монё.*

Бунинг мазмуни шуки, эй донишманд, илм истовчи сендан ким **илм** талаб қилса, сен уни бу мақсаддан махрум қилмагин, бахиллик йўлини тутмаган. Ушбу ҳадиснинг шарҳида таъкидланганидек, илм ўрганиш ва ўргатиш, унинг хосиятлари ҳақида Қуръонда ва кўплаб ҳадисларда уқтирилган. Инсон илмга ташна, ҳаётнинг сир-асрорларини фақат илм воситасида билиб олади. Илм олишга рағбат мусулмон дунёсида жуда кенг тарғиб қилинади. Муборак ҳадисда таъкидланганидек, «Илм олиш ҳар бир мусулмон эр ва мусулмон аёл **киши учун** фарздир», илмда рағбат кўплигидан "Илмни хаттоки Хитойда бўлса ҳам ўрганиш" деб даъват этилади. Бундан агар илм инсон, жамият учун зарур бўлса-ю, унинг асоси ўзга динлар мамлакатаида бўлса ҳам бу илмдан эл-юртни бахраманд қилиш учун ҳам уни ўрганиш лозимлиги уқтирилади.

Аксарият ҳадисларда яхшилик қилишнинг энг асосийлари - ота-онага қилинадиган яхшилик, ундан кейингиси етим-есир, бева-бечораларга қилинадиган яхшилик, булардан сўнггиси ҳар бир эркакнинг ўз аёлларига яхшилиги эканлиги қайд этилган. Уларнинг бирида «Аллоҳ Таоло сизларга хотинларга яхшилик қилишингизни буюради, чунки улар оналарингиз, кизларингиз ва холаларингиздир» деган буйрук баён этилган. Ёмонликка ундовчи нафс ҳақида Қуръонда бундай дейилган: «Мен нафсни оқламайман чунки нафс, албатта барча ёмонликларга буюргувчидир».

Мамлакатимизда **рахбар ҳодимлар учун ибратли ўғитлардан** бири ҳам ҳадисларда ўз аксини топган. Масалан, уларнинг бирида Худо ўз раҳмати билан жаннатга киритадиган уч рағбатдан бири. «Қўл остидагиларга яхшилик қилиш» дейилган. Булардан бири - заифларга

меҳрибон бўлиш ва ота-онанинг дуосини олишдир. Бошқа бир ҳадисда яхшиликка далолат қилиш ҳам маъқулланиб, уни қилган киши яхшилик қилган билан баробар эканлиги таъкидланади. Қўпчилик ҳадисларда яхшиликнинг ифодалари хайри-эҳсон, садақа ҳада эканлиги қайд этилган. Масалан, уларда «Ҳар бир яхшилик садақадир» деган ғоят фойдали ўғит баён қилинган. Ҳадисларда баён этилган яхшилик ҳақидаги ўғитларнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, уларда яхшилик қилишга чақирибгина қолмай, бу фазилат беминнат, мумкин қадар пинҳона бўлиши зарурлиги айтилади. Масалан, уларнинг бирида "Қилган яхшилигини миннат қилувчи одамлар мўмин эмасдирлар". деган кескин огоҳлантириш бор. Демак, ҳадисларда чин мўмин саҳий, саховатли, ўз неъматларидан бир қисмини ўзгалар, биринчи навбатда, ўз яқинлари билан баҳам қўрувчи бўлиши беназир фазилат ҳисобланади.

Баъзи ҳадислардан яхшилик ва ёмонликнинг ажрини охиратга қолдирманг, улар шу реал дунёдаёқ ҳал бўлиши кераклиги таъкидланган. Айнан дунёнинг аҳамияти каби бундай умидларнинг самарали таъсири, оқибати нақдрокдир. Бу жиҳатдан мана бу ҳадис ибратлидир: "Кимки бирор ёмонлик қилса шу дунёдаёқ жазосини тортади." Бироқ бу қандай жазо эканлиги, ким бу жазони бериши ҳадисларда учрамайди.

Ҳадисларнинг инсонни барқамол қилиб шакллантиришдаги аҳамияти шундаки, улар қандай хусусиятларга эга бўлган одам яхшию, қандай инсонларга эга бўлган кимса ёмон эканлиги ҳам кўрсатилган. Масалан, уларнинг бирида кишиларга ёмонлиги тегмайдиган киши яхши, ёмонлиги тегадиган, яхшилигидан умид қилмайдиган киши ёмон, дейилган. Яна бирида ёмонлик баҳилик ва бадхулқилик билан боғланиб «Иккита ёмон хислат мўмин кишида жам бўлмайди» деб ёзилган.

Ислолда, жумладан ҳадисларда **ёмонлик** деганда қилмиши муртат. макрух, ҳаром қатта гуноҳ деб ҳисобланадиган, умуминсоний ахлоқда душманлик, ёвузлик, хунрезлик, хўрлаш, азоб бериш, таҳқирлаш, ҳақорат қилиш, қарғиш, ўғирлаш, пора бериш ва пора олиш, судхўрлик каби қабохату разолатларга айтилади: ҳар бир инсонга ёки жамиятга зарар етказиш ёмонликдир. Ўзларини яхшилик томонга буриб, ёмонликка юз ўғирган шахслар ахлоқи юксак фазилат соҳибларидир.

Ҳадисларда мўминларнинг **рахм-шавқатли, хайр-саховатли** бўлишларига даъват этувчи ўғитлар анчагинадир. Масалан, уларнинг бирида «Ҳада улашинлар, диллардан ғаш, гина кетади» дейилса ундан кейингисида «Ҳада беринлар, чунки у муҳаббатни зиёда қилади ва дил зангларини кетказди» дейилган. Яна бир ҳадисда садақа масаласига қайтиб нима нимадан афзаллигини таъкидлаб, бундай дейилган: «Садаканинг яхшиси кишини ғани (бой) холда қолдирганидир». Бераётган қўл олаётган қўлдан афзалдир, «Садақа беришни қўл остингдагилардан бошла», деган ҳадисларнинг маънавий аҳамияти чексиздир. Диний манбаларда жаннатнинг эшиги тепасига садақага ўнта савоб, қарзга ўнта савоб, деб ёзилганлиги ҳақида ривоятлар мавжуд. Бундан садақа бойнинг

хам фақирнинг ҳам қўлига тушиши мумкин, лекин қарз фақат муҳтож одам қўлига тушади, деган маъно англанади. Айниқса етим-есир, бева-бечора, мажруҳ, мискин, оч-яланғоч бандаларига раҳм-шафқатли бўлишига чақириқлар жуда кўп учрайди. Чунончи, уларнинг бирида «Дилинг юмшаб қоматинг ёмон бўлишини хоҳлайсанми? (Хоҳласанг) етимга раҳм қил, бошини сила, овқатингдан едир, шунда дилинг юмшайди ва хожатинг чиқади». Ҳадисларнинг ўтмишнинг ахлоқий меъзонлари билан ҳозирги давр ахлоқий меъзонини боғлайдиган жиҳати шундаки, кичикларга раҳм-шафқатли, катталарга иззат-иқромлари бўлишликда.

Халқимиз азалдан меҳрга ҳайрихоҳ халқ, ўзи емаса ҳам бировга едиради, киймаса ҳам кийдиради, ожиз ёрдамга муҳтож кишини ёлғиз қолдирмайди. Ана шундай азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш мақсадида мамлакатимизда қўллаб ҳайрия жамғармалари тузилди. Бу жамғармалар томонидан меҳрга муҳтожларнинг қўнглини кўтариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда ёлғизлик хиссини йўқотиш каби кўп-кўп эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда "Меҳр-мурувват йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" ва "Ижтимоий ҳимоя йили" да амалга оширилган хайрли ишлар шулар жумласидандир.

Ҳадисларда ростгўйлик, камтарлик ва шон шуҳрат ҳақидаги ахлоқий даъват ва тавсиялар ҳам жуда кўп. Шунинг баробарида буларга доир огоҳлантириш ва чеклашлар ҳам мавжуд. Ҳадисларда ҳар бир инсонда мавжуд бўлиши лозим ҳисобланадиган фазилатлардан бири ростгўйлик у билан боғлиқ, ваъдага вафо, ёлғон гапирмаслик, алдамаслик ҳақидаги ривоятлар анчагина. Ёлғончилик, сохтакорлик, чакимчилик қаттиқ қораланган. Масалан, уларнинг бирида Ҳудого «сўзларнинг сеvimлиси ростдир» дейилса, бошқасида «хатоларнинг қаттаси ёлғон тилдир», «бировдан олган гапни ёлғон ўзгартириб гапириш ёмон» дейилган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам рост гапириш юксак фазилат эканлиги таъкидланиб, «Агар ўз зараринга бўлса ҳам ҳақни гапир» деган ўғит бор. Бошқа ҳадисда эса «Ҳар бир ёлғон гап одам боласига гуноҳ бўлиб ёзилади, лекин уч ёлғон ёзилмайди: 1. Киши урушда (душманга) ёлғон ишлатади, чунки урушнинг ўзи хийладир. 2. Киши хотинига мураса учун ёлғон гапирди. 3. Киши икки кишининг орасини ислоҳ қилиш (яраштириш) учун ёлғон гапирди».

Ҳадисларда **ёлғончилик ва хиёнат** кескин қораланади. Уларда ҳар бир хислат мўмин одамнинг табиатига сингиши мумкин, лекин ёлғончилик ва хиёнаткорлик мўминнинг табиати бўлмайди, деб иктирилади. Бу ўринда инсоннинг табиати иборасини илмий тилда уни ички дунёси, маънавий дунёси деб тушуниш жоиздир. Демак, мўмин, яъни иймонли такводдор мусулмон ҳеч қаерда, ҳеч қачон ва истаган шароитда ёлғон сўзламаслиги керак. Акс ҳолда у фозил шахс бўла олмайди. Айрим ҳадисларда ростгўйлик ўрнига ҳақсўз, гоҳо ҳақчан ишлатилиб, мўминларга керакли, уларга ҳозирги даврда ҳам зарурий тавсиялар берган. Масалан, уларнинг бирида «Ҳақ сўзни гапиришдек сеvimлироқ садақа йўқ» дейилган. Яна бирида эса «Бир-бирингизга ёлғон ишлатиб тухмат қилманглар» деган ўғит

баён этилган. Хадисларда мўминнинг бир сўзли, қатъиятли бўлиши, аҳди |и вафо қилиши юксак ахлоқий фазилат деб ҳисобланиб, бу фазилат ийМОН билан боғланади. Зеро, «Сўзида туриш, ахдга вафо қилиш - иймоидандир» дейилади.

Хадисларда **камтаринлик** нисбатан камрок тилган олинган ахлоқий фазилатлар сирасига киради. Бу жиҳатдан кийинишда, юриш туришда муомалада камтарин бўлиш зарурлиги ҳақида илғари сурилган хадисларнинг кўпдан-кўп фойдаси бор. Имом Бухорийнинг "Ал-Адаб ал* муфрад" асарининг «Такабурлик ҳақида»ги бобда кибириланиш қораланиб, кибрнинг маъноси ҳақиқатни, тўғрисиқни тан олмаслик па бошқа кишиларни ўзидаи паст ҳисоблашлик деб белгиланган. Ушбу бобга киритилган хадисларнинг бирида дўзах ва жаннат масалалари борасида бахшлашилганда ҳақ сўзни тан олмайдиган ва одамларни таҳқирлаб, ўзини улардан устун ҳисобловчи кишиларни мутаккабирлар деб атайдилар.

Хадисларда **хаё, ибo** ҳақидаги ахлоқий маслаҳат, ўғит ва тавсиялар ҳам жуда кўп бўлиб, улар комил инсонни шакллантиришда хозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Буларда мўминларнинг комил инсонга хос фазилатларидан бир туркуми шарму-хаё, яъни иффат, назокат, ориятлик бўлишга даъват этувчи ривоятлар анчагина мавжуд. Чунончи, шундай мазмундаги хадисларнинг бирида «хаёнинг турган-битгани яхшидир» дейилса, иккинчисида «хаё фақат яхшилик келтиради» деб ёзилган, учинчидан эса «хаё имондандир» деб уқдирилган. Шарм-хаёнинг зидди беҳаёлик ва уятсизлик инкор этилади. Чунончи уларнинг бирида «қайси бир нарсада уятсизлик аралашса, уни албатта айбли қилади. Қайси бир ишда хаё бўлса, ўша жойни безайди» дейилган. Бундай огоҳлантиришлар шарму-хаё нақадар қимматлигини, усиз инсонлар ахлоқсиз, беодоб, беандишалик қилса шарманда бўлиб қолишини, диний эътиқоддан, ёшидан, жинсидан қатъий назар ҳамма шарму-хаёли бўлиши шартини англашиб турибди.

Ҳақим Термизийнинг «Шамоиلى Муҳаммадия» китобида келтирилган хадисларда одамларни **ғазабли, дилозор** бўлмасликка ва одамларни **ҳақорат** қилмасликка чақириб «Ғазаб одам боласи ичида ёниб турган чўғдир. Бирор одамда ғазаб пайдо бўлса ерга ўтирсин. Кишиларнинг яхшилик ғзаби секин келиб, ризолиги тез кетувчидир. Одамларнинг ёмони ғзаби тез келиб, ризолиги секин бўлувчисиدير» дейилган. Бошқа бир хадисда эса «Тилини (сўзини) яхшилаган бандага Аллоҳ раҳматини берсин» деган кўрсатма бор. Кўпгина хадисларда мўминларга, хатто бошқа диндагиларга озор бермаслик, уларни ҳақорат қилмаслик иззат нафсини ерга урмаслик хусусида ҳам ўғитлар бор. Шуни таъкидлаш жоизки, ғзаб борасидаги хадисларда муроаю-мадора тамойили устуворлик қилади. Чунончи, ҳеч қачон ҳеч қимни сўкма, ғзабинг келса жим бўл, ғзабинг келганда тик турган бўлсанг ўтир, агар ғзаби кетса хўп-хўп, кетмаса ётиб олсин, деган буйруқ ҳам бор. Зеро, Ислом ўч олишни, хун талаб қилишни маъқул топмайдиган улў диндир. Ҳақорат эса исломдаги энг ёмон гуноҳ

чисобланган судхўрлик билан киёсланиб, ҳақорат ундан ҳам ёмон эканлиги уқтирилган: «судхўрликдан ҳам қаттироқ нарса кишининг ор-номусини ҳақорат қилишдир». Мўминларнинг бир-бирларини ҳақорат қилишлари ҳам фосиқликка, ундан кейин уришиб (ёқалашиб) қолишлари кофирликка генглаштирилиб, ҳадисларнинг бирида бундай деган кескин инкор бор: «Мўминнинг сўкишуви фосиқлик, уришуви ва ўлдиришуви кофирликдир».

Ҳадислар тўпланган, таҳрир қилинган, шарҳланган ва нашр этилган Урта асрларда уруғ, қабила, элатлар ораларида душманлик, адоват, ер-мулк талашиб, бойлик тўплаш учун уруш-жанжаллар авжига чиққан эди. Шу сабабли Пайғамбар, халифа, саҳоба ва донишмандлар мўминларни бундай қабиллик ва разилликларга барҳам бериш, ўзаро тотув, дўсту биродар бўлишга чақиришга мажбур бўлганлар. Бу мажбурият ҳадисларда ҳам ўз ифодасини топган: "Дўстлик ҳам мерос қолади, душманлик ҳам" деган хикмат акс этади. Бундан англанадики, дўстлик юксак аҳоқий фазилат сифатида инсонга буюклик ато этади, ғаразгўйлик, душманлик эса инсоннинг шаънини булғайди. «Бир-бирингизни қавламанглар, тортишманглар!, ёмон кўришманг!, юз ўгиришманг! Оллоҳнинг дўст-биродар бандалари бўлинглар» деган ҳадиснинг аҳамияти бугунги кунда ҳам қатта эканлигини ҳеч ким инкор этмас керак.

Ҳадисларнинг илмий-назарий, амалий-прагматик қиммати шундаки, уларда инсонларни бир-бири билан биродар бўлишга, тотувликда ҳаёт кечиришга ундайди, улар реал ҳаётда мавжуд бўлганлиги учун ҳам бу фазилатларга оқилона, охирини ўйлаб иш юритиш лозимлигини уқтиради. Зотан ҳар бир фуқаро ўртасида дўстлик, меҳр-оқибат, иймон, ҳалоллик, миллатлар аҳиллиги биз учун муқаддас бўлмоғи керак. Инсонлар қайси мамлакат фуқароси, қайси миллат вакили бўлишларидан қатъий назар ўзаро биродардир, деган пурҳикмат гоё илгари сурилганлиги ҳадисларнинг инсонпарварлик моҳиятини белгилайди. Ҳар томонлама барқамол шахсни шакллантиришга хизмат қилаётган фалсафий тафаккур концепциясининг асосчиси Ислоҳ Каримов маънавиятнинг барча қиррапариди эришилган ютуқларга мухтастар тавсиф бериб, бундай деган эди: «Миллий қадриятлар, эзу анъаналар, тилимиз, муқаддас динимиз ҳаётидаги ўрни қайта тиклангани ҳам жамиятимиз киёфасини ўзгартиришда, маънавиятимизни, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда ўзининг ижобий самарасини бермоқда».

Таянч тушунчалар:

Ҳадис, ҳадисшунослик, Имом Бухорий, Имом Термизий, ҳалоллик, иймон, эътиқод, ҳаё, ифқат, ростгўйлик, муруватпешалик.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Ал-Жомеъ Ас-Саҳиҳ» Ислоҳ динида Қуръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбаъ эканлигини асосланг?

2. Ҳадисларда ахлоқсизлик, ҳаёсизлик, беодоблик сингари *иллатлйВ* каттик қораланган, уларга нисбатан лоқайд ва бефарқ бўлиш тапқид қилинган. Бунинг сабабини ҳаётий мисол билан исботланг?

3. Таълим-тарбияга доир ҳадисларнинг аҳамиятини демократпи тамойиллари асосида изоҳланг?

4. Ҳадисларда ахлоқи ёмонларнинг ўзлари ҳам ўз ёмонликларидаи изтироб чекишлари ҳақида уктирилади? Бунинг сабабини тушунтирио беринг?

5. Ҳадисларда ёлғончилик ва ҳиёнат кескин қораланади. Уларда ҳар бир ҳислат мўмин одамнинг табиатиға сингиши мумкинлиги айтилади. Лекин ёлғончилик алоҳида таъқидланган. Бунинг сабиби нимада?

6. Мамлакатимизда раҳбар ходимлар учун ибратли ўғитлардан бири ҳам ҳадисларда ўз аксини топган. Буни изоҳлаб беринг?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

8. Каримов И. Асарлар. 1-13 томлик. Т. Ўзбекистон. 1996г2005.
9. Абу Аблуддох Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 4 тўплам. Т. Қомуслар Бош таҳририяти. 1997.
10. Арбаъин ҳадис ва қирқ мақол. Т.: Фан. 1994.
11. Аҳмаджон Бобомурод. Қамолот сари. Т.: Чўлпон. 2000.
12. Ҳикмат дурдоналари. Т.: Мехнат. 1993.
13. Ҳаким ат-Термизий. Шамойили Муҳаммадийя. Т.: Маънавият. 1994.
14. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар Т. 1990, 163-бет
15. Мусулмоннома. Т. Қомуслар Бош таҳририяти. 1992.
16. Маънавий қамолот омиллари. Т.: Университет. 1995.
17. Товаслий Юсуф. Ҳикматлар ҳазинаси. Т. Наврўз. 1994.
18. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Иймон. Т. "Шарк" нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2006.
19. Қуръони Қарим. Т.Чўлпон. 1992 .

Х-ХН АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА АХЛОҚИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Сомонийлар ва Қорахонийлар даври мутаффакирлари ижодида маънавий кадриятлар.

Режа:

1. Сомонийлар ва Қорахонийлар даври ахлоқ фалсафаси ривожининг ўзига хос хусусиятлари
2. Абулқосим Маҳмуд ибнУмар аз-Замахшарий асарларининг ахлоқий моҳияти
3. Абу Абдуллоҳ Хоразмий ахлоқий таълимотининг аҳамияти
4. Абу Мансу ас-Саолибий аср аҳлининг фозиллари ҳақида

Атоқли шарқшунос тарихчилар эътироф этганидек, Х-ХН асрларда сомонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, хоразмийлар, қорахонийлар тузган кудратли давлатларнинг шаклланиши, гуллаб-яшнаши, муғул истилочилари келгунга қадар бу давлатларда яшаган қомусий олимлар Абу Бакр Фоний, Абу Наср Фаробий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ал-Фаргоний, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Муҳаммад Наршахий, Маҳмуд Қошғарий, Абу Райхон Беруний, Носир Хусрав, Хусайн Ибн Абдуллоҳ, Ибн Сино, Абул Фатх Бустий, Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Бакр Хоразмий, Абу Мансур ас-Саолибий, Абулқосим Фирдавсий, Муҳаммад Авфий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Хожиб, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий каби жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг етишиб чиқиши жаҳон цивилизацияси тарихида бу даврни "Шарк Уйғониш даври" деб аташга асос бўлди.

Жаҳон тарихшунослигида, тарихий, фалсафий, филологик тадқиқотларда бу даврда гуллаб-яшнаган сомонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, хоразмийлар давлатининг ривожланган даври ҳақида Муҳаммад Наршахий (899-960)нинг «Бухоро тарихи», Хасан Абу Али Тусий-Низомулмулк (XI аср)нинг «Сиёсатнома», Фирдавсийнинг «Шохнома», Абу Мансур ас-Саолибийнинг "Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси" ва шу асарга қўшимча "Татиммат ал-Йатима" асари, Садриддин Али ал-Хусайннинг "Зубдат ут-таворих", Абулфазл Байхакийнинг «Масъуд тарихи» каби асл манбаларда сомонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, хоразмийлар ва қорахонийлар давлатининг тарихи, маданиятига доир айрим хусусиятлар ифода этилган.

Қорахонийлар даври маданияти. Маълумки, бу давр тарихда жуда кам ўрганилган. Хатто қорахонийлар давлатида яшаган буюк адиб, «Ҳиббатул-ҳақойик» асарининг муаллифи қачон яшаганлиги ҳақида ханузгача бир фикрга келинмаган. Атоқли туркшунос олим Қозокбой Маҳмудов «Ҳиббатул-ҳақойик» асари ҳақидаги

тадқикотида Аҳмад Югнакийнинг яшаган даври Юсуф Хос Хожиб яшаган даврга яқин, деган фикр билдирилган. Атокли шарқшунос олим Муҳаммаджон Имомназаров эса Алишер Навоийнинг «Насойимул-мухаббат» асарида таърифланган Имоми Аъзам Абу Халифанинг шогирдларидан бири бўлган Адиб Аҳмадни шоир Югнакий деб ўйламайди ва уни УШ-IX асрларда, Имоми Аъзам даврида яшаган деб ҳисоблайди...

X-XI асрларда «Шоҳнома» билан деярли бир вақтда тарихий-бадий «Шоҳнома» езганлар ҳам бўлган. Шулардан бири Беруний ва Ибн Синонинг замондоши, атокли олим ва шоир, сайёҳ ва савдогар *Лбу Мансур Лбду-Малик ас-Саолибий Нишонурийдир*. Унинг «Ятимат ад-дахр» асари бу давр маданий ҳаёти ҳақида энг қимматли манбалардан биридир. Шунингдек, унинг "Форс шоҳлари ҳақида хабарлар ва уларнинг сийратлари" («Фурор ал-мулук ал-фурус ва сийарихум»), «Шоҳномаи Саолибай» китобларининг шухрати ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам юксак маънавий қадрият саналади. Абу Мансур ас-Саолибий истегъодли олим бўлиб, унинг шеърий девони ҳам бор. Муҳтарам шақшуносимиз Исмаилла Абдуллаевнинг ёзишича, ас-Саолибий ўша даврнинг фан ва маданият ўчоқлари бўлган - Журжон, Ғазна, Хоразм ҳақида, у ерларнинг табиати, ҳавоси, суви, мевалари ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган.⁶ Шунингдек, олимнинг «Ятимат ад-дахр» ҳақида ёзган тадқикотида котиб Чалабийнинг «Кашф аз-зунун», («Хатолар, айбларни аниқлаш») ва Карл Брокельманнинг «Араб адабиёти тарихи» асарларига суяниб, ёзишича, Абу Мансур ас-Саолибийнинг муҳим асарлари ичида «Ятимат ад-дахр фи-маҳосин ахлул-аср» - «Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси» номли асари юксак салмоғи билан бошқа асарлардан ажралиб туради.⁷ И.Ю. Крачковскийнинг ёзишича, ас-Саолибий бу салмокли асарини 994 йили ёзиб тугатган (*бу вақтда Беруний ҳали машҳур асарларини ёзишга киришган эди: «Асорул-боқия»ни эса 1001 йилда ёзиб тугатганди - М.Н.*). Эрон олими Аббос Иқболнинг тадқиқотларида ас-Саолибий ўз асарларига яна йигирма йил давомида қўшимчалар ёзиб тўлдириб борган. Муаллифнинг ўзи «Ятимат ад-дахр»нинг сўнгги муқаммал нусхаси ҳақида бундай деб ёзган эди: улар (замоннинг фузалоси ва шуароси) табининг энг яхши (бадий) тўқималари, фахмларининг қуйма (олтин) лари, ва зехнларининг гўзалликларини энг яхши, олий нав либослар (гўзал сўзлар) ва ажойиб, қимматбаҳо безаклар ичига ўрайди. Уларнинг малих (малоҳатли, нафис) сўзлари, эрталабки райҳон ва мевадан ҳам хушбўйроқ, сахардаги насм (шабода) эсишидан ҳам ёқимлироқ латифаларини (латиф) гуллар ва чечаклар хидларига (атирига)

⁶Ўшажойда.

кўшиб ўз ичига оладики, аввалги нусхаларда (бунчалик латофат ва нафосат) бўлмаганди .

Ас-Саолибай тазкирасининг Хуросон ва Мавороуннахр ахлининг фозиллари асарларидан (шу жумладан, Бухоро ва Хоразм фозиллари асарларидан) гўзал намуналарни келтиради. У, Хоразм фозилларидан Абу Бакр Муҳаммад Ибн Аббос ал-Хоразмий, Абу Саид Аҳмад Аш-Шабибий, Абу-Ҳасан Маъмун Ибн Муҳаммад, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Ҳамид, Абул Қосим Аҳмад Ибн Зирғоп ва бошқалар ижоди ҳақида қимматли маълумотлар беради. У, Хоразмий Қунийли Фозиллардан Абу Бакр Хоразмий ҳақида кенг тўхталгани холда машҳур «Мафати қул-улум» муаллифи Абу Абдуллоҳ Хоразмий ҳақида негадир маълумот бермаган. Бунинг сабаби, бизнингча, «Ятимат ад-даҳр»да замона фозилларидан асосан шоирлар ва уларнинг асарларидан парчалар берилгандир. Худди шу сабабли, ас-Саолибай «Ятимат ад-даҳр» да Нишопурда Самонийлар амри Нух Ибн Мансур (хукмронлиги 976-997) нинг вазири Абул Ҳасан ал-Утбий девонида қотиб бўлган серкирра олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Юсуф ал-Хоразмий ҳақида, шунингдек замондошлари Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино ҳақида фикр юритмаган.

Абу Абдуджоҳ Хоразмий ўз даври аъбаларига кўра, илм-фанларни тасниф этишда, уларни *шариат илмлари* ва *иоарабӣи гишларга*. ажратади. У шариат илмларига - фикх, калом, сариф ва наҳф (грамматика) шеърийят ва тарих илмларини киритган. «Манфати қул-улум» китобининг «фикх» қисми 11 бобдан иборат бўлиб, бу бобларда Қуръон, Ҳадис, Ижмоъ, Қиёс ҳақида фикр юритилади. Асарнинг "Калом" қисми VII бобдан иборат.

I-бобда мантиқ илмига доир жавҳар-зат (субстанция) ва араз (аксиденция) ҳақида, «Калом» қисмининг мусулмон мазҳаблари ҳақидаги бобида эса 7 масҳабдан бири сифатида мутаазила оқими тилга олинади ва у ҳақда адолат, ҳақиқат, тавҳид аҳли деб, унинг 6 гуруҳи борлигига айтилади:

1. Ҳасанийлар (Ҳасан Басрий издошлари).
2. Ҳузайдилар.
3. Наззамийлар.
4. Маъмурийлар.
5. Бишрийлар.
6. Жохизийлар.

«Манфати қул-улум» муаллифи мазҳаб-хорижийлар 14 гуруҳдан иборатлигини айтади. Учинчи мазҳаб - аҳли сунна вал-жамоага у молихийлар, шофийлар ханбалийлар довудийларни кўрсатади. Нима учундир, Абу Абдуллоҳ Хоразмий даврида аҳли сунна вал-жамоанинг асосий гуруҳи Абу Ҳалифа Имоми Аъзам издошлари - ханафийлар тилга олинмаган. Шундан сўнг, мужбирийлар (ёки жаббирийлар) 5 гуруҳ, мушаб

⁸ Абу Мансур ас-Саолибий. Ятимат-ад-даҳр Т. Фан. 1976 .-25-бет».

баҳа-масхатий-13 гуруҳ, муржийлар-б гуруҳ, 7- гуруҳ ашшалар бш гуруҳдан ташкил топганлиги айтилади.

«Дафтардорлик» илми қисмида дон, ғалла, ун, қаттиқ ва суюқ жисмларнинг вазн ўлчовлари, божи хирож, солиқларнинг турлари, Ирок, Хуросон, Бухоро, Хоразм, Насаф, Нишопурда қўлланиладиган ер майдонларини ўлчаш усуллари, чархналак билан сув чиқариш, арик, наҳрлар қазиш текис ва лалми ерларини сугориш ишлари ҳақида қимматли маълумотлар берилади⁹. Асарнинг «тарих» қисми IX бобдан иборат. I-бобда Эрон подшоҳлари ва уларнинг унвонлари, II-бобда араб халифаларининг исмлари ва лақаблари, III-бобда жоҳилият давридаги Яман лодшоҳлари, IV-бобда ҳам Яманда ҳукм сурган Муоз сулоласи, V-бобда Рум ва Юнонистон подшоҳлари, VI-бобда Эрон подшоҳлари тарихида кўп қўлланиладиган иборалар ҳақида, VII-бобда исломият даврида арабий нафис тарихчиларнинг асарларида учрайдиган (ғазаб, ғозий, зимма, жийа каби) сўз ва иборалар ҳақида, VIII-бобда жоҳилият даврига доир араб амирлари, қабила бошлиқлари, подшоҳлари ҳақида, IX-бобда Рум подшоҳлари (императорлари) тарихига доир асарларида кўп қўлланиладиган сўзларнинг маънолари тушунтирилади.

Атоқли географ олим Хамидулла Хасанов Абу Абдуллох Хоразмий «Мафотих ал-улум» («Илмлар қалити») асарини икки қисмдан иборат энциклопедия ёки терминологик луғат деб баҳолайди. Унинг биринчи қисми дин-шариат масалаларига бағишланган. Иккинчи қисмида эса турли халқлар, ажаллар, юнонлар, сурияликлар, форислар, хиндлар билган илмларнинг, чунончи, фалсафа, мантик, тиббиёт, риёзиёт, хандаса, мусика, механика, кимё ва фалаккиёт каби фанларнинг тарихи берилган. VI-бобда фалаккиёт фани кетидан математик ва астрономик географияга доир қимматли маълумотлар берилган.

Бундай мураккаб луғат тузиш учун Абдулла Хоразмий араб ва форс тилларидан ташқари, юнон, сурия тилларини ва бошқа тилларни ҳам яхши билган бўлиши керак. Унинг луғатида айниқса Хуросон ва Ўрта Осиё тўғрисида муҳим изоҳлар бор. Урта Осидаги сугориш терминологиясига доир изоҳлар хануз қимматини йўқотган эмас. Ван Флотен бу асарнинг 1160 йилда ёзилган энг кўхна қўлёзмасидан нусха кўчиртириб, уни 1895 йилда нашр эттирган. Асарнинг география қисмини эса Видеман немис тилига таржима қилган. Бу борада «Мафотих ал-унум»нинг география қисмига тегишли куйидаги парча эътиборлидир :«Ернинг тузилиши ва иқлимлари. Ердаги экватор чизиғи осмон экваторига рўпара туради. Айни шу экваторда осмоннинг жанубий ва шимолий паллалари кўрилади. Экваторда тун ва кун доимо баробардир».

Шаҳарнинг кенлиги (арзи) унинг экватордан узоклигидир. Шаҳарнинг узунлиги (тули) унинг Шарқдан Ғарбгача масофасидир. Ҳақиқатда Ғарб билан Шарқнинг ниҳояси йўқдир. Чунки астрономиядан

маълумки, доирасининг ҳар бир нуктаси бир жойга нисбатан Шарқ, иккинчи жойга нисбатан Ғарб ҳисобланади. Аммо «Шарқ» дсб тўппа-тўғри айтилганда маъмуранинг шарқий чеккаси тушунилади, шунингдек, «Ғарб» деганда ҳам маъмуранинг ғарбий чеккаси тушунилади. Шу иккала нукта «Шарқ билан Ғарб» орасида ернинг ярми узунлик бўйлаб жойлашган. Ернинг маъмура, «обод» қисми «экватордан» шимол томонда. Ер қисмларига тақсим қилинган, бир қисми денгизлар билан қопланган ва бепоёнди, унинг четига етиб бўлмайди, чунки мухит денгизлари ерни ўраб туради. Экватордан шимолда одамлар яшагани учун маъмура деб аталади. Канкадиз шаҳри энг шарқда бўлиб, «Син, Чин» мамлакати ва Воквокнинг чеккасидадир. Сус ал-Акси-маъмуранинг ғарбий чеккасидаги шаҳар, Андалуснинг нариги томонида, Рум денгизининг жанубий томонида. Шу иккала шаҳар орасида, Ернинг ярми узунасига жойлашган....Ернинг қуббаси-Ернинг марказидадир.

Хўжанд билан Шопурқон бир «меридиандадир». Бу чизик Ернинг* шарқий палласини ғарбий палладан ажратиб туради. Бу чизикдан юкоридаги «шарқдаги» шаҳарлар, масалан, Фарғона ва Қошғар ва Син ҳамда Воквокгача бўлганлари - шарқий шаҳарлардир. У чизикдан куйидаги «ғарбдаги» шаҳарлар, масалан, Шош, Илоқ, Усрушона, Самарқанд ва Бухоро то Суси Аксигача-ғарбий шаҳарлардир.

Абдулла Хоразмийнинг китобидаги бу изоҳ, яъни Хўжанд билан Шопурқон «Шобирғон» меридиани икки яримшарнинг чегараси бўлганлиги картография тарихи учун қимматли кашфиётдир. Энди география тарихидаги бошланғич «ноль» меридианлар рўйхатига яна бир номни-Хўжақд меридианини қўшиш керак бўлади.

Уша даврда яшаб, ижод қилган аллома Замахшарийнинг илмий-ижодий фаолияти ҳам кам ўрганилган.

Абдулқосим Мах'уд Ибн Умар аз-Замахшарий (1074-1144) Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган. Бу қишлоқ Туркманистоннинг Тошховуз шаҳридан жануброқда, Тахта тумани яқинида бўлган; уни Змуҳшар, Змуҳшир, Измуҳшира деб ҳам ёзишган. Араб шоирларидан бири: «Дунёдаги барча қишлоқлар Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди, чунки бу қишлоқ машхур Замахшарийдек йирик олимни етказди», деб ёзган эди.

Замахшарий дастлаб отаси қўлида савод чикарган, кейин кўхна Урганч (Журжония) мадрасасида таълим олган. Бухоро, Хуросон илм даргоҳларида ўзининг билим даражасини янада оширган. Олим Шом (Сурия), Бағдод, Арабистонга кўп марта саёҳат қилган. Умрининг охирида яна ватанига қайтган. Замахшарий Кўхна Урганч (Жўржония)га дафн этилган. XIV аср араб сайёҳи Ибн Баттута унинг гумбаз томли макбарасини ўз кўзи билан кўрган.

Замахшарий сермахсум олим бўлиб, фаннинг турли соҳаларига мансуб элликка яқин асар ёзган, шулардан 25 таси бизгача етиб келган. Тилшуносликка оид «Асос ал-балоға» («Сўзга усталик асослари»,

«Чечанлик пойдевори»), «Самим ал-арабия» («Араб тили мағизи»), «Фоиқ ал-луғот» («Энг яхши луғатлар»), «Ал-муфассал» (бу асарнинг ўзига 25 та шарҳ ёзилган), «Муқаддимат ул-адаб» («Адаб илмига муқаддима») шулар жумласидандир. «Муқаддимат ул-адаб» асари Хоразмшоҳ Алоиддин Абул Музаффар Отсизнинг (1128-1156) фармонида биноан ёзилган. Бугунги кунда унинг тожикча ва ўзбекча таржималари ҳам мавжуд. Бу китобнинг XIV асрда қўчирилган арабча, тожикча, ўзбекча нусхаси Тошкентда - Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв.№2699).

Унинг «Раби ал-аброр» ва «Нусул ахёр» ("Яхшилар бахори ва фозиллар ахбори") китобидан тарих фанига оид ҳикоялар, суҳбатлар ўрин олган. Аллома узок йиллар давомида араб мақолаларини йиғади, араб адабиётини ўрганади; хикматли сўзлардан иборат «Мақола» номли асари эллиқ мақола-ваъз нутқ ва ибратли ҳикоялар тўпламидир. Замаҳшарийнинг китоблари сермазмунлиги билан араб олимларини хайратда қолдирган. Замаҳшарийни Шарқда «Фаҳри Хоразм» («Хоразмнинг фаҳри»), «Устод ал-араб ва ажам» деб атаганлар. Сурия ҳокими Музаффариддин Замаҳшарийнинг «Ал-Муфассал» асарини ёд билган кишига ҳатто беш минг қумуш танга ва сарпо ваъда қилган¹⁰.

Замаҳшарийнинг «Асмоу ал-адвия вал жибол» («Водий ва тоғ исмлари») номли араб тилидаги машҳур географик асари 1855 йили Лейденда нашр этилган. Китобнинг кириш сўзи лотин тилида ёзилган. Бу асарнинг иккинчи номи «Китоб ал-жибол ва амкина вал мийёҳ» («Тоғлар, жойлар ва сўзлар ҳақидаги китоб»). Мазкур асар Арабистон яримролидаги шаҳарлар, қишлоқлар, макбаралар, мачитлар, зиёратгоҳлар, тоғлар, водийлар, сувлар изоҳи берилган бамисоли топономик энциклопедиядир. Унда географик номлар алифбо тартибда берилган, уларнинг маъноси, жойларга нега шундай номлар қўйилганлиги ва шунга боғлиқ ривоятлар баён этилган. Фаластин, Сурия, Ироқ ва Миср каби номлар ҳам тилга олинган. Бироқ асарда Испания ва Хиндистондаги географик номлар учрамайди. Ўрта Осиёдаги номларнинг изоҳи ҳам йўқ. Шунга қўра шарқшунос Иейнболл бу китобни ёзиб тугатилмаган ёки чала таҳрир қилинган, деб ҳисоблайди.

Калом ва тафсир илмида, шунингдек, филология луғатшуносликда араб ва ажам халқларининг устози бўлган Абул Қосим Махмуд Замаҳшарийнинг мероси, афсуски, бизда жуда кам ўрганилган. Бу соҳада арабшунос олим Убайдулло Увватовнинг хизматлари таҳсинга сазовор. У.Уватов ёзишчи «Ал-Қашоф ан-хақойикут-танзил ва уйуяул-ақовил фи вужухут-таъвил» («Қуръон ҳақида қачонлар қашф этиш ва тавсифлар юзини очувчи сўзларнинг манбалари-чашмалари») асарида аллома ўз даврида машҳур бўлган ва бизгача етиб келмаган жуда кўп адабий,

¹⁰ Увватов У. Махмуд аз-Замаҳшарий. «Маънавият юлдузлари» китобида. Т. Халқ мероси нашриёти. 2001 йил, 134-бет.

фалсафий, тафсир, хадис, фикх илмларга доир ноёб манбалардан фойдаланилган. Замахшарийнинг тилшуносликка, сўз, нутқ санъатига бағишланган «Ал-Муфассал» асарини дунёдаги кўпчилик олимлар таникли араб тилшуноси Сибовайхнинг араб тили грамматикасига доир «Абйат» асаридан кейин иккинчи ўринда туришни айтадилар.

Замахшарийнинг «Шарқ Абйат китоби Сибавайх» асари юқорида айтилган Сибавайх асарининг шарҳидир. Аллома энг машхур «Муқаддимат-ул адаб» асарини (бу ҳам тилшуносликка оид) унга кўп ғамхўрлик кўрсатган Хоразмшоҳ Алоиддин Отсизга бағишланади. Убайдулла Убатов ёзишича, «Муқаддимат ул-адаб» арабчадан форс, чиғатой, француз, олмон, муғул ва турк тилларига бир неча марта таржима қилинган. Садридди Айний 1921 йилда «Мехнаткашлар товуши» газетасида "Муқаддимат-ул адаб" ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан раборбардир», деб таъриф қилган. Бу асар 1706 йилда Хўжа Исҳоқ Афанди томонидан усмонли турк тилига таржима қилинган. Асар Париж, Лайцинг, Вана, Лейден, Қозон, Голландия, Франция ва Туркияда нашр этилган.

Замахшарийнинг «Атвоқ-уз-заҳаб» («Олтин шодалар») асари Маккаи Мукаррамада ёзилган бўлиб, дастлаб «Ан-Нассих ас-Сиғар» («Кичик насихатлар») деб аталган. Бу китоб юз мақоладан иборат бўлиб, унда ҳикматлар, ибратли хикоялар, фойдали насихатлар ва гўзал ахлокий ўғитлар жамланган. У. Уватов ёзишича, Замахшарий ҳар бир мақолани ёзиб тугатганида Байтуллоҳ - Каъбани бир марта айланиб, тавоф қилгаи. Китоб ёзиб тугаллангунча аллома Каъбани юз марта айланган. «Атвоқ-уз-заҳаб» китобида Замахшарий ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий, ахлокий, маънавий ҳаётга доир муҳим муаммоларини каламга олган. У. Уватов ёзишича, бу мақолаларда Замахшарий золим ҳукмдорларни, порахўр мансабдорларни, адиблар ва илм ахли орасида учрайдиган адабий ўғирлик - кўчирмачиликни ва мол-дунёга хирс қўйган уламоларни кескин танқид қилган.

Замахшарийнинг «Ал-фойиқ фи ғарибул - хадис» («Ғариб хадислар ҳақида ажойиб асар») китобига кейинги давр алломалари Ибн ал-Асир, Ибн Хожир Асқалоний ва бошқалар юксак баҳо берганлар.

Замахшарийнинг шеърлар девони ҳам бизгача етиб келган. Ҳажми анча катта бўлган бу девон XX асрда Ироқ олими Бокир ал-Хусний томонидан тадқиқ қилинган ва нашр этилган. Замахшарийнинг бир неча шеърый девони бўлган. Шулардан бири Мисрда «Дорул-кутуб вал-адаб» кутубхонасида сақланади.

«Навобиғ-ул калим» («Нозик иборалар») китобида Замахшарийнинг фалсафий-эстетик карашлари ифодаланган. «Бу ерда ҳақиқатни тинглашда кулоқлар тўсиб қўйилган. Яна мулоҳазаю зехнларга фикрлаш маън этилган». Замахшарий «бу ерда» деб бир шаҳар ёки бир мамлакатни эмас, балки ўз давридаги бутун инсоният жамиятида ҳақиқат тўсилиб, ноҳақ ишларга йўл очилганини айтиб, куйинади. Замахшарийнинг нозик ибораларидан яна бир неча намуналар келтиради: «Ё илмли бўл, илмли

одамларнинг сўзига суяниб иш қил, лоақал илмли одамнинг суҳбатида бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки (рухан, моънан) ҳалок бўласан. Лллома бу ерда тўртинчиси деб саводсизлик, илмсизлик, жоҳилликни кўзда тутган бўлса керак». «Одамларнинг хотираси энг кучлиси (ёмон сўзларни) энг тез унутувидир. Кўнгилларнинг энг мулойим, нафиси саботли ва шафқатлисидир. Подшоҳнинг энг яқин кишиси яқинларнинг энг улуғдир. Булар хавф-хатар пайтларида уларга (хавф-хатарларга) энг яқиндир. Энг юқорига чиккан одам энг ёмон йикилади».

Бу сўзларда Замахшарийнинг юқори табақага мансуб вазирлар, ҳокимларга нисбатан салбий муносабати кўринади. Замахшарий фикрича, одамзод бошига мушкул иш ва ташвиш тушганида одамларга мунис (мехрибон), меҳр-муҳаббатли бўлади, аммо давлату неъматларга эришганида муҳаббатларга бағритош (шафқатсиз) бўлиб кетади. Ҳар қандай ишни бошлашдан аввал Оллоҳнинг розилигини ўйла, акс холда ҳамма ишларинг беҳуда (кераксиздир). Тумов бўлган одам гулнинг хидини сезмаганидек, аҳмоқ одам ҳикмат лаззатини билмайди. Фиску-фасод қилувчилар (жамиятнинг софлигини бузувчилар) ва фожирлар (ёмонлик қилувчилар) кўпайиб кетса, Олоохтаоло (у жойга) вабо юборади”.

Замахшарийнинг бу ва бошқа ҳикматли сўзлари унинг маънавий мусаффо, адолатли жамиятни орзу қилганини кўрсатади. У инсонлар ўртасида инсонпарварлик, меҳр-мурувват қарор топишни истайди.

Таянч тушунчалар:

Адолатли жамият, тил, сўз, нутқ, маънавият, калом, тафсир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. X-XII асрларда Ўрта Осиё” мутафаккирлари ижодида ахлокий-маънавий кадриятлар устуворлиги қайси илмий манбалар орқали ифодаланган?
2. Қорахонийлар даври маданиятининг қзига хос хусусиятларини кўрсатинг?
3. Абу Мансур Абду-Малик ас-Саолибий Нишонурийнинг «Ятимат ад-дахр» асари нима учун ўз даври маданий ҳаёти ҳақидаги энг қимматли манба ҳисобланади?
4. Абу Абдуллоҳ Хоразмий илм-фанларни тасниф этишдаги хизматларини айтиб беринг?
5. Замахшарийнинг сермахсум олимлиги ва унинг ахлокий қарашларини илмий асослаб беринг?
6. Замахшарийнинг «Навобиг-ул калим» («Нозик иборалар») асаридаги ахлокий кадриятларни изоҳлаб беринг?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И. Асарлар. 1-13 томлик. Т.Ўзбекистон. 1996-2005.
2. Абу Мансур ас-Саолибий. Ятимат-ад-дахр Т. Фан, 1976 .
3. Абдулқосим Замахшарий. Нозик иборалар. Т. Камалак, 1992.
4. Бунӣёдов Зиё. Ануштагин хоразмшошдар давлати. Т. 1998, 9-бет. Донолар хазинасидан. Т. Ўқитувчи. 1999.
5. Инжулар уммони. Т: Адабиёт ва санъат нашриети. 1988.
6. Маънавий камолот омиллари. Т.: Университет. 1995.
7. Увватов У.. Махмуд аз-Замахшарий. «Маънавият юлдузлари» китобида. Т.Х алқ мероси, 2001 йил.
8. Фалсафа асослари. Т. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005.
9. Фирдавсий. «Шохнома», 1-китоб Т. Фан. 1975.
10. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд, 211-бет.

Умар Хайём ва у яшаган давринг ахлоқий кадритлари

Режа:

1. Умар Хайём ижодий фаолиятининг ахлоқий хусусиятлари
2. "Наврўзнома" асарида ахлоқ фалсафаси
3. Умар Хайёмнинг фалсафа ва илоҳиёт масалаларини математик мантиқ асосида таҳлил қилиши.

Умар Хайём яшаган даврларда салжук султонлари Ғарбада - Рум-Византия империясига қарши, Шарқда Туркистон қорахонийларига қарши жангу-жадаллар билан машғул эди. Бу даврда салжуклар Византия империяси устидан ғалаба қозониб, император Роман Диогенни аср олганди. Салжук султони Алп Арслон ва унинг ўғли Жалолиддин Маликшоҳнинг маърифатли вазири Низомул-Мулк (1017-1092 йиллар) узок йиллар илм-фан, санъат аҳлига жумладан буюк Исломуллоҳ Имом Абу Ҳомид Зайниддин Ғаззолийга ва Умар Хайёмга ҳамхўрди қўрсатган. Низомул-Мулк аҳли сунна - вал жамоа ҳимоячиси бўлиб, Исломуллоҳ дини ва шариатини исмоилий шиалари ҳужумидан ва Ҳасан Саббоҳнинг террорчиларидан ҳимоя қилар эди. Хуросон ва унинг пойтахтларидан бири Нишопур қалимги Эрон, Юнон, Парфия, Хинд, Арабий ва туркий маданиятларнинг туташган жойи бўлиб, Умар Хайём мана шу жаҳоншумул маданиятларга оид барча илмларни гўхта ўзлаштирган. У, Эвклид геометриясини, Муҳаммад Хоразмий алгебрасини, Абду Вафо Бузжоний ва Беруний астрономияси ва геодезиясини ривожлантирган, бу соҳаларда улкан кашфиётлар яратган алломасидир. Умар Хайёмнинг илмий мероси қўламини бизгача сақлаиб қолган асарларининг номидан ҳам пайқаш мумкин:

1. Мушкулот ал-ҳисоб.
2. Ал-жабрга доир рисола.
3. Рисола фил барохин ала масоил ал-жабр вал-муқобала (Ал-жабрга доир масалаларни исботлаш ҳақида рисола). Бу рисола Парижда Лейден кутубхонасида, Лондонда Хинд маҳкамаси кутубхонасида, Римда Ватикан кутубхонасида, Нью-Йоркда профессор Д.Ю.Смит кутубхонасида сақланади.
4. Шайх ал-мушкул мин китоб ал-муסיкий (Музыка китобидаги мушкул ўринларнинг шарҳи).
5. Шарх мушқила мин мусодирот китоб Уқлидас (Эвклид китоби муқаддималаридаги мушқулликлар шарҳи).
6. Муҳтасар фит-табиат (Қиска физика дарслиги).
7. Меъзонул ҳикам (Илми ҳикмат-фалсафа меъзонлари).
8. Лавозимул амокина (Маконлар ҳақидаги энг зарур билимлар, географияга оид рисола).
9. Борлиқ ва зарурият рисоласи (Қоҳирадаги Нуриддин Мустафо кутубхонасида).

10. Ал жавоб ан саласил масоил (Уч масаланинг жавоби).
- Н.Аз-зиё ал-аклий фи мавзул-илм ал-куллий (Барча аклий фанларнинг мавзуси хақида ёриткич китоб).
12. Рисола фил вужад (Фалсафий рисола). Бу китоб Берлин Давлат кутубхонасида, Эроннинг Мажлис кутубхонасида сакланади.
13. Зижи Маликшоҳий (Астрономияга доир рисола).
14. Рисола фи куллиётул-вужуд (Борликнинг умумийлиги хақида рисола).
15. Наврўзнома (Берлин Давлат Кутубхонасида, Лондон кутубхонасида, ўзбек тилига Урфон Отахон таржимаси).

Замондоши Абул Ҳасан Байҳакий «Татимат ас-Савониул ҳикмат («Ҳикмат сандиғига кўшимча») асариди Умар Ҳайёмни «Табиий фанлардан ташқари тилшунослик, мусулмонлик ҳукуки - фикҳ ва тарих илмларининг билимдони» эди деб, географик олим Закариё Қазвиний «Шаҳарларнинг ёдгорликлари ва Худонинг бандалари» китобида «У фалсафанинг барча соҳаларини, айниқса, ал-жабр илмини яхши билувчи донишманд эди», деб таърифлайдилар.

Умар Ҳайём ал-жабр (алгебра) рисоласида айтишича, Самарқанд қозикалони Абу Тоҳир Абдурахмон Ибн Алак унга самарали ижод қилиш учун моддий ва маънавий жиҳатдан ғамхўрлик қилиб турган. Ешлигида ёзган бу кичик асарини Умар Ҳайём кейинчалик «Ал-жабр вал-муқобалага доир масалаларни исботлаш хақида рисола»га айлантирди. Кейинроқ истеъдодли олимга Бухородаги Қорахонийлар подшоҳи Шамсул-Мулк, 1074 йилда у вафот этгач, Исфahонда Салжук султони Маликшоҳнинг ўзи хомийлик қилди. Энди у султоннинг вазиру вазаро, амиру умаро, олиму уламолар билан суҳбатларини гуллатувчи яқин дўсти, надими бўлиб қолди. У май ва дўстлик, казо ва қадар хақида ярим ҳазил, ярим чин фалсафий рубойларини худди шу базми жамшидлар вақтида ижод қилган, бошқа вақтларда эса тоат-ибодат ва илмий изланишлари билан шуғулланган.

Умар Ҳайём илмий меросида кўп илдизли тенгламалар, квадрат, доира, синус, косинус, тангенс, котангенсларни, шунингдек, шаҳарлар орасидаги масофаларни қуёш ва юлдузлар орқали ҳисоблашга ёрдам берувчи геометрия, тригонометрия формулаларини кашф этиш асосий ўрин тутди. Илмий тадқиқотларида Умар Ҳайём Уқмидус (Евклид), Пифагор, Арасту, Ботлимус (Птоломей) Муҳаммад Хоразмий асарларига суяниб, уларнинг илмий таълимотларини ривожлантирди. Бу кашфиётларнинг барчасидан кейинчалик Оврўпо олимлари - Альфонсо, Лев Грсанд, Лагаберт, Л.Декарт, Саккура, Лежандр, К.Гаусс, Лобачевский ва бошқа олимлар унумли фойдаландилар.

Жаҳон маданияти ва илм-фанида Умар Ҳайём диалектик тафаккурни, этика фанини ривожлантирган файласуф сифатида кўпроқ шухрат топган. Аллома ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиб, илмий кашфиётларини кенг таҳлил этиб, монография нашр этган математик, тарихчи олимлар

Б.А.Розенфильд ва А.П.Юшкевич, адабиётшунос олим Н.Комиловларнинг ёзишича, Умар Хайёмнинг бир қанча рубойлари ғоясидан буюк инглиз даҳоси В.Шекспир таъсирланган, улардан «Хамлет» ва бошқа асарларида фойдаланган. Масалан, драма қаҳрамони сохта кирол Полоний айтадики, биз ўзимизни тўйдириш учун бошқа ҳайвонларни овлаймиз. Баликни тутиш учун уларни чувалчанг билан боқадилар. Чувалчангни еган баликни одамлар еб, охири ўлганидан сўнг ўзлари чувалчангга ем бўладилар ва ҳоказо. Шекспир асаридаги кабристон манзарасида Хамлет дўсти Горацио билан суҳбатида подшоҳ Искандарнинг хоки бир замонлар келиб тупрокка айланиб, деворнинг ёригини ёпишга ярайдиган бир ховуч лой бўлиб қолиши мумкин, дейди.

«Наврўзнама» асарида Умар Хайём табиатшунос, геолог, тарихчи, этнограф, файласуф, ахлоқшунос (этика) ва илми бадиа (эстетика) фанларининг олими сифатида кўринади. Унинг фикрича инсон ва ижтимоий муносабатларда гўзаллик - меҳр-окибат, очик чеҳрали муомала баркамолликни вужадга келтиради.

XIII аср муаллифи Нажмиддин Розий «Миръотул муслимин («Мусулмонлар кўзгуси») асарида Куръони Каримда ҳақ йўлдан адашган бандалар ҳақида «улар йўлдан адашган молларга ўхшайди» (7-сура, 178 оят), улар яқинларидаги ҳаётни зоҳиран биладилар, аммо (келгусидаги) оҳиратдаги ҳаётларига бепарво қарайдилар. Агар эътибор берсалар, Худо йўлида ихлос ва завқ-шавқ билан борар эдилар» (30-сура, 6-оят) сўзаларини келтириб, баъзи бахтсиз файласфлар, моддийунча ва табиийунчилар истеъдодли, донишманд оқил ва билимдон Умар Хайём билан бирга унинг залолатли рубойларини ўқишдан бошқа чора тополмайдилар,-деб ёзади. Шунга карамай, Умар Хайём фалсафий асарларида, хусусан «Рисола ал-қавн ват таклиф» асарида жамият ва ижтимоий ҳаёт ҳақида қарашларида Фаробийнинг «Ароу ахли Мадина тул-фозила (Фозил одамлар шаҳри аҳолисининг раъй қарашлари)» асаридаги умуминсоний ҳамжихатлик ғояларига яқинлашади, пайғамбарнинг олий сифатларини улуғлайди.

Умар Хайём умрининг охирида Бухорога келиб, «Жомеъ ас-саҳих»нинг муаллифи Имом ал-Бухорийнинг қабрини зиёрат қилиб, сўнгги рубойларидан бирида ўзининг гуноҳлари кўплигини айтиб, Аллоҳдан мағфират қилиб кечиришини тилайди. Чунки у доимо Худони бир деганини ҳеч қачон икки демаганини айтади.

Умар Хайём «Ажам подшоҳларининг одатлари» асарида Фирдавсий «Шоҳнома»сида тасвирланган тарихий ва афсонавий подшоҳларнинг табиатига хос бунёдкорлик, эл-юрт ободлигини таъминловчи гўзал бинолар ва шаҳарлар қуриш, халқнинг аҳволидан хабардор бўлиш ва золимларни жазолаш учун махсус хабарчилар хизматида фойдаланиш, мсхмонларнинг қўнглини қувонтириш учун турли анвойи халволар, қулчалар, лавзиналар, ичимликлар билан дастурхонни безатиш каби одатлар ҳақида ёзади. Умар Хайём замониди араб халифалигида марказий

хокимиятнинг мавкеи анча пасайиб, туркий халқларга мансуб салжук султонларининг ижтимоий-сиёсий мавкеи бениҳоя кучайган давр оди. Атоқли шарқшунос олим Зиё Буниёдовнинг ёзишича, Хоразмшоҳлар аввал салжуқийлар салтанати даврида, уларнинг ҳомийлигида хизмат қилиб, салжуқийларнинг душманларига қарши жангларда кўрсатган жасоратлари билан шон-шухратга эришганлар.

Умар Ҳайёмнинг Юнон фалсафасини яхши билишини, уни Арасту издошларидан эканлигини атоқли аллома Ибн ал-Кифтийнинг кўйидаги сўзларидан ҳам билиш мумкин: «Хуросон имоми, замонасининг етук олими Умар ал-Ҳайём юпонларнинг фанидан дарс беради (асарларида) одамларни барчага ризк-рўз берувчи ягона Раззоқни танишга даъват қилади. Бунинг учун кўнгилни поклаш, вужудни турли жисмоний майл-истаклардан тозалаш зарур дейди. Одамлар Юнон донишмандлари ўргатганидек, ўзаро муносабатларда комил инсонликка интилишлари зарур, деб ҳисоблайди. Кейинги замон сўфийлари Ҳайём шеърларининг (ботиний маъноларидан кўра) зохирий мазмунига қараб, ўз мажлисларида унинг сўзларини ўзларига дастур қилиб олдилар. Аслида эса Ҳайём шеърларининг ботиний маънолари мусулмонлар шариати учун заҳарли илонлардир, шариатга қарши ҳужумга отланган қўшинларнинг тўпланиш манзилларидир».

Илоҳиётшунос олим Нажмиддин Розий «Миръотул-ибод» асарида (бу авалроқ яшаган кимё ва тиббиёт алломаси Абу Бакр Ибн Закариё Розий эмас) Ҳайём шеърларидаги «заҳарли илонлар» нима эканлигини бундай тушунтиради: «Самовий тоза, танасиз руҳи ердаги тубан, тийра (зулматли) шаклга (баданга) киритишда қандай хикмат бор? Рух нима учун баданни тарк этади, руҳсиз қолган бадан нима учун ҳароб бўлади, кейин киёматда руҳга не учун яна бадан берилади? Бу саволларга жавоблар Қуръони Каримнинг «Аъроф» сураси 176-179 оятларида қуйидагича берилади: «Уларнинг далиллари бор-у, англай олмайдилар, кўзлари бор-у кўра олмайдилар. Улар чорвалар кабидирлар, йўк, улар (бсақл, бефахмликда чорвалардан ҳам баттарроқдирлар)». Ёки «Рум» сураси, 7-оятда айтилган: «Улар охирадта гофил-беҳабар бўлган холларида фақат дунё ҳаётининг зохиричилигини билурлар» сўзларидан огоҳ бўлиб, охири роҳат ва фароғат топадиган ҳақ йўлга тушиб олишлари учун (бу оламга юборилгандир). Аммо, на ўша бахтсиз даҳрийлар ва табиийлар бу каби роҳат ва фароғат неъматидан бенасибдурлар. Улар ҳақ йўлдан адашгаи бўлиб, ўз ораларида истеъдоди ва донишмандлиги, зукколиги ва билимдонлиги билан машҳур бўлган Умар Ҳайём каби, адашиб, улоқиб, ана бу шеърларни айтиб юрадилар:

*Биз келиб-кетувчи тўғарак жаҳон,
На боши маълуми, на сўнгги аён.*

¹² Қаранг: Омар Ҳайём. Расоил. М: 1961.

*Ҳеч кимса ростгиши айтгэб беролмас:
Биз кандай келдигу кетурмиз цаён?*

*Ул Азал Сайёди кўйиб дона, дом,
Ўз овига кўйди Одам деган ном.
Оламда не яхиш, ёмонлик бўлса,
Узи килиб тўнкар одамга мудом.*

Арастуни Шарқдаги издошлари орасида Форобий, Беруний, Ибн Сино билан бирга Умар Ҳайёмни ҳам тилга олишга айрим муҳим манбалар имконият беради. Ибн Синонинг издошларидан бири Форс вилояти козиси, истезодли олим Абу Наср Муҳаммад Ибн Абдурахим ан-Насафий (бу шахс Жалолиддин Мангубердининг муншиси Шаҳобиддин Насафий эмас) устози Умар Ҳайёмга илоҳиёт мавзуида бир фалсафий рисола ёзишни таклиф этиб, бундай мурожаат қилади: «Хужжатул-Ҳақ, файласуф, дин таянчи, Мағриб ва Машрик файласуфларининг подшоҳи Умар Ҳайёмга Оламни ва Одамни яратган Аллоҳ Таолонинг донишмандлиги ҳақида ва бандаларининг Тангрига ибодат қилиши вожиблиги ҳақида бир рисола ёзишни илтимос қилган». Умар Ҳайём бу мактубга жавобан «Рисола-ал кавн ва ат-таклиф» асарини ёзади. Бу асарида у Арастунинг издоши «Шайх ур-Раис» Абу Али Ибн Сино қарашларига асосланиб, бениҳоя мураккаб ва мушкул масалалар ҳақида муфассал ёзишга вақти йўқлигини, бу ерда мухтасар сўзларини айтса ҳам устоз Абу Наср Насафий нозик ақл-идроқи билан тез тушуниб олади, Бу ерда мен устоз мақомида эмас, олийҳиммат илмлар денгизи бўлган ул зотга шогирдлик мақомида ёзмоқдан, деб айтади.

"Умар Ҳайём фикрича, илми-ҳикмат (фалсафа) фани шугулланадиган энг муҳим масалалар учтадир:

Биринчи масала - кўриб чиқилаётган, муҳокама этилаётган нарса ёки ходиса аслида мавжудми ёки йўқми?-деган саволга жавоб топиш зарур.

Иккинчи масала - мавжудлиги аниқланган нарса-ходисанинг нима эканлиги, яъни унинг зоти ва сифатлари масаласидир. Бу саволнинг жавоби таъриф-таъсиф, тақим ёки исми шарҳлашдан иборатдир.

Учинчи масала мавжудлигининг сабабини яъни, нима учун мавжудлигини аниқлашдир. Нарса мавжудлигининг сабаби борлиги еки йўқлиги жуда муҳимдир, Масалан, биз одамга ақл нима учун берилган?-деган саволга жавоб бериш учун ақл мавжудлигини сабабларини билишимиз зарур".

Бу ерда Умар Ҳайём ақл мавжудлигининг сабаби одамзод оламнинг мавжудлиги сирларини билиш учундир, деб ҳисоблайди. «Мавжуд нарса нима эканлиги ва унинг сабаби ҳақидаги масалалар ўзаро алоқадор бўлиб, Арасту Ҳакимнинг мантик илмига доир («Органон») таркибига кирувчи

«Китоб ал-Бурхон» («Иккинчи аналитика») асарида шу ҳақида фикр юритилади».

Умар Хайём яшаган давр мафқурасида ижтимоий ҳаётда фалсафа билан шуғулланувчилар, Қуръоннинг ботиний маноларини талқин этувчилар шариатга қарши одамлар, деб қораланад эди. Шу жиҳатдан Форс вилояти қозикалони Насафий машҳур мутафаккирни қуфрда айбловчиларга жавобан шариатга ва Қалом илмига мувофиқ фалсафий рисола ёзишни Умар Хайёмга таклиф этган эди. Аммо, Умар Хайём бу рисоласида яна шариат учун қалтис фикрларни илгари сурган. «Нарса-ходиса мавжудми ва агар мавжуд бўлса, нима учун мавжуд?», -деган масалаларнинг ҳар бири яна икки қисмга бўлинади. Бу қисмлар ҳақида одамлар турлича фикрлар билдирадилар. Шу сабабли биз ҳам булар ҳақида ўз фикримизни билдиришимиз зарур»-дейди. Мутафаккир бу рисоласида Арасту ва Ибн Сино қарашларига асосланиб, мавжуд нарсалар ҳақиқийми ёки ҳақиқий эмасми? - деган саволга жавоб бериш зарур, дейди. Хайём ёзадики, «Оламда мавжуд нарсаларнинг мазмуни, моҳияти бор, оламда йўқ нарсаларнинг мазмуни, моҳияти йўқдир». Бирор нарса-ходиса мавжудми, агар мавжуд бўлса у нима, моҳияти, мазмуни қандай? - деган саволларга жавоб бериш учун аввал биринчи саволни ҳал қилиб олиш зарур. Масалан, Мағрибда Анко қуши борми? - деган саволни олайлик. Агар борлиги аниқланса, шундан сўнггина уни нима эканлиги ҳақида фикр юрита оламиз. Мантиқ билан шуғулланувчи баъзи олимлар нарсанинг нима эканлиги ва унинг таърифи ҳақидаги масала икки қисмдан иборатлигини тушунмаганлиги учун турли янглишувларга ва хатоларга йўл қўядилар».

Умар Хайёмнинг фикрларидан сезиш мумкинки, у фалсафа ва илоҳиёт масалаларига ҳам математикавий мантиқ фанига хос аниқликни киритишга уринади. Бу уриниш бир жиҳатдан фалсафа илмини аниқ фанларнинг ютуқдари асосида ривожлантиришга хизмат қилади, деб ўйлайди. Аммо, бошқа жиҳатдан бу уриниш айрим шариат пешволарининг норозилиги сабабли (Оллохнинг бирлиги ва борлигини қандай ва нима учун деб сўраш мумкин эмас, деб ҳисобловчи одамларнинг норозилиги сабабли) олимни қуфрда айбашларига йўл очади. «Хужжатул Ислому» Имом Муҳаммад Абу Хомид Ғаззолий "Ихёи ал-улум ад-дин» («Диний илмларнинг тирилтирилиши») асарида Аллохнинг мавжудлиги бу оламнинг мавжудлиги билан, осмон ва юлдузлар, ой, кўёш, тоғлар ва дарёлар мавжудлиги билан исботланиб, ҳар бир кўзи очик одамга қўриниб турганлигини, фақат зоҳирий ва ботиний кўзлари қўр одамларгина олам ва унинг яратувчиси ҳақида чун ва чигуна (Нима? ва Нима учун?) деб сўрашларини қоралар экан. Бу фикри билан у Ибн Сино ва Умар Хайём каби табиғунчи файласуфларни назарда тутган эди.

Ҳаёмнинг «Ал қавн ва ат-таклиф» рисоласи ҳажман кичик бўлса-да, унда қўриладиган масалалар бениҳоя мураккаб, теран ва айни вақтда зиддиятли фикр-мулоҳазалар билан тўлиб тошган. Асарда Умар Хайём шариатга мувофиқ Тангри Таолони барча сабабларнинг сабабчиси, лекин

ўзининг мавжудлиги учун бирорта сабабчи йўқ демасдан, "Унинг мавжудлиги учун ҳеч бир сабаб йўқ!" деганида яратувчининг мавжуд бўлишига зарурият йўқ деган қуфрона фикр ҳам келиб чиқиши мумкин эди. Буни алломанинг замондошлари ҳам яхши билганлар.

Абу Наср Фаробийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асарида Биринчи Сабабчи - Мусаббибнинг вожиблиги, ҳаммадан аввал зарурийлиги жуда гўзал тарзда тушунтириб берилган: «Биринчи мавжуд бошқа барча мавжудотлар борлигининг биринчи сабабчисидир... Унинг азалийлиги доимо Унинг борлигида, У мавжудлиги учун ҳеч кимга, ҳеч сабабга эҳтиёжманд (мухтож) эмас».¹

Умар Ҳайёмнинг бу рисоласида Форобийга ва Ғазолийга ҳамохан фикрлар ҳам бор. Ҳайём фикрича, қарамлилик ва меҳр-мурувватда Тангрига яқин мавжудотлар афзалроқ, узоклари эса тубанроқ даражададир. Мавжудотларнинг даражалари ҳақидаги бу фикр жуда муҳимдир. Шу ғояга асосланиб айтиш мумкинки, оқил, заковатли, маърифатли инсонлар Тангрига яқин, жаҳолатга ва қуфрда яшовчи инсонлар Тангридан узокдир. Комил инсонликка интилиш абадий ҳаётда нажот, бахт-саодат топишга имкон беради.

Умар Ҳайём ва Ғазолийнинг кичик замондоши, қомусий алломалардан бири Жалолиддин Ибн ал-Кифтий (1172-1231) «Тарихи ҳуқуқо» асарида бундай ёзади: «Замондошлари унинг эътиқодини (яъни шаккоклигини) қораладилар, яширин сирларини фош эгдилар. Шундан сўнг у (Ҳайём) жонини асраш учун тилини сал жиловлади ва ҳаж сафарига отланди... У Боғдодга борганида қошига қадим фанлар бўйича маслақдошлари югуриб келдилар, лекин у келганларга базмадаги улфатларидай қарамади, тавба қилган одм қаби эшикларини беркитди. Ҳаждан ўз шаҳри - Нишопурга қайтиб келиб, эрталаб ва кечкурун тавоф жойларга бориб турди. Сирларини яширди, (тонгла қиёматда) бари-бир унинг сирлари очилиши муқаррардир. Фалаккиёт ва фалсафада унга тенг олим йўқ эди. Бу соҳаларда унинг сўзлари мақол қаби эл оғзига *тушган* эди. О, қошки унга кўнглидаги шаккокликни енгиш насиб этганида эди!». Ибн ал-Кифтийнинг бу сўзларида Ҳайёмга хайрихолик сезилади.

Боғдодга борганида Ҳайём қошига «шошиб» келган маслақдошлари қадимий фанлар, яъни Арастунинг мантиқ ва мантиққа доир «Органон таркибидаги» асарларини ўрганувчилар кўзда тутилган.

Хуллас, Ҳайём яшаган давр бир тарафдан илм-фанлар гуллаб яшнаган, айни вақтда жангу-жадалларга, низо ва жанжалларга тўла эди. Қадимгилар хусусан, Арасту фалсафасини чуқур ўрганиш ва у ҳақда ёзиш муайян хавф-хатарлар билан боғлиқ бўлса-да, аммо, бу даврга келиб Арасту издошлари - янги арастучилар тобора кўпайиб бораётганлигидан кўз юмиб бўлмас эди...

Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқмероси, 1993 й. 131-бет.

Таянч тушунчалар:

Манжудлик, мавжудликнинг сабаби, биринчи мавжуд, сабабият, Ягона ибтидо.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Жаҳон маданияти ва шш-фанида Умар Хайём диалектик тафаккурни, этика фанини ривожлантирган файласуф сифатида килган ишларини кўрсатиб беринг?
2. «Наврўзнома» асарининг ахлоқий-эстетик моҳияти нимада?
3. Умар Хайём рубоийларида илоҳиётни реал дунё билан уйғунлаштириш акс этганлигини изохлаб беринг?
4. Умар Хайём фикрича, илми-ҳикмат (фалсафа) фани шуғулланадиган энг муҳим масалалари шарҳланг?
5. Умар Хайём яшаган давр мафқурасида ижтимоий ҳаётда фалсафа билан шуғулланувчилар, Қуръоннинг ботиний маноларини талқин этувчилар шариатга қарши одамлар, *дсб* қораланар эди. Бунинг сабаби нимада?
6. Хайём ёзадики, «Оламда мавжуд нарсаларнинг мазмуни, моҳияти бор, оламда йўқ нарсаларнинг мазмуни, моҳияти йўқдир». Фикрни изохлаб беринг?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт, саодат ва камолот ҳақида. Т.Ёзувчи. 2002.
2. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Ўқув қўлланма. Т.Янги аср авлоди.
3. Арасту. Ахлоқи кабир.Т. Янги аср авлоди. 2004.
4. Ибратли ҳикматлар. Т.Ўзбекистон. 2006.
5. Имом Ғаззолий. Охиратнома. Т.Ёзувчи. 1994.
6. Ибн Сино. Фалсафий киссалар. Т.Ўзадабийнашр. 1963.
7. Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. Т. Маънавият. 1999.
8. Омар Хайём. Расоил. М.: Иаука. 1961.
9. Умар Хайём. Наврўзнома. Т. Мехнат. 1990.
10. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд, 211-бет.

Аҳмад Югнакий ижодида олий маънавий кадриятлар

Режа:

1. Аҳмад Югнакийнинг "Ҳиббатул ҳақойиқ" асарида ахлокий мезоний тушунчаларнинг таҳлили.
2. Аҳмад Югнакий асарида билининг-инсонни улуглайдиган юксак маънавий ахлокий кадрият эканлиги.
3. Асарда "футувват фалсафаси" масалапар.
4. Аҳмад Югнакий ва Ғаззолий таълимотининг қиёсий таҳлили.

Ватанимиз тарихида X-XH асрларда, самонийлар, ғазнавийлар, хоразмийлар, салжукийлар давлатлари билан бир даврда Турк, Чин хоқонлигининг давомчилари бўлмиш Туркистон қорахонийларининг кучли ва маърифатли давлати кенг шухрат топган. Ватанимиз тарихининг бу даврлари ҳали етарли ўрганилмагани сабабли. кўпчилик тарихчилар 992-йилда самонийлар давлатининг пойтахти Бухорони қисқа муддатда қорахонийлар ҳукмдори Бугроҳон босиб олганини сал кейинроқ унинг ворислари Арслонхон ва Шамсул-Мулк Бухорода масжид-мадрасалар куриб, илм-фан, маданиятга хомийлик қилгани ҳақидаги тарихий далилларни инобатга олиб, қорахонийлар салтанатини самонийлар давлатининг инқирозидан сўнг равақ топган давлат деб ҳисоблайдилар. Чунончи, атоқли тарихчи олим Муҳаммадҷон Абдураҳмонов умуман олганда илмий жиҳатдан теран ёзилган «Қутадғу билиг» тарихий манба деб номланган рисоласида шундай ёзади: «X аср бошларига келиб, самонийлар сулоласи ички инқироз туфайли марказлашган йирик давлат сифатида умри тугаган эди.. Унинг ўрнини IX-XIII аср бошларида (840-1212) Шарқий ва Ғарбий Туркистон заминида ташкил топган, тарихчилар томонидан Қорахонийлар империяси деб ном олган давлат эгаллади ва равақ топди»¹⁵. Мазкур фикр илмий асосга эканлигини инкор этмаган ҳолда ундаги айрим жиҳатлари биров баҳслидир. Чунки Қорахонийлар давлати самонийлар давлатининг инқирози ва тугаши (999 й)дан аввал ҳам юз йил давомида самонийлар давлати билан бир вақтда мавҷуд эди. Буни қорахонийлар давлатининг ташкил топиш вақтининг 840-йил деб кўрсатган олим М.Абдураҳмонов ҳам эътироф этади. Қорахонийлар давлати шундан сўнг буюқ ғазнавийлар давлати билан ҳам, салжук султонлари билан ҳам гоҳ дўстона, гоҳ зиддиятли муносабатларда бўлган.

Тарих ва фалсафа олими Муҳаммадҷон Абдураҳмонов тўғри кўрсатганидай, қорахонийлар сулоласининг ташкил топиши, унинг тарихий даври ва шароити, давлатчилик хусусиятлари, сиёсий бошқарув тизимидаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг сабаблари, Мавороннаҳр ва бошқа ҳудудларда қорахонийлар томонидан ҳукмронлик қандай қилиб,

¹⁵ Абдураҳмонов М.. Қутадғу билиг-тарихин манба. Т. ТДШИ.1994, 3-бет.

еигил ғалабалар эвазига ўрнатилганлиги ва ниҳоят, империяни камраб олган инкироз сабаблари тўла ёритилмаган ёки умуман ёритилмаган.

Аммо, тарихчи, файласуф ва адабиётшунос олимлар бир жихатдан ҳамоҳанг, яқдил фикр билдирадилар. Яъни қорахонийлар давлатида қадимий туркий тил ва адабиёт, умумтуркий халқларнинг ёзуви бўлган уйгур ёзуви, фалсафа, ижтимоий фикр, маданият, маърифат рағнақ топган.

Қорахонийлар даврида адабий туркий тил араб тили билан баҳслашиш даражасида бўлган. Закий Валидий ёзишича, «Қошғарли Маҳмуд» буни, араб ва турк тилини худди пойгадаги икки улоқчи отга ўхшатади .

Юсуф Хос Хожибнинг «Қутаду билиг» («Саодат келтирувчи билим») ва Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул-ҳақойик» асарлари фақат адабий туркий тилнинг буюк ёдгорлиги бўлибгина қолмай, Ўрта Осиё, Туркистон халқлари фалсафий тафаккурининг нодир ёдгорлиги ҳамдир.

«Ҳиббатул-Ҳақойик» асарининг муаллифи Аҳмад Югнакий қайси даврда яшаганлиги ҳақида баҳс-мунозарали фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар, хусусан, «Маънавият юлдузлари» китобида Мухаммадҷон Имомназаров Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат» асарида тилга олинган Абу Ханифа-Имоми Аъзамнинг шогирдларидан бири Адиб Аҳмадни «Ҳиббатул-ҳақойик» нинг муаллифи Аҳмад Югнакий деб ҳисоблайди. Навоий ёзишича, Имоми Аъзамнинг бир дўсти (асҳоби) сабоқ олаётган ўқитувчиларингиз орасида қайси бири ғайратлироқ?-деб сўраганида, устоз «Хўв анови пойгоҳда ўтирган бир кўр йигит жуда тиришқок, у хар куни бу ерга тўрт фарсах йўлни пиёда босиб келиб, сабоқдан сўнг яна пиёда қайтади», деб жавоб беради.

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул-ҳақойик» асарини биринчи бўлиб, топиб нашр этган турколог олим Қозоқбой Маҳмудов ёзишича, бу асар 780-йилларда яшаб, Имоми Аъзамнинг шогирди бўлган Адиб Аҳмад эмас, балки XII асрда қорахонийлар даврида (мўғуллар истилосига қадар) Туркистонда, Югнак шаҳрида туғилиб ўсган донишманд шоирдир.

Биз ҳам Қ.Маҳмудовнинг бу фикрига қўшилишимиз ва бу фикрнинг исботи учун «Ҳиббатул-ҳақойик» асарининг ўзига мурожаат қилишни ўринли, деб биламиз. Аҳмад Югнакий қайси вақтларда яшаганини аниқлаш учун асарда Тангрига мадҳу сано, Пайғамбар ва чохорёрлар мактовидан сўнг, араб тилида «Фи мадҳи амирал-ажалли (жалол сўзидан) Дод сипоҳсолордек алайхир-раҳмати вал-зуфрану» (Жалолатли-улуғ) амир сипоҳсолар (лашқарбоши) Додбе мадҳида, деб сарлавҳа қўйилгаи бобда қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

*Аё тил, тузат лидҳ, ўтунгкл цани,
Мен тортуц цнлайин шоҳшга ани.
Шоҳгем мадҳи бирла безадгш китоб,
Уцугли кишишнг севинсин жони.*

¹⁶ Қаранг: Абдурахмонов М. Қутаду билиг-тарихий манба Т. ТДШИ. 1994, 4-5-бет.

Яъни, мутафаккир «Хиббатул-ҳакрийк» асарида ўз замондоши, ўз даврида элпарварлиги билан машхур бўлган адолатли подшоҳ, лашкарбоши (сипохсолар) Додбекни мадх этар экан, унинг раиятга қилган ва қилаётган яхшиликларини мақтаб, бошқа ҳукмдорларга ибрат қилиб кўрсатади. Аслида бу тарихий шахс чиндан ҳам салжуқийлар салтанатида катта мавқега эга бўлган, Хуросон, Хоразм ва Шарқий Туркистон вилоятларида ҳукмронлик қилган, хоразмшоҳлар давлатининг асосчиси Ануштегинга яқин қариндош бўлган Додбек Хабаший эканлиги аниқланди.

Аҳмад Югнакий бу адолатли ҳукмдорнинг яна куйидаги фазилатларини мақтайди.

*Ул ол акл, укуш, хуш хирадқа макон,
Билик маъдани ҳам фазилат кони.
Фазилат азизрок тутар ҳиммат ул,
Саҳоси муҳорим йигка дармони.*

Бу сўзлардан англаш мумкинки, сипохсолар ва мамлакат амири Додбек мадрасада ўқиган турли илмлардан хабардор бўлган, хирад-маърифатга макон, кўнгли, қалби фазилатларга қон инсон бўлган. Унинг ҳиммати, элга қилган яхшиликлари сабабли, Симок юлдузидан ҳам баланд, саховати қарамли, дардларга дармон бўлади:

*Раиятга мушфиц, салимдин ҳалим,
Ва лекин бешада (ўрмонда) нарра арслони.
Салобат ичинда Умартек жавои,
Саҳоват, садоқат тутар Усмоний.
Тетикликда кенду Аёзтин ўзук,
Доду инсоф тутар Ануширвоний¹⁷.*

Аҳмад Югнакий таърифлашича, амир Додбек элга, раъиятга шафқатли, ҳушмурмалаликда, ҳалимликда мукамал (салим), жангларда ўрмон шоҳи .Арслондай, паҳлавонлик, саҳоват ва эл-юртга садоқатда халифа Усмондек, ҳушёрлик, зийракликда султон Маҳмуд Ғазнавийнинг содик дўсти Аёздек, инсоф адолатда Ануширвон қаби адолатли, олий ҳиммати билан барчани қойил қолдирган. Салжуқийларнинг доно вазири Абу Али Ҳасан Низомул-Мулк «Сиёсатнома» асарида Ҳисрав Ануширвон ҳақида бундай ёзади: «Амирал-мўъминин» Умар билан Муҳаммад Мустафо салоллоху алайҳи васаллам адл ва инсоф ҳақида сўзлашарди. Умар розийаллоху анху дейди: «Ёшлигимда тижорат қилиб, дунёнинг тўрт томонига қатнардим, Ануширвони Одил даврида Мадойин шаҳрига бориб, юкларни тушириб, савдога киришдим. Туяларимни сарбон билан ўтлатгани сахрога юбордим. Кечаси сарбон бир ўзи қайтиб келиб, Ануширвон ўглининг хожа саройи туяларни олиб кетди, деб айтди. Бу

¹⁷ Аҳмад Югнакий. Хиббатул-қақойик.

хабарни эшитиб, тинчлигимни йўқотдим. Биз кўнган хонакинчи эгаси буни эшитиб туриб, Ануширвон олдига шикоятга боришимни маслаҳат берди».

Шоҳ хисру Ануширвон раъиятга кенг йўл очиш учун сарой дарвозаси ёнига кўнғирок ва занжир остириб қўйган. Арзга келганлар занжирни тортса, кўнғирок чалиниб, арзгўй подшоҳнинг хузурига кирар экан. Подшоҳ таржимони орқали арзни тинглаб, адолатли ҳукм чиқарар экан. Ҳазрат Умар ҳам шундай қилиб, Ануширвони Одилнинг хузурига кирибди. Таржимон унинг арзини эшитиб, подшоҳга бошқача тушунтирибди. Шоҳ воқеани билмай, Умарга минг диноҳ совға қилиб қайтарибди.

Меҳмонхона эгаси доно одам экан, таржимон нотўғри тушунтирганини билибди ва яна шоҳ хузурига бор дебди. Ҳазрат Умар уч марта борганида ҳам шундай бўлади. У, тўртинчи марта арзга борганида шоҳ Ануширвон бошқа таржимонни чақирибди. Бошқа таржимон тўғриси айтибди. Шоҳ Ануширвон савдогар Умардан 40 кун муҳлат сўрабди. Қирк биринчи куни шоҳ Умарни чақириб, меҳмон қилибди. Сўнг шоҳ буйруғи билан хизматкор усти ёпилган бир товокни олиб кирибди. Уни очганда Умар бир кесилган қўлни кўрибди. Бу Ануширвон ўғлининг қўли экан. Шоҳ қирк кун давомида Умарнинг туяларини тортиб олган ўғлининг қўлини кесиш учун боланинг онасидан розилигини сўраган экан. Онаси охири рози бўлибди. Шундан сўнг Умар разиоллоху анхуга туяларини қайтариб беришибди. Шоҳ Ануширвон ёлғон гапирган таржимонга ҳам жазо берибди.

Аҳмад Югнакий замонида ҳам Эрон шоҳи Ҳусрав Ануширвоннинг адолатли ишлари кенг шухрат топган бўлса керакки, у амир сипоҳсолар Додбекни адолат ва инсофда Ануширвонга ўхшатган. У, Додбек сипоҳсолар ҳақида мана бундай дейди:

*Анинг баҳишишдан булут ўртанур,
Бу сўзни бутун, чин тутар дуишани.
Аё шохим ёрдамларин саногин
Санирму азиз кум, ушоқ тош сони.*

Яъни, амир Додбек сипоҳсоларнинг хайр-эхсони кўплиги олдида мўл-кўл ҳосил ундирувчи, ёмғирлар ёғдирувчи булут ҳам уялиб қолади. Бу сўзнинг чинлигини ҳатто амирнинг душманлари ҳам тан олади. Кум доналарини санаб бўлмаганидек, амирнинг фуқарога қилган яхшиликларини санаб, тугатиб бўлмайди.

Аҳмад Югнакий ўз фикрини далиллаш учун амир Додбекнинг сиёсат, раёсат-бошқарув ишларидаги маҳорати ҳақида ёзади. Шундан кейин Аҳмад Югнакий улуғ амир Додбекнинг давлат раҳбари сифатидаги фазилатларини таъриф, тавсиф этади:

*Сиёсат, риёсат, циёсат, қарам,
Саодат ила адл, эшит, уқ, муни.*

*Яна мурувват, футувват, ўтаи (Тангри)
Лто ципди шоҳимга бу жушани,*

*Укуи (оқил) оз деб айтшас, баъзилар денгиз,
Булут ҳадя қилса ушоқ қатраи.
(Агар булут бир қатра ёлғир ёгдирса ҳам денгиз кам
демайди, тўлқинланади).
Тенгизтин каримрак шоҳим мииг қайта,
Қабул қилса тонг йўқ бу оз ҳадяни'.*

Қорахонийлар ўзини қадимий Турк ҳоконлигининг ворислари деб ҳисоблашар, давлат раҳбари - ҳокон деб аталарди. Файласуф олим Маҳкам Маҳмуд езишича, Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг машхур «Кутадғу билиг» асарипи ҳокон Иброҳим Ибн Сулаймон Табғоч Қорахонга тақдим этган вақтларда бу ҳокон салжукларга қарши жанглари давом эттирди. Бу вақтда салжукийлар салтанатида Али Арслоининг жияни, моҳир лашкарбоши Малик Шоҳ султонлик тахтида эди. Жалолиддин Абулфатҳ Малик Шоҳ даврида (1054-1092) салжуклар давлати янада қучайди ва қорахонийлар подшоҳи Шамсул Мулк ўзини салжукийларга тобеъ деб тан олишга мажбур бўлди. Шундаи сўнг иккала подшоҳ, қариндошлик алоқаларини боғладилар.

Атоқли шарқшунос олим, тарихчи Зиё Бунёдод «Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати» (1097-1231) китобида амир сипоҳсолар Додбекни чиндан ҳам улғу амир эканлиги ҳақида ёзади: «Салжукийлар салтаитининг султон Малик шоҳдан кейинги ҳукмдори Баркёрук (ҳукмронлик йиллари 1094-1104) замонида салжуклар салтаитининг шарқий вилоятлари Хуросон амири Додбек ҳабаши Ибн Олтинтошнинг қўл остида эди. У, салжукийлар сулоласи вакилларининг ўзаро низолари ва урушларидан фойдаланиб, 1097 йилда салжуклардан ажралиб чиқиб, мустақилликка эришди. Шу йили Ануштагин вафот этди.

Хуросон ҳукмдори Додбек Ҳабаший (уинг отаси Олтинтош султон Маҳмуд Ғазнавийнинг яқин амирларидан бўлиб, Хоразмни бошқариб турган эди. Ўша йили (1097 йил) салжуклар ҳукмронлиги остида Хоразм волийси (ҳокими) бўлиб турган амир Экинчи Ибн Қўчқор мансабидан четлаштирилгач, ўрнига ўз қариндоши, Ануштагиннинг ўгли Қутбиддин Муҳаммадни Хоразм волийси қилиб тайинлади. У Хоразм муктоъси (иктаъ эгаси) бўлди ва Хоразмшоҳ номини олди. (Ибн-ал Асир, 8-том, 184-бет, Абул Фидо, 4-том, 124-бет). Ануштагиний хоразмшоҳлар сулоласининг тарихи мана шу хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммаддан бошланади»¹⁹.

Мазкур тарихий манбалардан кўринадики, қудратли салжукийлар давлатининг шарқий давлатининг шарқий ҳудудлари Моворуоннаҳр, Хоразм, Хуросон салжукийларининг Хуросондаги амири сипоҳсолар

Аҳмад Югякий. Ҳиббатул-ҳақокик.

¹⁹ Зиё Бунёдод. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. (Ашраф Аҳмад ва Маҳкам Маҳмуд таржимаси). Т.Г.Ғулум номидаги Адэбиёт ва санъат нашриёти. 1998.

Додбек томонидан бошқарилган. Зиё Буниёдов ёзишича, буюк амир Оипоҳсолар Додбек Ҳабаший хомийлигида ҳокимиятга келган хоразмшоҳ. Кутбиддин Муҳаммад отаси Ануштагин даврида Хуросон пойтахти Марвда яхши маърифат олган, (мадрасада) адаб ва дин илмларини урганган эди. У Хоразм ҳукмдори бўлгач қобилиятли раҳбар сифатида уламоларга хомийлик қилди. У ҳар томонлама истеъдодли одам эди. Олимлар ва дин арбоблари уни яхши кўришар, у ҳам уларни иззат ҳурмат қилар эди. Кутбиддин Муҳаммад фуқароларига адолатли бўлиб, улар ҳам уни яхши кўриб, унинг номини азиз тутар эдилар (ал-Ҳусайний. Зубдиту-таворих. 184-бет. Ибн Холдун, 190-бет).

Маърифатли давлат арбоби Кутбиддин Муҳаммадга хомийлик қилган салжуклар салтанатининг буюк амири сипоҳсолар Додбек Ҳабаший ўз қўл остида бўлган Шарқий Туркистон, Кошқарда ҳам катта таъсир кучига эга эди. Чунки, худди шу даврда бу асрда ҳукмрон бўлган қорахонийлар салтанати ҳам салжуклар давлатига вассал-қарам бўлиб тургани учун, юқорида айтганимиздай, Тамғоч Буғроҳон Арслонхоннинг ўгли Шамсул-Мулк ҳам Умар Ҳайём ва Аҳмад Югнакий каби мутафаккир уламоларга иззат-ҳурмат кўрсатган.

Қорахонийлар ҳукмдори Шамсул-Мулкдан аввал Самарқанд ва Бухорода унинг отаси Тамғоч Буғроҳон номи билан машҳур Иброҳим Ибн Элик Наср ҳукмронлик қилар эди. Шамсул-Мулк (1068-1080) дан кейин Бухоро ва Самарқандда ҳукмронлик қилган Муҳаммад Арслонхон даврида салжуклар билан қорахонийлар ўртасида нисбатан тинч-тотув, дўстлик алоқалари ўрнатилган. Мана шу икки буюк давлат ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатилиши ва мустаҳкамланишида ҳам хоразмшоҳ Кутбиддин Муҳаммад муносиб ҳисса қўшган эди. Зиё Буниёдов ёзишича, Султон Санжар бир йили Самарқанд ҳукмдори, қорахонийлар султони Муҳаммад Арслонхон (1102-1130)га қарши уруш бошламоқчи бўлганида Моворуннахр (Самарқанд) аҳолиси, уламо ва дин арбоблари хоразмшоҳ Кутбиддин Муҳаммадга мактуб ёзиб, бу низони бартараф этишда ёрдам сўрадилар. Ана шу вақтда хоразмшоҳ Кутбиддин Муҳаммад қорахонийлар ҳукмдори Муҳаммад Арслонхоннинг илтимосини инобатга олиб, султон Санжар билан хон ўртасидаги низони тинч йўл билан ҳал этишга эришди .

Бу тарихий даврни яхшироқ ўрганиш шуни кўрсатадики, Маҳмуд Қошғарий ва Юсуф Хос Ҳожиб Томғоч Буғроҳон замонида яшаган бўлса, Аҳмад Югнакий сал кейинроқ, Томғоч Буғроҳоннинг ўғли Шамсул-Мулк, Хоразмшоҳ Кутбиддин Муҳаммад ва унинг валломати улуг амир сипоҳсолар Додбек Ҳабаший, салжук султонлари ака-ука Беркёрук ва Санжар даврида яшаганлиги аниқланади.

Бундан чиқадиган яна бир муҳим хулоса шуки, юқорида эслатганимиздек, Аҳмад Югнакий профессор Муҳаммадҷон Имомназаров

²⁹ Зиё Буниёдов Ануштагин хоразмшоҳлар давлати. Т. 1998, 9-бет.

айтган Имоми Аъзам-Абу Ханифа ва Халифа ар-Рашид (813-825) даврида яшаган деган фикрни илмий далиллар рад этади.

Аҳмад Югнакий достонида «Ан-навъул-аввалу. Фи манфаатил-илми ва мазратил-жакили»- (Илм манфаати ва жаҳолат зарарлари ҳақида) деб аталган фаслда Маҳмуд Қошгарийнинг «Девону лугатит-турк» асаридаги халқ ижоди дурдоналарига хос мақол ва маталга айланиб кетган ҳикматли сўзлар кўп учрайди. Бу ҳикматли сўзларнинг бир қисми-туркий халқларнинг поэтик ижодига алоқадор эстетик тафаккур дурдоналарини ташкил этса, бошқа қисми ҳадиси шарифларининг изоҳи ва тафсиридан иборат эканлигини кўраемиз;

*Биликтин ай(не) урмен, сўзимгаувла,
Биликликка, ё дўст, ўзингниула.*

*Билик бирла бишнур саодат йўли,
Билик, бип, саодат йилши бил-а.*

*Баҳолиқ динор ул биликлик киши,
Бу жаҳл биликсиз баҳосиз биши.*

Яъни, билимли одам динор-олтинга ўхшайди, юксак баҳоланади. Билимсиз эса бу Жаҳл (Абу Жаҳл) каби қадрсиздир. Бу Жаҳл сўзида шоир лутф, сўз ўйини ишлатади, икки хил маънони беради: *Биринчи маъноси* - билимсиз одам илк исломият даврида пайғамбарнинг душмани бўлган Абу Жаҳлни ёдга солади. *Иккинчи маъноси* - тиббиётда факат дориликка ярамайдиган, аслида еб бўлмайдиган, аччик, тахир Абу Жаҳл тарвуз каби кадри йўқлигига ишора қилинади:

*Биликли, биликсиз қачон тенг бўлур,
Биликлик тиши, эр, жаҳлдан эса-тиши.*

Яъни, билимли одам билан билимсиз одам ҳеч қачон тенг бўлмайди. Билимли аёл - мард эркак каби, билимсиз эркак эса ожиза, аёл кабидир.

Мутафаккир бу фикрини янада ривожлантириб, бадиий-эстетик таъсир кучини оширади., оддий халқ, деҳқон, хунарманд бемалол тушунадиган ташбехни, ўхшатишни келтиради:

*Сўнгакка ипикдек эранга билик,
Эран кўрки ақл, ул сўнгакнинг илик(и).*

Яъни, мард киши илмли бўлса, илиги бор суякдек ёқимли. Мард одам учун ақа-билимлар қони кўрк бағишлайди. Чин эркакнинг билими суякнинг илиги кабидир ва билимсиз одам бунинг акси:

*Билимсиз иликсиз сунгактек ҳоли,
Илксиз сўнгакка сунулмас илик.*

Яъни, билимсиз одам идиксиз суякдай бўшдир. Иликсиз оддий суякка ҳеч ким қўл узатмайди:

*Билик билди бўлди эран билгулик,
Бишксиз фирик-ла йитик кўргулик².*

Яъни, инсон билимли булса билгулик, қўнчиликка таникли, машхур бўлади. Аксинча, билимсиз одам тириклай йўқолган, ўлган одам кабидир:

*Биликлик эр ўлди, отиўлмади,
Бишксиз эсон эркан, оти ўлук.*

Билимли киши ўлганида ҳам, номи йўқолмайди, ўлмайди. Худди Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Саъдий, Хофиз, Навоий номлари абадий яшаётгани каби. Билимсиз одам эса, эсон-омон, соғ бўлса ҳам ўзи ва иоми ўлик кабидир. Ахмад Югнакий билимли, илмли одамнинг бошқа одамлардан мартабаси улуғроқ эканлигини ўқитувчиларнинг қалбига етиб борувчи, эстетик онгига таъсир қилувчи ҳаётий образларда ифодалайди:

*Бишклик биринга биликсиз мингин,
Бишимлик билади бишимли тенгин.
Бишклик бирла олим юцориланур,
Илмсизлик кишини тубанга тортур.*

Шундан сўнг мутафаккир Муҳаммад Расулulloхнинг «Утлубул-илма ва лавбис-Син» («Хитойдан бўлса ҳам илм изланг») деган ҳадисини келтириб, уни шарҳлайди:

*Бишк бидирур эрга бишк цадрини,
Бишкни бишксиз узун на қишур.*

Яъни, билимнинг ва олимнинг қадрини мард одам билади, билимсиз, саводсиз одам бўйи теракдай бўлса ҳам билимсизлиги сабабли ҳаётида не қилишини билмайди:

*Бишксизга ҳақидақ сўз татицсиз эрур,
Анга панд-насихат асигсиз эрур,*

Билимсиз одам ҳақ сўзни тан олмайди, чунки, ҳақ сўз қандайлигини билмайди. Ундай билимсизга насихат қилиш фойдасиз:

*Не турлук арицсиз арир юв деса,
Жоҳи ювиб аримас, аригсиз эрур²².*

Яъни, қирланган одамлар ювинса, тозаланади, лекин билимсиз одам ҳеч қачон тозаланмайди (ифлослигини ташламайди).

Кейинги байтларда Ахмад Югнакий билимли одам билан билимсиз одам ўртасидаги турли-туман фарқларни кўрсатиб, халқни илм, маърифат олишга чакиради.

²¹ Ахмад Югнакий. Ҳиббатул-какойик. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд, 200-бет.
~ Ахмад Югнакий. Ҳиббатул-хякойик. 201-бет.

Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Умар Хайем, Рашидиддин Ватват, Абул-Қосим Махмуд Замахшарий яшаган, мусулмон Шарқ фалсафасининг етук вакилларида бири Мухаммад Зайниддин Ғаззолий кейинги асрларда ҳам кўп шухрат қозонган «Кимёи саодат» асаридида илмнинг фазилатларини бир қанча фаслларда шарҳ қилган. Бу асарнинг «Илм талаб қилмоқ баёнида» фаслида мутафаккир Расулulloҳнинг «Илм талаб қилмоқ барча мусулмон эркаклар ва аёлларга фарздир» деган сўзларини шарҳлаб, фарз бўлган илм қайси илм эканлиги ҳақида уламолар ўртасида ихтилоф (мухталиф, турлича) фикрлар борлигини айтади. Мутакаллимлар (қалом илм уламолари) бу ҳадисда Ҳақ таолонинг ваҳдонияти-бирлиги, шериги йўқлиги, зоти ва сифатларини билиш фарз деб ҳисоблайдилар.

Фуқуҳо (фикҳ олимлари) эса, барча мусулмонлар ҳалол ва ҳаромни, савоб ва гуноҳни фарқлаш учун шариат асосларини - Қуръон ва Ҳадис илмини билишни фарз деб ҳисоблайдилар. Яна «Аҳли тасаввур айтурки, аҳволи дилни билмоқ фарздурки, бандани Ҳақ таолога етқурадиргон роҳи дилдур (дилни поклаш, маънавий камолот йўли)... "Бизнинг назаримизда, - дейди Зайниддин Мухаммад Ғаззолий, - мухтасари булки, бу илмларнинг ҳаммасини билиш вожиб эмас. Ва лекин бу масъаланинг тафсили бордурки, бул ишқал (муаммо) шу тафсил билан даъф бўлу". Ғаззолий фикрича, тижоратчи савдо-сотик илмини, ҳунарманд ўз ҳунарининг илмини, табиб, тиббиёт олими тиб илмини, меъмор бинокорлик илмини, дехқон ва богбон ҳам ўзига зарур илмларини билиши вожибдир. Ва лекин, барча мусулмонлар Оллоҳдан, бошқа илоҳ йўқлигини ва Мухаммад унинг элчиси эканлигини, ёши етса, беш вақт ибодат фарзлигини, балоғатга етса уйланиш, оилани боқиш вожиб ва фарздир.

Шу билимлардан кейини, яна инсон яна икки навъ илмни билмоғи вожиб бўлув. Бир навъ илм *дилга таалуқли* ва бир навъи *аъмоли зоҳирийга таалуқлидир*. Дилга таалуқли илм икки қисмдир, *бир қисмини* (хайрли, яхши ишларга буюрганни) қилмоқ вожибдир ва *иккинчи қисмидан* (ёмонлик, зарар келтирувчи ишлардан) эҳтиёт бўлмоқ вожибдир²³.

Илмнинг фазилатларини Абу Али Ибн Сино ҳам, Муслихиддин Саъдий Шерозий ҳам бадий-эстетик йўл билан тушунтирган. «Жон (руҳ) камоли илмдандур, илмдандур сўл» соғ, Жон агар бир шиша бўлса, илм худди бир бироқ. Ул агарда равшан ўлса сен саломат ҳам тирик. Ул чирок сўлса сеининг ҳам ўлганинг масму шу чоғ?»

Инсон ҳайвонот оламидан нимаси билан фарқланиши ҳақида Ибн Сино бундай дейди:

*Инсонларга хос нарсадир нутқ, ақл, хис-туйғу,
Фикру ўйинг тўғри бўлсин, ақлдан олиб ёзду.
Барча ақл, хис ва туйғу; сезги, идрок ҳам ҳагт,*

"~ Зайниддин Мухаммад Ғаззолий. Кимёи саодати туркий (араб Ёзувида).

Расамад-ла тақсимланди, улуш олди маҳлуот .

Мутафаккир Саъдий Шерозий илмсиз, фазилатсиз кишилар хақида Вуцдай дейди:

*Камолу фазлдан бебахра бўлсанг,
Огзинг оча кўрма, талингни тийгал.
Одамни ўз тили қалур шарманда,
Пуч ёнгоқнииг вазна келгандек енгал.*

Илмсиз, нодон одамлар одобни ҳам билмаслиги хақида Саъдий бундай дейди:

*Донони шарманда қилдим-ку дея,
Фурурга берилиш мақтанчоқ ~~нодон~~.
Билмаски, ногора овози доим,
«Ҳи.жоз» куйин босиб кетади осон²⁵.*

Аҳмад Югнакий юксак маънавий кадрият деб мақтаган билимнинг кадрини Алишер Навоий ҳам гўзал сўзлар билан ифода қилган: «Билмагани сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим», "Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йигилиб дарё бўлур", "Ўрганурдан қачон (лапашанг) ва эмгак (меҳнат, машаққат) тартиб илм ўрганган хирадман". Навоий шундан сўнг куйидаги байтни келтиради:

*Илмдин орий (бенасиб) улуснинг жоҳили, худкомаси,
Ўрганурга жидду жаҳд этган жаҳон алломаси.*

Ахлоқий кадриятларнинг аксарияти тил, сўз билан боғлиқдир. Мутафаккирнинг фикрича, эзмалик, кўп гапириш, аччик сўзларни айтиш бошга кулфат келтиради. Тили бўш одам хирадли, оқил эмас, тил захри кўп одамларнинг бошини еди. Ўқ жарохати битади, лекин тил яраси битмайди.

Аҳмад Югнакий ҳам асарининг бир бобини тилга бағишлайди ва унга «Ақлдан озиш, тил жарохати ва тилни тийиш» деб сарлавҳа кўяди. Бу фаслда ҳам Аҳмад Югнакий ўйламай, андиша қилмай, огзига келганини қайтармай гапиришни ақлдан озиш деб баҳолайди:

*Сафиҳ эр тили ўз боши дуишани,
Тилидан тўкилди телим эр қани²⁶.*

Яъни, аччик, ҳаракатли сўзларни айтган кўпчилик эркаклар (улар подшоҳми, вазирми, ҳакимми) тутдай тўкилиб, йўқолдилар, ўша сержаҳл одамларқани:

*”
Укуш сўзлагаида ўкуиган телам,
Тилин беклаганда ўкунган қани?*

²⁵ Инжуларуммони. Т. 1988, 104-111-бет.

²⁶ Инжулар уммони. Т. 1988, 112-бет

²⁶ Аҳмад Югнакий. Ҳиббагул-хақойик. 202-203-бет.

Аҳмад Югнакий фикрларининг бадиий-эстетик таъсир кучид
ошириш учун эмоционал хис-ҳаяжонли яхши маънода риборик саволларни
беради: кўп гапирадиганларнинг аксарияти кейин айтганига ўқиниот
пушаймон бўлган. Лекин тилини тийган зотлардан ўқунган одам борми!
бўлса қани? Бу ерда мутафаккир "қани?" сўрогини аввал ишлатгага
(йўқолиб кетдилар, қани?) маъносининг зиддини ифодалаш учуга
қўлламоқда. (Тилини тийишдан ўқунган одам борми? Йўқ).

*Неким келса эрга тилидин келур,
Бу тидин кги эзеу, ким (х)акир эрур.*

Инсон бошига келадиган жуда кўп бахтсизликлар, фалокатлар ёмон
сўзлар сабаблидир. Ёмон сўзловчи одамнинг ният, мақсади ҳам ёмон
бўлиши шубҳасиз. Ва айни вақтда инсон гўзал, эгу ният, мақсадларини
барчани шодлатирувчи гўзал сўзлар билан айтса у янада улугвор бўлади.
Бундан келиб чиқадики, инсон кўнглидаги гўзал, эгу хислатлар ва
мақсадларнинг кўзгуси ҳам тил, сўз санъати, сўз қудратидир.

Сўз, тил сабабли инсон ҳайвонлардан фарқланиши ҳақида Абу Али
Ибн Сино ҳам қуйидаги фикр ҳазиналарини келтиради:

*Икки нарса ажратади инсонларни ҳайвондан,
Инсонлиги билинади ҳунар ва тил-забондан.
Шундай экан кишиларнинг энгулуви ҳунарманд,
Ёки сўзга чечан киши, фикри равишн, тили канд.
Чунки улар ҳақида заҳмат чеккан кишилар,
Меҳнат ила сўз лаззатин дилга эккан кишилар²⁷.*

Зарур сўзларнигина, беҳуда гаплардан тилини тийиш ҳақида Алишер
Навоий ҳам ажойиб фикрларни билдиради: «Бефойда сўзни кўп айтма ва
фойдалиг сўзни кўп эшитурдан қайтма. Оз деган (оз сўзловчи) оз
янглишур, оз еган оз йиқилур»[^].

Алишер Навоий тилни беҳуда ва қабих сўзлардан тилни тийиш ҳақида
бундай дейди: «Тилга ихтисрсиз-элга эътиборсиз. Ҳарзагўйким (ўйламай
гапируви) кўп такаллум сургай, итдек дурким, кечаси тонг отгунча хургай.
Ёмон тиллик андоқким, эл кўнглига жароҳат еткурур, ўз бошига ҳам офат
еткурур... Аҳли саодатларнинг руҳбахи! зилолига манбаъ ҳам тил, аҳли
шаковатлар наҳс кавқабига матлаъ ҳам тил. Тилига иктидорлиғ-ҳакими
хирадманд, сўзига ихтиёрсиз лаъими нажанд... Ай! гул-қуззот тил
шарафидин масих гуфтор (ўликни тирилтирувчи) бўлди, ва Ҳусайн
Мансур (Ҳаллож) тил суръатидин (тез ва шиддатли сўзларидан) дорга
сазовор²⁹».

Аҳмад Югнакий «Ҳиббатул-ҳақойик» асарининг «Ан-Навъу-с-салису
фи тақаллибид-дунийа ва тағийири аҳвалиҳо» («Дуне'нинг қаллоблиги ва

Икжулар уммони. Т, 1988. 112-бет,

²⁷ Алишер Навоий. Махбубул кулуб. Асърлар. 13-том.

²⁹ Уша жойда.

I ИН.....\ Iгариб туриши хакида») деб номланган фаслида тасаввуф
II иньипаларига кўра, охиратни чин дунё деб, бу дунёни эса каллоб
III, ишламачи), бекарор деб таърифлайди. Сарлавҳада айтилган
III п \ II ариб туриши» хақидаги сўзларини «Олам қотиб колмаган, у
НМП учпришда» деб, диалектик матсриализм руҳида тушуниш тўғри
•учмпНнн, [у ерда Аҳмад Югнакий арабча «Тагайюр» сўзини, доимо бир
|\ рмпидиган, бекарор, субутсиз, букаламун маъносида айтади:

*Бу очун робот ол тушиб, кўчгулик,
Роботга тушугди тушар, кўчгулик.*

Я ИНИ, бу дунё бир ол (кизил, чиройли) карвонсаройдир, унда доимо
НШП) бўлмайди, озрок яшаб, яна йўлга тушади. Бу работ, дунё йўлга
Тушгунчиларнинг кўниб ўтадиган жойи, бу ердан тез кўчиш керак бўлади.

*Бу дунийа сўнгида йугурмак неча,
Хасис нангтин ўтру тебўзун кўча.
Нелук молга мунча кўнгул боггламоц,
Бу мол келса орта оорур ооз кеча .*

Яъни, инсонлар мол, дунё орқасидан югураверадилар, хасис одам мол,
дунёни яхши кўриб, уни асрайман, деб ўзини кийнайди. Молга бунча
кўнгил боғлаш нодонликдир. Уйинга канча кўп мол, дунё келса умринг
кечаси (коронғулиги) кўпаяверади, яъни сен мол, дунёга овора бўлиб, бу
ёруғ дунёда мол, дунёдан бошқа ҳеч нарса кўзинга кўринмай қолади.

*Кўнглиндан чикаргин тоеар суцпигин,
Кизим бирла теб тут қорин тўклигин.,
бу бойлик чигойлик, озуц иўцлиги,
Чигойлиц детб айтма озуц иўклигии.*

Яъни, эй инсон, сан дунёга сукликни, очкўзликни ташла, фақат устинг
бут, корнинг тўк бўлса, шунга каноат қил. Бу бойлик аслида сенинг
маънавий кашшоклигинг натижаси, охират сафари учун йўл озиғи (илм,
маърифат) йўклиги натижасидир. Зайниддин Муҳаммад Абу Ҳамид
Ғаззолий «Кимёи саодат» асарига ёзишича, инсон тинч ва соғлом яшаш
учун мол, дунё тўплаши шарт эмас, фақат таоми, либоси, маскани бўлса
етарли. Лекин, одамлар бу уч нарсага каноат қилмай, "ҳар киши ўз ҳақига
(олганига) рози бўлмай, бир-бирига касд қилурлар". Мутафаккир фикрича,
одамлар тинимсиз мол, дунё талашиб, бир-бирига душманлик қилавергани
сабабли давлат (салтанат) ва сиёсат, қозилик, ҳукумат, қонунларни фикҳ-
қонуншунослик илмлари келиб чиққан. Шу сабабдан, дунёнинг ашғоли
(машғулотлари) тўла (кўп) бўлиб, одамлар роҳи саодатни гум (йўк)
қилурлар. Бас, одам у дунёга ёлғиз кетишни, ўзларини ва Ҳақ Таолони
фаромуш қилубдилар (унутиб қўйибдилар)³¹.

Аҳмад Югнакий. Ҳиббатул-хақойик. 205-бет.

³¹ Ғаззолий. Кимиёи саодат. Т.: «Камалак» нашриёти. 1995. 65-бет

Шуниси хайратланарлики, Аҳмад Югнакий «Ҳиббатул-хакойик»да мана шу фалсафий мазмунни Ғаззолийга тўлик ҳамоҳанглик билан тушунтирганини кўрамиз:

*Ву дунё нангинтин кизгулик (кийгулик),
Ва ортиқ тилама вабол йўтқулик.*

Яъни, бу дунё молларидан егулик, кийгулик бўлса бас, бундан зиёдаси ваболи, зиён, фалокат келтиради.

Кейинги байтларда Аҳмад Югнакий дунёнинг бебаҳолиги, бевафолиги, бекарорлиги ҳақида бундай дейди: «Дунё бир қуни қулдиради (қувонтиради), сўнг қош чимиради. Бир қўлида асал едириб, бир қўлида захар ичиради (яъни, инсонни ўлдиради). Бир марта роҳат келса, ўн марта ранж, машаққат келади. Бу дунё илондай авровчидир, уни юмшоқ деб ўйлайсан, ичи оғудир».

Мутафаккирнинг бу фикрлари, Янги давр Ғарб фалсафасида муҳим аҳамият касб этган "Ҳаёт фалсафаси" оқимга мансуб Артур Шопенхауэр, Фридрих Ницше каби мутафаккирларнинг фикрларига манба бўлган дейиш мумкин. Лекин бу баҳсли масала бўлиб, уни қиёслаб, махсус тадқиқ этиш келгусидаги ишлардандир.

Йигитлар кўпинча ўйнаб-қулишга, ҳаётдан кўпроқ хузур-ҳаловат олишга қизикадилар. Баъзилар ҳазрат Навоийнинг "Йигитликда ол илмнинг маҳзасин", - деган ҳикматли сўзларини унутадилар. Ёки Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий «Кимёи саодат» асарига ёзганидек: "Ва ҳар киши бу дунёда ўзини мусофирлардек тутмаса, ва ҳиммати назарини охирага мутаважжих қилмаса дунё ашголини (мол дунс топиш ва кўпайтириш билан машғуллиқни) ҳожатидан зиёда лозим турса, дунёни (ёмонлигини) асло танимагандир. Бу борада Расули акрам с.а.в. айтадиларки, "Бу дунё Хорут ва Морутдан ҳам жодугарроқдур. Андин ҳазар қилинглар. Аинг (дунёнинг) мақр ва фирибии билмак халқга фарздир». Зайниддин Ғаззолий бу дунёнинг жодугарлиги, инсонга душманлиги ҳақида бундай дейди: «Дунё (ўзи қари, хунук кампир бўлса ҳам) сенга ўзини шундай чиройли қўрсатурки, гўё ҳар икки оламда сенга «вафо» қилғай ва ҳамиша сенинг бирла бўлғай. Аммо мундоғ эмасдур. Балки доимо сендан гурезон (ковучи) бебаҳо ва бевафодур... Дунёнинг соҳирлиги (сеҳргар, жодугарлиги) улдулки, сенга ўзини дўст кўрсатур, то сен анга ошиқ бўлғайсан. Ва андог кўринадулки, гўё сендан ўзга маҳбуби йўқтур. Лекин вақти келурки, душманлик изҳор айлаб, ночор ҳалок қилур».

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул-хакойик»да айтган бу дунёнинг фирибгарлиги ҳақидаги фикрлари ҳам Ғаззолий фикрларига ҳамоҳангдир:

Бу очун, кўр, эрга кўрумлик тоши,

Ва лекин ичида хазор нохуши.

> <" ✎ кишига ташки кўринишдан кўркли, гўзал, лекин бу
> ИИ% ИЧИДа мииг-минг нохушликлар, фалокатлар бор. Дунё ташки
| чдройли аёлга ўхшайди, унинг ташки либосини кўриб, унга
ц (>улма, бу дунёга кўнгул боғлаш, уни ссвиш барча хатоларнинг
и|| Мутафаккир бу дунёга кўнгил боғлаш деганида бу оламнинг
I <1 1,1(>идм, далалари, боглари, дашту тоглари, дарё уммонларини эмас
| II илм-фан, маърифат ва маънавий гўзалликларни эмас, балки ўткинчи
I р ч.нюиатига, мол-дунё тўплашга, ўткинчи шон-шухрат, мансаб, обрў,
D) нмиятга интилиб, уруш-киргинлар қилишга, зеб-зийнатларга, дабаба,
Аматларга, кибру-хавога берилишни назарда тутати. Ахмад
I« ч накийнинг бу фалсафий хикматлари Туркистон пири, орифлар султони
ДЖБ иом олган Ахмад Яссавийнинг мана бу хикматларига уйғун • ва
\\лмох.ангдир:

*Турли-турли кийганлар,
Турли-турли еганлар,
Дунё маним деганлар-
Iа, муг ичра епишилар.*

Бизнингча, шарқона ҳаёт фалсафасининг тамал тошларини қўйган алломалардан Ахмад Яссавий, Ахмад Югнакий, Юсуф Хос Хожиб каби мутафаккирларнинг хикматли фикрларидаги бу ҳамоҳанглик, уйғунлик, рухий яқинлик Шарқда азал-азадан моддий бойликларга нисбатан маънавий кадркятларни устун қўйишнинг устувор деб ҳисобланишидадир. Зеро, Президентимиз Ислам Каримовнинг агар моддий тараққиёт илм-маърифат етишмаслиги туфайли маънавий кашшоклашувга олиб келса, уни тараққиёт деб бўлмайди, деб уқтиришлари айни ҳақиқатдир.

Ахмад Югнакий ахийлик, футувват фалсафаси ҳақида туркий тилли шоирлар орасида биринчи бўлиб, фикр юритганлардан биридир. Ахийлардек сахий бўлсанг, ҳеч ким сенга сўкунч, ҳақорат етказмайди, лаънат айтмайди-дейди. Саховат ёмон сўзларнинг йўлини тўсади.

Мутафаккир фикрича, бахилликни мактовчи тил топилмайди, сахийликки хос кишилар-мансабдорлар ҳам, оддий халқ ҳам мактаб гапиради. Саховатли одамлар билимли кишиларни, уламони кадрлайди, уларга мол-дунёсини сарфлайди ва олимлардан мактов, олқиш олади. Дунёда бундай кишилар ўздан яхши ном. колдирадидлар, шон-шухрат топадилар, вафотларидан кейин ҳам уларнинг номи узок яшайди. Аксйинча, бахил одамлар харомдан олтин, қумуш. топганлари учун, нариги; дунёга лаънат ва бадномликни олиб кегадилар. Бахил қанча кўп мол, дунё тўпласа ҳам, бари бир у дунёга бир чака ҳам олиб кетолмайди, топганлари бошқаларга қолади. Ўзининг охиратда топгани эса, лаънат, қарғиш бўлади.

Мутафаккирнинг ёзишича, бахил мол-дунё йиғди деган сўз айб сўздир, сахий сўзи гўзал сўздир. Қўллар ичида берувчи қўл қутлуғ қўлдир,

9й__э^ -х__ | £» =*

^ У Н ш . г м о л „ „ и ч ч ^ и ч д а ^ д у с т и г а " ^ Г " " . х а м «изғаш.б

Еу н д а и Ф „ к р л а р ^ б " 7 а о а „ „ Г Р И Г а н а с и б а С ' ^ * - " " »

" Т у р к и с т о н х а л в д а о и н и К е л и о ^ к к а н х и к м а т л и

«УРУ* «ашакка Й - Я Я Й ? ^ * ^ 3 Й ^ н а с и *»

-« Ш & Ъ & g * ? 2 _ У 8 Й й 8 __ й ? * : ^

ч, «ладғоч қолиб н?пг^ ч^{ню} ташлайли Vч - ^ «*ики*
^ а л а р в а д ж о л д и К и Л К е Т а С а н > * * * * * Д и С Е ^ С б Н г а * * *
_ а л а р в а д ж о л д и К и б р Э г а с и м ^ г и н г , С а б а т у с а н о д и г и н г
> ^ Г _____ ' а с л 3 0 ^ «Г и , н а с л -

^ С „ „ 0 . ф

^ - У з а д а б и й н а ш р . 1963, 33-б е т .

оплаи мактанса янада аҳмоқдир". Яна маслаҳатим шуки-дейди
«Мпн Югмакий, - Эй, одам, амал-мансабинг билан ҳам мактанма, амал-
Кннг билан эмас, яхши амаллар- савоб ишларинг билан мактансанг
I Ии Лмал-мансабни кўп ўйлама, яхши амаллар, савоб, хайрли ишлар
.I п II кўп ўйла.

*Айтурсан, кийим, тўн, шароб, ош керак,
Кўп мол-дунё, цул-хизматкор-цорабош керак.
Агар йиғдинг эрса умрлик товар,
Энг аввал инсонга бўрк яшовчи бош керак.
Хариспик, очкўзлик ёвуз хислатул,
Харислик сўнги гам, ўкунч, хасрат ул .*

Мутафаккир фикрича, харис, очкўз, мол-дунё билан йиғиш овора оўлиб, гафлат уйқусидан онги уйғонмас. Очкўзлик дардига кандай даъво бор? Хддис борки, одамга бир олам мол-дунё берилса ҳам икки қўли етмагандай, ўн қўлини огзига тикади. Очкўз кишилар икки «водий» тўла олтини бўлса ҳам, кўзи тўймай, учинчи водийдан олтин излайди. Эй, хирс >гаси, очкўз одам, айтгин, очкўзлигингдан не фойда? Очкўз билан канча югурсанг ҳам, пешонангда ёзилган ризк насибангни оласан.

Шундан сўнг Аҳмад Югнакий шу мавзуга доир кудсий хадисни келтиради: Ҳақ таолонинг дунё неъматлари барчага оқилона тақсимлаб берилган, аммо, баъзилар ўзига берилган неъматларни қалб кўзи кўрлиги сабабли кўрмайди. Имом Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий «Кимёи саодат» асарига шу ҳақда бундай дейди: «Ва дилни дунёга машғул қилмоқдан неча офатлар пайдо бўлурким, (хар икки оламда) ҳалокатга сабаб бўлғусидир. Чунони, хирс (харислик, очкўзлик), бахиллик, хасад, адоват ва мундин ўзга ҳам. Ва баданни дунё неъматига (кўп, турли-туман емок, ичмок, шахватга-дейилмокчи - М.Н.) дўст тутганидан кейин биноси вайрон бўлур. Ва баъзилар ҳамма химматини дунёга сарф қилурлар ва дилининг бойликларидан (мехр-шафқат, камтаринлик, виждон, иймон софлиги, мардлик, олижаноблик каби маънавий бойликлардан) ажралиб, ҳайвонотга якин бўлурлар»³⁷.

Аҳмад Югнакий фикрича, очкўзликдан қутулиш йўли қалбни поклашдир. У ёзишича, Кўки (дили) кўрклуг эрнинг феъли кўрклугдир. Бу кўрклуг (чиройли) қилиққа кўнгул эрклигидур. Бир эрдан бир эрга тафовут кўпдир. Ва лекин кўр эрга тузсиз (бемаза) ишлар ҳам тузи бордай (мазали) кўринади. Шундан сўнг мутафаккир «Ан-навул-амри фи махоримул-ахлоқи ва-т-тахрис ала ат-тахлику биҳо» ("Гўзал ахлоққа доир ишлар ва инсон хулқидаги харисликларни тузатиш ҳақида") деб сарлавҳа қўяди ва бундай дейди: Одамларнинг барча феълу қилиқларини кузатгин, ибрат олгин ва кимда қарам бўлса (одамларга мехр-мурувват бўлса) ўшани эр

³⁸ Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд, 211-бет.

¹ Лбу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Т. Адолат. 2005., 67-бет.

дегин. Карамсиз (мехр-шафкатсиз, саховатсиз, кимматсиз) киши мевасиз дарахтга ўхшайди. Мевасиз дарахтни кесиб, ёндиргани. Муслмонларга мувофик (мехр-шафкатла), меҳрибон бўл, сандуғингни (ундаги неъматларни) муслмонларга ҳайр-эхсон қил. Аҳмад Югнакий бу фикрини далиллаш учун Расулulloҳнинг Тангри амр-фармониға ва меҳр-шафқатиға таъзим қилиш ҳақидаги сўзларини келтиради.

Аҳмад Югнакийнинг қуйидаги сўзлари юксак мақомдаги олий ҳимматли одамлар ҳақидадир: «Сенға жафо қилувчиға сен вафо қилавер. Негаки қонни қон билан, неча бор ювилса ҳам ювилиб кетмайди». Яъни, мутафаккир низо-жанжалларни уруш, қирғип қўли билан эмас, сабр, бардош, матонат билан ештан голиб чиқади, демоқчи бўлади. Ватанимиз тарихида бу фикрни тасдиқловчи қўплаб воқеаларни ўқиш мумкин. Жумладаи Абу Али Ҳасан Низомулмулкнинг «Сиёсатиома» асарида сомонийлар давриға оид келтирилган тарихий воқеалар бунға мисол бўлади.

Қадимги ва ҳозирги адабиёт билимдони филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев "Мумтоз сўз кадри" китобидаги "Бутун эҳтиمولарнинг кучлиси" мақоласида Адиб Аҳмад ибн Маҳмуд Югнакий яшаган давр масаласиға тўхталиб, турк олими Шамсиддин Сомибек (1950-1904) машхур "Қомусул-алам" асарида "Ҳиббатул -ҳақойик" муаллифи қонуний I-И асрларда (80-150) яшаган деган фикрини келтиради. Ҳамидулла Болтабоев ўз мақоласида **турк** олимлари Нажиб Осимбек, Фуод Кўпрулу ва ўзбек олими Абдурауф Фитрат "Ҳиббатул-ҳақойик" муаллифи яшаган давр ҳақида аниқ **бир** фикрға келганларини айтади.

Умуман олганда, Аҳмад Югнакий ва унинг "Ҳиббатул ҳақойик" асари Шарқ маънавий меъросининг гултожи сифатида ҳамиша барҳаётдир.

Таянч тушунчалар:

Адолатли подшоҳ, илм, билим, илмсизлик, билимсизлик, жафо, вафо, кибр, манманлик, бачканалик.

Такроллаш учун саволлар:

1. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул-ҳақойик» асарида қўтарилган муаммоларнинг ахлоқий моҳиятини изоҳланг?
2. Ўз даврида элпарварлиги билан машхур бўлган адолатли подшоҳ, лашкарбоши Додбекни мадҳ этишдан қзланган асосий мақсадини тушунтириб беринг?
3. Аҳмад Югнакийнинг таъкидига кўра, билимли одам дииор-олтин ўхшатилишининг сабаби имада?
4. Югнакий таъкидлайдики, "Шу билимлардан кейин, инсон яна икки навъ илмни билмоғи вожиб бўлур". Бу иллар қайсилар?

5. Ахлокий кадриятларнинг аксарияти тил, сўз билан боғлиқдир. Мутафаккирнинг фикрича, эзмалик, кўп гапириш, аччиқ сўзларни айтиш бошга кулфат келтиради. Мазкур фикрни ҳаётий мисоллар орқали изохланг?

6. Аҳмад Югнакий дамзоднинг кибру хавоси унинг бойлиги, мол-дунёси сабабли зиёда бўлишини, ўткинчи мол-дунёга ишониб, кибру хавога берилиш ўтакетган аҳмоқлик эканлигини далиллаш учун келтирган мисолларини шархланг?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт, саодат ва камолот ҳақида. Т.Ёзувчи. 2002.
2. Аҳмаджон Бобомурод. Камолот сари. Т.: Чўлпон. 2000. Ҳикмат дурдоналари. Т.: Мехнат. 1993.
3. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Ўқув кўланма. Т.Янги аср авлоди. 2003. Ҳаким ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадийя. Т.: Маънавият.
4. Аҳмад Югнакий. Ҳиббатул-ҳақойик.
5. Алишер Навоий. Махбубул қулуб. Асарлар. 13-том.
6. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар Т. 1990, 163-бет
7. Аҳмад Югнакий. Ҳиббатул-ҳақойик. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд, 200-бет.
8. Ибратли ҳикматлар. Т.Ўзбекистон. 2006.
9. Инжулар уммони. Т: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988.
10. Кайковус. Қобуснома. Т.Истиклол. 1994.
11. Каримов Иброҳим. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т.: 2001.
12. Норматов Умарали. Тафаккур ёғдуси (адабий-танқидий эсселар). Т.2005.
13. Фалсафа асослари. Т. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005.
14. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд, 211-бет.

—

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асаридаги маънавий кадриятлар.



Режа:

1. Саодатга бошловчи *билимлар* асарининг ёзилиш тарихи ҳақида.
2. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида бағрикенглик ғояларининг ифодаланинши.
3. "Қутадғу билиг" асарида ахлоқий кадриятлар ва инсон кадри масалаларининг акс этиши.
4. Олийҳиммат, эзгу, яхши одам, баркамол инсон асарнинг бош ғоясидир.

Шарк халқлари, хусусан Туркистон халқлари маърифати ва маънавияти тарихида XI-XII- асрларда, қорахонийлар даврида яшаган аллома Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") асари муҳим ўрин тутди. Бу асарнинг тўлиқ матнини транскрипцияга ва ҳозирги ўзбек тилига таъдбири билан нашр этган атоқли туркшунос олим Қаюм Каримов ҳолисона таъкидлаганидек, "Қутадғу билиг" поэмасининг тили ўша даврда кенг майдонга эга бўлган қорахонийлар салтанати таркибига кирган барча туркий кабилалар учун тушунарли бўлган. Қаюм Каримов бу нодир ёдгорликни опиш ва ўрганишга катта ҳисса қўшган В.Родлов, С.Е. Малов, Аҳмад Закий Валидий Тўғон, А.А. Валитова, Қ. Маҳмудов, И.Қўчқортоев ва бошқаларнинг хизматларига юксак баҳо бериб, асарни транскрипция ва тавсиф қилишда биздан олдин шу соҳада қўлга киритилган ютуқлардан фойдаландик, -деб бу асар ёзилган мамлакат қорахонийлар салтанати ҳақида муҳим маълумотлар беради.

XI аср Қорахонийлар салтанатининг энг юксалган бир даври эди. Бу давлат юқори Чин (Хитой) дан тортиб, Касбийгача бўлган кенг майдонни ўз тасарруфига олган эди. Кенг ва улуғ давлатнинг маркази Қошғар (Ўрдукент) бўлиб, унинг шимолда муҳим марказларидан Баласоғун (Баланд Соғун ёки Қуз Ўрда) (Шимолий Ўрда), Ғарбда-Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари, бу улуғ шаҳарлар ўртасида Ўзкент (халқ тилида Ўзган) каби савдо ва сиёсий жиҳатдан марказ бўлган қўп аҳолилик юк шаҳарлари бор эди¹.

Қорахонийлар даврида илм-маърифат, маданият ривожланди, қатор илмий, фалсафий, бадий асарлар ёзилди. Бу асарлар араб ва форс тилларида эди. Шу жумладан, аллома Умар Ҳайёмнинг алгебрага доир ва "Уч масаланинг жавоби" каби фалсафий асарлари Самарқандда, қорахонийлар ҳукмдори Шамсул-Мулуқ Наср ва унинг маърифатли

1. Қаюм Каримов. "Қутадғу билиг" асари ҳақида. // Юсуф Хос Ҳожиб. "Қутадғу билиг" Т. "Фан", 1971, 7-бег.

Вазири Абу Тохир Абдурахмон ибн Алок хомийлигида ёзилган. Юсуф Хос Хожиб асарини Кошғарда ёзиб тугатиб, уни буюк хукмдор Табғач Улуғ Буғро Қорахон Абу Хасап ибн Арслонхонга ҳадя, тухфа қилиб ТОПширган. Хокон бу китобни ёктириб, баласоғунлик Юсуфга "Хос Хожиб" унвон-мартабасини берган.

Ахлокий, фалсафий ва сиёсий фикрлар теранлиги жихатидан "Қутадғу билиг" асари дурдона асар эканлигини жаҳон олимлари эътироф этганлар. "Қутадғу билиг" нинг мукаммал матни нашрини амалга оширган Қаюм Каримов фикрича, Юсуф Хос Хожиб мазкур асарини 18 ойда яъни хижрий 462 (милодий 1069) йилда ёзиб тугатган. Агар тугатган йили унинг эллик ёшдан ўтиб, олтишга қараб кетаётганлигини инобатга олсак, унинг туғилган йили Баласоғун шаҳрида, хижрий 410, (милодий 1019 ёки 1017) йил эканлигини тахмин қилиш мумкин.

"Қутадғу билиг" муқаддимасида асарнинг фазилатлари жуда улуғланганлигига қараб, баъзи олимлар муқаддима Юсуф Хос Хожиб томонидан эмас, балки уни кўчирган котиблар томонидан ёзилган деган фикрни билдирадilar. "Бу китоб қаю подшоҳга ё қаю иқломга тегди эрса, ғоят эзгусиндин (азизлигидан) ул ҳукамо (хукмдорлар) бекма (хар) бири турли лақаб от урдилар (бердилар). Чинликлар уни "Одобул-мулук" ("Подшоҳлар одоби", Мочин (Шимолий Хитой)ликлар "Ойинул-мамлакат", шарқ элининг катталари "Зайнатул-умаро" ("Амирлар зийнати"), Эронликлар "Шоҳномаи туркий", Турон аҳли "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") баъзилар "Пандномаи мулук" ("Подшоҳлар пандномаси") деб ном бердилар"³⁹.

Қаюм Каримов "Қутадғу билиг" асарини топилиши ва ўрганилиши ҳақида гапириб, унинг муқаддимасида қуйидаги сўзларни келтиради: "Қутадғу билиг" Юсуфдан ёдгорлик. унинг ўзини мангулаштириш учун қўйган хайкали. Не-не шаҳарлар, бинолар, дарёлар қўллар, тоғу-тошлар, хуллас беҳисоб пайдо бўлди ва йўқ бўлди. Замона зайли, давр парвози, адоват яъмоси, жаҳолат балоси, зулмат савдоси (коралиги) башариёт зехни, заковати ва қўли билан яратилган не-не меросларнинг бошига сув қуймади, не-не авлодлар келиб кетмади. Юсуфнинг ёдгорлиги-чи, у сакланди, асрларни кечирди, кўп муддат дом-дараксиз юрди. Яхшилар уни яхши асрадилар. "Қутадғу билиг" бизгача етиб келди.

Асар анъанавий, исломий руҳдаги мадҳу санолар билан бошланиши XI асрда шарқий туркистонда, Буғрохон Хорун даврида исломий таълимот мустаҳкам қарор топганлигини ("Қобуснома" да ҳам шундай, зотан Эрон халқлари Пайғамбар соҳиблари Саъд ибн Абду Ваққос давридаёқ (VII аср) исломий маданиятга эга бўлган-М.Н.) Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоийнинг дostonлари ҳам Тангрига мадҳу саноларнинг эстетик - фалсафий юксаклиги билан ажралиб туради. Бу жихатдан "Қутадғу билиг"

³⁹ Юсуф Хос Хожиб. "Қутадғу билиг" Т. "Фан", 1971 сак.8.

бошланишидаги мадху санолар ҳам бадий, эстетик ва фалсафий фикрлар теранлиги жиҳатидан Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий асарлари руҳидадир: "Ҳамду сано, шукрона ва мактовлар бўлсин Танпри азза ва жаллагаким (энг азиз ва улуғ Тангригаким), у улуғлик эгаси, тугал (энг) кудратли подшоҳ, Ерни, Кўкни яратган, ҳамма тинлиғларга (барча мавжудотларга) ризқ-рўз бергандир. У нимани истаса қилгандир ва нимани истаса, қилғусидир. Яфъаму мо йашъау ва йахкаму мо йурид. *Яъни*, нимага қасд (мақсад) қилса, қилгай ва нимага ихтиёр қилса ўшандай ҳукм юритгай. Шунингдек, одамлар орасида сараси бўлмиш Тангрининг расулига сон-саноксиз дуру-мактовдар ва қимматли саҳобаларига, жамъи аҳли байтига Тангрининг раҳмати ёғилсин. Бу китоб жуда азиздир, Чин ҳакимлари донишмандларининг масаллари бирла яралиш, Мочин ҳокимларининг ашғорлари бирла ораста қилиниш бу китобни ўқитувчи ва байтларининг маъноларини маълум қилувчи, олувчи одам китобдан яхши, яида азизроқдир. Бу ерда Юсуф Хос Хожиб байтларининг маъноларини маълум қияувчи деб, асардаги фикрларга, ғояларга, маъноларга амал қилувчи инсонларни ҳам кўзда тутлади.

Муқаддимада яна бундай сўз билан асарнинг фазилатлари маълум қилинади: "Мочин (яъни Шарқий Туркистон) олимлари ва ҳокимлари донишмандлари (бир фикрда) яқдил, штифок бўлдиларким, Машрик вилоятинда, туркистон элларинда Буғроҳон тилида битилган бу китобдан яхшироқ бир китоб тасниф қилинмади". Шундан сўнг, юқорида келтирганимиз, "Қутадғу билиг" асарига турли мамлакатларнинг олимлари турли номлар берганлиги айтилгач, учинчи шахс тилидан (эхтимол, уни китобат қилувчи котиб тилидан) Юсуф Хос Хожиб ҳақида қисқа маълумот берилади: "Бу китобни тасниф қилувчи Баласогунда тугилган, парҳез эгаси эр турур". Яъни, бу китобни тузган одам азиз-авлиёлар каторидаги одам, турли ёмонликлардан ва мубах-руҳсатлардан, зебу зийнатлардан, нозу-неъматлардан ўзини тиювчи, такводор, уламо, сабр-каноатли инсон". Қ.Каримов "Қутадғу билиг"даги ахлокий тушунчалар иерархиясини қуйидагича тавсифлайди: *Виркнчиси* - Адл, адолат. *Иккичиси* - давлат. *Учичиси* - Ақл. *Тўртинчиси* - каноат. Асарда буларнинг ҳар бирига туркча ном берилган бўлиб, Адлга - **Кунтуғди** иомини бериб, подшоҳ лавозимига, Давлатга - Ойтўлди номини бериб, вазир лавозимига, Ақлга - **Ўғдулмиш** номини бериб, вазирнинг ўғли ўрнида тутибди. Каноатга - **Ўзғурмиш** номини бериб, Ўғдулмиш • (Ақл)нинг қариндошидеб айтилади.

Аدل (адолат), ақл ва каноат Шарқ тасаввуф фалсафасида инсон маънавий камолотиининг асосий босқичлари, устунларидан ҳисобланади. Бундан ҳам аввал, Афлотун ва Арасту фалсафасида ҳам адолат, оқиллик, нафсни тийиш-каноат энг яхши инсоний фазилатлар сифатида макталади.

"Икки турдаги неъматбор: бирлари инсоний, бошқалари-илохий,-деб ёзади Афлотун, "Қонунлар" асарида - Инсоний неъматлар илохий неъматларга боғлиқ". Яъни, инсонга агар соф виждон, иймон, меҳр-шафқат, сабр-каноат илохий фазилатлардан иборат неъматлар берилган бўлса, яъни бу фазилатлар инсон табиатида бўлса, булар ёрдамида у кўпгина фазилатларга ҳам эга бўлади. Афлотун "Қонунлар" асарининг биринчи китобида Афиналик суҳбатдош тилидан бундай фикр билдиради: "Илохий неъматларнинг биринчиси ва сарвари бу - оқиллик, иккинчи - ақлга ҳамроҳ бўлган рух (нафс)нинг ҳолати (яъни, қалб поклиги, софдиллик-М.Н.). аввалги иккисининг мардлик билан аралашуви (қўшилиши)дан учинчи неъмат-адолат ҳосил бўлади.

Афлотун инсоний неъматлар (қадриятлар) каторига: биринчи-*сапомаатлик*, иккинчи - *гўзаллик* (бу ерда жисмоний гўзаллик, хушқадлик, чирой ҳақида сўз боради-М.Н.), учинчиси- *куч-қувват*, тўртинчиси - *оқилона, ҳалол ва жисмоний меҳнат билан топилган бошғ/қим* киритади. Юсуф Хос Хожиб ҳам "Қутаду билиг" бошланишида илохий неъматлар ҳақида, уларга шукрона айтиш, ризқ-насибаларни беғараз бераётган олимлар эгаси Тангрига мадҳу-сано айтади. "Эй, халойиқ, Еру осмонлар эгаси ризқ бермоқда, сен қулиб, хурсанд бўлиб егин. Барчага ҳисобсиз ризқ берувчи барчани едиради, лекин ўзи емайди. Барча нафас олувчи жонзодларни харгиз оч қўймайди. (Мабодо қимлардир оч қолар экан, у сабр-каноати туфайли ёки дангасалиги туфайли оч қолади)"⁴⁰.

Сўнг "Қутаду билиг" китоби макталади: "Шунингдек, бу китоб жуда азиз. (Яъни, бу ҳам худонинг неъматидир дейилмоқчи М.Н.). билигликка бўлмай билигдин денгиз. Оғирлик (вазминлик, витор) билимлар олганинга шукр қил, каноат тила. Бу китобда бошдан-оёқ донолар сўзи инжудай ипга тизилган. Машриқ маликлари (подшоҳлари), магин беклари, билимли, заковатли, яхши кишилар бу китобни тўлиқ ўзлаштирдилар, хазинага жойлаб, яширдилар... Маърифат қонуниятига кўра нодир билимлар яширин сақланади. Аммо, аввал халқ билиши зарур бўлган билимлар яширилмай, кенг тарқатилиши зарур. Аслзода, насл-насабли оилалар нодир билимларини фарзандларига, невараларига мерос қилиб қолдиради. Шарқона таълим-тарбияда нодонларга, ёмон одамларга билим бериш гуноҳ саналади. Чунки, ёмонлар илм олиб, қози, ҳоким бўлсалар эл-юртга жабр-зулм қиладилар. "Қутаду билиг" ни қўчирган қотибнинг фикрича, бу китоб ҳамма учун фойдалидир, ҳеч қимга зиёни йўқтур."⁴¹.

Сўнги фикр жуда теран маъноли бўлиб, бу китоб юқорида айтганимиз, инсоний ва илохий неъматлар натижасида, бу неъматларга эришганлар шу дунёда ҳам, абадий ҳаётда ҳам ишлари соланади, яъни,

⁴⁰ Афлотун-Қонунлар (Урфон Отажон таржимаси). Т. Янги аср авлоди. 2002. 15-бет.

⁴¹ Юсуф Хос Хожиб. Қутаду билиг. Т. Фан, 1971. 52-53-бет.

адолатсиз, гуноҳ ишлар қилмагани, эзгу мақсад ва амал-ишлар билан яшагани учун ҳар икки оламда бахт-саодатга эришади. Китоб муаллифи ёки кейин уни тартибга солган муҳаррир, котиб шундан сўнг "Қутаду билиг" асарида қандай маънавий бойликлар борлигини бирма-бир тушунтиради, бошқача айтганимизда, китобнинг мазмун-моҳияти билан таништиради: Кейинги байтларнинг мазмунига кўра, муқаддима муаллифини Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи дейишга асос бор. Гоҳо у ўзини камтаринлик юзасидан учинчи шахсда (у ёки Юсуф деб) айтса, гоҳида очик-ойдин "мен" деб айтади:

*Подшоҳ (малик) қандай иги кўркаш керак.
Ўзишнинг будунлари йўлга солиши керак.
Бу янглик маликни будунлар (халқлар) севар,
Юзини кўрай деб одинлар эвар (бировлар шошир).*

Ўз халқини тўғри йўлга сола билган подшоҳни раёият ҳам севади. Афсуски, тарихда жуда кўп подшоҳлар халқини тўғри йўлга сола олмаган, сабаби ўзи адолатсиз, золим бўлгани учун халқнинг нафратига, қарғишига учраган. Юсуф Хос Ҳожиб бу ҳақида гапирмайди, у асосан адолатли подшоҳлар учун йўл-йўриқлар кўрсатади. Подшоҳ шундай сиёсат юритиши керакки, баъзи ёмонларнинг бошини кесишга, баъзилар билан ярашиб, кўнгил беришга тўғри келади⁴². Подшоҳ:

*Уцувли, бишимли, тўпга ацитгу алп йўрак,
Ҳазина тўлуқлаб, керак.
Раиятга бўлса ўқуш тоқати,
Қалуг иш ичинда бўлур роҳати.*

Ўрни подшоҳ раиятга (унинг яхши, ёмон ишларига, хайрли ёки айбли ишларига) сабр-бардошлари, тоқати етиб, тез жаҳли чикмай, келажagini ўйлаб, иш турса, барча ишларида роҳат топади. Бунинг аксинча бўлса, ўйламай, шошиб иш қилса, набираси Мўъмин Мирзони қатл этишга мастлигида фармон ёзиб берган Султон Хусайндек аввал адолатли бўлган подшоҳ ҳам халқнинг нафратига учрайди. Бошқа вақтларда султон Х>'сайн раиятининг фикрига эътибор бериб, Алишер Навоийдек доно вазиралар билан маслаҳатлашиб, иш тутар эди. Бир марта тоқатсизлик билан, шошиб ёмон иш қилиб қўйгани сабабли, қўли Бадиуззамон Мирзо (Мўъмин Мирзонинг отаси) билан душманлашиб, ўзаро уруш-қирғин бўлиб, салатанати таназулга учради. "Қутаду билиг" даги баъзи байтларнинг мазмунига қараганда, Юсуф Болосоғуний хали китобини ёзиб тугатмаган вақтида ҳам подшоҳ ҳурматиға муносиб, уламолардан бўлган. Эҳтимол, у мадрасада дарс берган ёки

⁴² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутаду билиг. 56-бет

....жохда шогирдларига сабоқ берган ёки давлат ишида кичикрок
ншифада бўлгандир?

*Боқа кўр, китобни бу терган киши
Хунарли эр эрмиш, кишилар боши.
Бу турлуг фазойил, уқушлар била,
Ораста ул эрмиш, юрумиш кула.
Бутунлик ма(била) ҳурмат бу зуҳдлик уза,
Сақинуг, билиглаг, ариглиқ (ноклик) уза⁴³.*

Яъни, китоб муаллифи хунармандлар тоифасидан, бир тўда одамларга
оопшикбўлган. Иймон эътиқоди бутун.

"Қутадғу билиг"нинг ҳамд ва наът қисмларида Юсуф Хос Хожиб
калом ва тавҳид илмларидан яхши хабардор аллома сифатида бундай
сўзларни айтади:

*Ўқуш ўғди бирла туман минг сано
Ўгон бир баётқа ангар йўқ фано.
Йигиз ер, яшил, кўк, кун, ой бирла тун,
Тўрутдан халойиқ ўд, ўдлақ букун.*

Мазмуни шундайки, жуда кўп, мингдан-минг мадху-санолар бўлсин
Қодир ва Воҳид илоҳга, фонийлик унда йўқдир. Яъни ул зот ҳеч қачон
йўқ бўлмайди, абадий мавжуддир. У бўз ер, зангори осмон, кун - куёш, ой
ва тунларни, халқларни, бу кунгача бўлган замонлар, вақтлар, даврларни
яратган:

*Тилади, тўрутди бу бўлмиш қамуг,
Бир-ўқ "Бўл!" деди, бўлмиш қул қамуг.
Қамуг барча мунгуг тўртулмиш,
Мунги йўқ изи бир, ангар йўқ иши.*

Ул зотнинг тилагича, "Бўл!" деган фармони билан олам яралди
(тирилди). Оламдаги барча мавжудотлар яратилишидан мунгли, ўлғувчи,
йўқолувчи, кайғу-мунглидир. Фақат ёлғиз тангри ўлмайди, йўқолмайди,
йўқолиш мунги, кайғусини тортмайди:

*Эй, эрклиг ўгон, мангу мунгсиз баёт,
Иарамас сениндан адинга бу от.
Улуглуқ сангадир, буйуклуг санга
Сениндин адин йўқ санга тўш тана.*

Мазмуни: Эй, эркин илоҳ, мангу мунгсиз илоҳ, сендан ўзгани
бундай атаб бўлмайди. Улуглик, буюклик фақат сенга ярашар, икки
оламда сенга тенг келадиган зот йўқ.

Бундай теран фикрлар тасаввуф фалсафасидаги Ҳақ Таолога етишиб. томчи денгизга кўшилгандай, унга кўшилиб кетишдан иборат "фано-филлох" (фано фи-ал-илох) ғоясига ўхшамайди. Лекин, тасаввуф фалсафасида ҳам бир неча йўналишлар, тариқатлар бўлиб, Фаридиддин Ағтор ва Алишер Навоий асарларида охириги мақсад ўзликни, "мен"ликни, такаббурликни йўқотиб, фано бўлиб, Ҳақ Таолода эриб кетиш бўлса, Аҳмад Яссавий ва бошқа пирларнинг тасаввуфий таълимотида сўнгги орзу - Ҳақ Таоло хузурига яқин бўлиб (ёвук бўлиб), унинг дийдорини, жамолини кўришдан иборат:

*Ошиц бўлсанг ишиц йўлида фано бўлгил,
Дийдор излаб, ҳасратида адо бўлгил⁴⁴.*

Хожа Аҳмад Яссавийнинг бу хикматларининг мазмуни ва руҳи Юсуф Хос Ҳожиб айтган Ўғон, Изма (азиз) Ҳақ Таолонинг не қилса эркли эканлиги хақидаги фикрларига ҳамохангдир. Тангри қудратига ишонмаганлар Хожа Аҳмад Яссавий фикрича, табиатнинг бир-бирига зид, ёзнинг жазирама иссиги ва кишнинг қаҳратон совуғига ишониши керак. Чунки, Қуёшни, Ойни, Ерни, Қуёшнинг 12 буржидан ўтказиб, баҳор, ёз қуз ва кишни келтириш инсонларнинг қўлидан келмайди.

«Қутадғу билиг» да Юсуф Хос Ҳожиб улуғлик фақат Тангрига ярашади, куч-қудратда ул зотга ҳеч Ким, ҳеч нарса тенг кела олмайди, деганида шу асосларга суянган. Юсуф Хос Ҳожиб китобининг мадху сано қисмида яна бундай дейди:

*Аё, ички ва ташици сирларни билгувчи ҳақиқул-ячин,
Кўзимдан йироцсану кўнглимга ячинсан.
Барин билгүликсан, кун, ойдан ёруғ (равшан),
Нетегликка етгү кўнгиц ўгда йўц.*

Тасаввуфда илмул-яқин ва ҳаққул-яқин деган тушунчалар бор. Илмул-яқин ҳам маърифатнинг юксак босқичи, унда инсон руҳий оламидан ташқаридаги борлиқ оламга, табиатга доир, бизнинг субъектив истакларимизга боғлиқ бўлмаган илмий ҳақиқатлар, қонуниятлар ўрганилади. Ҳаққул-яқин эса янада юксакроқ илм бўлиб, унда калом ҳадис, тавҳид, илохий сирлар олами ўрганилади. "Эй Тангри сенинг бирлигининг оламдаги барча мавжудотларнинг кўплиги ёки бирлиги сабабли эмасдур-дейилади асарда, - Чунки барча мавжудотлар сенинг яратганларингдир. Тангрининг бирлиги унинг оламда ўхшаши йўқдигидандир. Унинг ўхшаш тенги йўқлигининг сабабини сирларини билишга одамзотнинг ақли етмайди.⁴⁵ Лекин, у бўлмаса ҳеч бир ўрин, макон ҳам бўлмас эди, бунча иқдор бўлайлик. Эй, сирли зот қўнгли азиз Тангрим, сен саноксиз жонзодларни яратдинг. Текисликларни, тоғларни,

йснғизларни, баландликни, чуқурликларни яратдинг. Яшил (зангор) помонни туман (минг-минг) юлдуз билан ёритдинг. Неча турли учрайдиганлар, юрадиганлар, нафас оладиганлар сендан ризқ олиб, еб-ичадилар. Арши аълодан то тахтусни сарагача (ер остигача) барча м;тжудотларнинг хожатини берасан. Эй, Тангрининг бирлигига ишонган инсон, билим билан идрок эт, фақат тилда эмас, кўнгилда ишон, иймоним комил бўлсин, шак-шубхага борма. Қандай, қанақа деб суриштириб ўтирма, кўнгил-нафс хохишига кирма. Уни қандай, қаерда?-деб сўрама, снғилтак бўлса, ўзингни банда каби тут, бориға ишониб, хотиржам яша. Иймон ишончлари заиф бўлган кўглаб одамлар борлигидан мутафаккир хижолат бўлиб, уялиб, Худодан кечирим сўраб, дейди: Эй, мунғиз эгам, сен бу мунгли қулингни ёрлақаб, барча гуноҳларини кечиргин. Сенгагина сигиндим, умидим фақат сендан. Мунгта тушган, қайгу қулфатда, кийналиб қолган чоғларимда қўлимдан тут, мадад бер. Пайғамбаримизни киёмат кунда қўлимдан тутгувчи қил. Чахорёрларнинг барчасига туман минг саломларимни етказ, улуғ кунда (қиёматда) жанатдан жой бериб, уларнинг юзини кўрсат, эзгу сўзларни рахнамо қил. Сени аслингдек таърифлай олмайман, ўзингни ўзингдай ҳеч ким била олмайди.

«Қутағу билиг» да Пайғамбар наътларидан шуни англаш мумкинки, X-XI асрларда Туркистонда, қорахонийлар даврида (яъни муғуллар истилосига қадар) туркий халқлар мусулмончиликни қабул қилган, уламолари шариат қонун-қоидаларни яхши билган. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб исломият тарихидан, Пайғамбар ҳаётига доир асарлардан яхши хабардор бўлганлигини қуйидаги байт исботлайди:

Меҳрибон эгам севикли совчисши юборди,

Ухалҳ орасида яхшиси, сараси эди.

Қоронгу туилари у халқца машғал эди,

Умаърифати билан қоронгуликни ёритди.

Бу байтларда Юсуф Хос Ҳожиб қоронғулик деганда жоҳилият даврини, одамлар онгидаги, қалби, рухий оламдаги қоронғуликни, билимсизликни, маърифат етишмаслигини кўзда тутди. Чиндан ҳам ислом дини кириб келгунича жоҳилият даврида Арабистон халқлари фақат моддий бойликка мол-дунёга, айшу-ишратга ружу қўйган, қиз фарзандларини чақалоқлигида ўлдириб, қўмган, асирларга, қуларга, бир-бирига раҳм-шавқатсиз, такаббур, мактанчок, онгсиз эдилар. Улар онгсизлиги туфайли, худди Фиръавн давридаги каби бутларга, санам, ёғоч, тошлардан ясалган хайкалларга сажда қилар эдилар. Маст-аластлик, баччабозлик, фохишабозлик қабилалараро қирғин урушлар авжида эди.

Юсуф Хос Ҳожиб Рудакий, Фирдавий каби Ўрта асрлар Уйғониш даври мутафаккирлари қаторида инсоннинг қимлигини, қандай одамлигини боҳолашда моддий бойлик, амал-мансаб, ҳокимият эмас, балки билимлар, илм маърифат бош меъзон эканлигини тасдиқлайди. Мутафаккир айтадики, Тангри инсонни яратди, уни дўст деб, танлади, бошқа

мавжудотлардан афзал килди. Кўнгил гўзал хулқдан сўнг мутафаккир билим фазилати ҳақида фикр юритадики, ўзи билган ёки билмагани холда Арасту ҳакимнинг ақл, билим ва кўнгил неъматлари ҳақидаги фикрига яқинлашади. Кўнгил, дил бошқа, билимлар бошқа олам, лекин улар ўзаро алоқага кирушуви ҳақида Арасту «Катта ахлоқ» асарида бундай ёзади: «Муносиб одам бўлмоқ-фазилатларга эга бўлмоқ демакдир. Зеро ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаолият юритмоқчи бўлган одам ахлокли фозил (яъни, фазилатли одам бўлмоғи керак)⁴⁶. Бу ерда Арасту ақлли, билимли одамни эмас, фозил одамни раҳбарликка муносиб инсон демоқчи. Лекин айна вақтда, фозил (фазилатли) одам ақлли (оқил) ва билимли бўлиши ҳам зарур. «Ақл заковат қайда бўлса, улуглик бўлади, билим кимда бўлса, буюклик олади,-дейди Юсуф Хос Хожиб - Билимсиз одамлар барчаси дардли (касал) бўлади. Касалликни даволамаса, одам ўлади. Бу ерда мутафаккир жаҳолат касаллиги, иллати инсон кўнглини руҳини ўлдирди, демоқчи. Ўқиш (билим) бирла ишла (ишловчи) камуғ (хамма) ишлар кузуғ (яъни, тузалади, битади), - дейди Хос Хожиб, - билиг бирла беллар бўлиши ўзуғ (бошқалардан ўрган.)

Шундан сўнг Юсуф Хос Хожиб билим, маърифатни эгалашда тил, сўз, тафакурнинг аҳамияти ҳақида фикр юритади. Бу ерда мутафаккир умуман тил, ақл, фаросат билан, ўз вақтида ва ўрнида ишлатиш зарурлигини тушунтиради. Мутафаккирнинг фикрича, инсонга бахт, саодат келтирувчи ҳам, уни бахтсиз қилувчи ҳам тилдир; «Тили туфайли озор топган киши нима дейди, эшит: Тил мени жуда кўп кулфатларга солади. Тил бошимни кесишидан аввал мен тилимни кесайин. Сўзинга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин (яъни, биров сени ёмон сўзинг учун уриб, тишингни синдирмасин. Сен ўзинга омонлик тиласанг тилинган чикарма яроғсиз (одобсиз) сўзинг. Билиб сўзлаган сўз доноликдир. Билигсиз сўзи ўз бошини еюр. Кўп сўзламаслик, оз сўзлаш туман (ўн минг) сўз тутунини, чигаллигини шу бир сўзда ёзиш (ечиш) мумкин. Бу ўринда мутафаккир тил фалсафаси асосларини баён қилмоқда. Чиндан ҳам инсон бошига сўзлар туфайли келадиган минг турли ишқалликларни даф этиш, ҳал қилиш учун фақат бир қурол кифоя-у ҳам бўлса, кам сўзлашдир. "Оз сўзла-ю - соз сўзла" мақолини эслайлик. Юсуф Хос Хожибнинг кўпгина теран маъноли фикрлари халқ мақолаларини эслатади: Киши сўз туфайли подшоҳ-малик бўлади. Кўп сўзловчининг боши очик бўлади. Кўп сўзловчини эзма дейдилар. Ҳеч сўз айтмайдиганни гунг-лол дейдилар. Шундай экан, ўртача йўл тут. Мўътадиллик одамни улуглайди.

Юсуф Хос Хожибнинг бу фикри ҳам Арасту ҳакимнинг мўътадиллик ҳақидаги фикрларига ҳамоҳангдир: «Жаҳлдорлик, тез ғазабланиш-ёмонлик, иллат. Бунинг акси - хиссизлик, лоқайдлик ҳам иллат». Хиссиз, лоқайд одам ноҳақ, адолатсиз, тубан ишларни кўрса ҳам ғазабланмайди, уни ҳақорат қилсангиз ҳам жажли чикмайди, яъни ориятсиз. Ўрта йўлни

⁴⁶ Арасту Ахлоқи кабир.Т. Янги зср авлоди. 2004.

гуган одам сал нарсага жажли чиқавермайди, адолатсизликни, жабр-•улми кўрса норозилик билдирувчи, таъсирчан бўлса, ҳам ўзини вазмин гугувчи, мўътадилликни сакловчи одам ақиллидир.⁴⁷

Юсуф Хос Хожиб фикрича, оқилона, билиб айтилган сўз (элга) наф келтиради. Тил сўз билан гоҳ макталади, гоҳ сўкилади. Билимлининг сўзи билан билимсизнинг сўзи фаркданади. Агар яхши сўзласа, ўздан ҳам узок яшайди, донолар ўзи ўлса, ҳам сўзи яшайди. Кумуш, олтин йўқолади, яхши сўз йўқолмайди. Чиндан ҳам, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Навоий, Машраб, Оғахий сўзлари бугун ҳам ўз кадрини йўқотмай, хозиргача яшаб келаётганлиги шу фикримизнинг исботидир.

Мутафаккир фикрича, ота-боболардан қоладиган мероснинг энг яхшиси сўздир. Ана шу доно сўзларга меросхўр, ворис бўлсанг фойда кўрасан. Шу ўринда муаллиф панд-насихатларини тинглаётганларга камтарона узрини айтиб, менинг ҳам сўзларимда хаго бўлиши мумкин, бу дунёда янглишмайдиган одам йўқ, дейди. Муаллиф эзгу сўзни садафдаги дурга, инжуга ўхшатади: «Денгиздан чиқармаса инжун киши, унинг инжуми, сой тошми, фойдаси тегмайди. «Йоғиз (гўл) ер қаъридаги олтин тошдир ул, казиб олинса, беглар бошидаги безак бўлур. Билимли одам сўзи билан билимини бошқаларга етказмаса, унинг билими кўп йиллар кон каби яшириниб ётганидан ҳеч кимга фойда йўқдир.

Мутафаккир амалий, фаол сўз тарафдори. Кўп сўзлаш ёмон бўлгани каби, эзгу, яхши сўзларни айтмай, беркитиб қўйиш ҳам ёмондир. Донолар сўзини уқуш, билиш билан ёмон ҳулк тозаланади, билим энагида худун-халқ ифлосликдан локайдликдан покланади»⁴⁸.

Шундан сўнг Юсуф Хос Хожиб эзгу сўз ўзича эмас, балки унга амал қилиш билан кадр топиши ҳақида фикр юритади. «Агар эл, юртга рахбар бўлсанг, сўзда ҳам, амалда ҳам эзгулик, яхшилиқ қилгин».

Йигитлик ўтади, тириклик (чироғи) ўчади. Бу тушдек очундан инсон кўчади. Тирикликда азият чекиб эл-юртга яхшилиқ қил. Кейин бу сенга (қариганингда) егулик ва кийгулик бўлади. Мутафаккир эслатадики, бу дунёда барча ўлади, сўнг яхшилиқ қилиб кетганлар макталади, ёмонлик қилганлар макталмайди, ёмонлик қилганлар лаънатланади. Ўлмасдан аввал ўйлаб кўр, қай бирини тиклайсан.

Қуйидаги сўзлардан Туркистон донишмандлари Юсуф Хос Хожиб форс-тожик адабиётининг алломаси Абулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома»сидан ва ундаги қахрамонларнинг қилмишларидан яхши хабардорлиги билинади: «Сўкушлуг нелуг бўлди Захҳок ўтун, нелуг ўгду бўлди Фаридун кутун. Бири (Фаридун) эзгу эди, уни ўгдилар (мактадилар), бири (Захҳок) эссиз эрди, уни сўқдилар. Сен энди танла, сен яхши ном колдиришни истайсанми, ёки ёмон ном колдиришними?» Шундан сўнг мутафаккир замона беклари, подшоҳларига эл, юртни адолатли

бошқаришнинг қонун-қоидаларини ўргатади: «Қимки билимли. доно бек бўлса, билимли одамларни ўзига яқинлаштиради. Бундай бек, билимини ишга солиб, халқни (ҳақ-йўлга) бошлайди. Аван (оддий) халқни бойитишни ўзига қоида деб билади.

Мутафакрнинг қуйидаги теран фикрлари барча замонлар учун кадрлидир: «Агар билимли тўрда (юқорида) ўтирса, ўша жойни уйнинг тўри деб билгин. Бу дадил ва адолатли баҳодур». Мутафакр қиличга нисбатан ўлимни, урушга нисбатан билимни аъло деб билади: «Қилич олди-бердиси будунни - халқни тузатади. Қалам олди бердиси эзгу йўл-йўликлар тузади. Эзгу қонунлар улардан (яъни, қалам аҳлидан) мерос бўлиб, бизгача етиб келди. Ўлганлардан тирикларга мерос эзгу сўз (яъни, эзгу қонунлар)дир. Бу сўзларни ўқиганимизда қадимги Юнон донишмандлари Фалес, Хилон, Ликург, Салон каби адолатли, эзгу қонунлар ижодкорларни эслаймиз. Ўз ота-боболаримиздан Амур Темур, Шохрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Хусайн Байқаро, Бобур Мирзо, Алишер Навоий, Хўжа Ахрор Валий каби подшоҳлар ва маънавий раҳнамолик қилган зотларни эслаймиз.

Юсуф Хос Ҳожиб қадим Турк бекларидан Алп Эр Тўнга - Афросиёбни эслайди. Уни билими буюк, хунари талай, заковатли, халқ орасида сараси деб атайди. Мутафакр фикрича, Жаҳонгирга минг туман эрдём-хунар керак, лодшоҳ жабр-зулмга, ҳокимиятга таянмай, билимига хунарига таянса, эл бошидан туманини (зулматни) кўтарса, адолатли сиёсат билан эли, халқини тузса (фаровон қилса) номи мангу яшайди.

Юсуф Хос Ҳожиб кейинги бобларда ҳам қайта-қайта билимни, ўқув-ижрокни мактайди: «Уқуш ул машғалдур қоронғу туни. Билим ул ёруғлик ёрутди сени. Ва аксинча, уқув-идроксиз, билимсиз киши эзгу ишлардан бебаҳрадир. Беғлар эл ишини билим билан (яъни, адолатли қонунларни билиб жорий этиш билан) битиради. Билимнинг ози ҳам (яъни инсонда бўлса) қимматлидир». Бу фикрни ривожлантириб, айтиш мумкинки, билимнинг кўпи ҳам (ёмон инсонда бўлса) фойдасиздир. Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожиб тўрт нарсанинг ози ҳам қучлидир дейди:

1. Ўт, олов. Ози ҳам катта ёнғинга айланиб, уйларни қул қилади.
2. Душман, ёв. Ози ҳам эл-юртга фалокат келтиради.
3. Хасталик, касаллик. Ози ҳам ҳавфли, тирикликнинг заволи.
4. Билим. Ози ҳам фойдали ва қимматлидир.

Мутафакр билимни, илм-маърифатни улуғлаб, бундай ҳикматли сўзларни айтади: Билим, заковат энг яхши дўстдир. Билим-ўта меҳрибон қариндошдир. Билимсизнинг қилмишлари (қилган ишлари) ўзига ёвдир, зарарлидир.

Билимсизлик - жаҳл, жаҳолатдир. Ғазаб ҳам, жаҳл ҳам билимсизлик оқибатидир. Чунки, бундай одам бировларга жаҳл, ғазаб билан дилига озор етказиш оғир гуноҳ эканлигини билмайди. Бу ҳақда яна гўзал бир араб мақоли бор: «Адуввун оқилун хайрун мин садиқин жаҳилин». Яъни, "Билимсиз, аҳмоқ дўстан ақлли душман яхшидир".

Юсуф Хос Ҳожиб билимсиз, маърифатсиз беклар, оошликлар қаҳр-газабгаэрк беришини каттиқ қоралайди: «Эй, яхши одам, ғазабни ўзингдан Гшрок тут. Қаҳр қилма, нолишингни эзгу, гўзал қил. Қаҳру ғазаб билан шошиб иш кўрма. Ғазабли киши доимо ўқинади (пушаймон бўлади), ишда қаҳр қилган киши адашади. Бу сўзлар ҳозирги ўзбек мақолини - «Жаҳл келса, ақл қочади» сўзларини эсимизга солади. Эр кишига вазминлик даркор. Заковатли, билимли одам мулойим, хушфەъл бўлади, кераклини ксраксиз ишлардан ажрата олади. Муаллифнинг шу фикрлари ҳам Арастунинг куйидаги фикрларига ҳамоҳангдир: Вазминлик, андиша (зарпазшаУбузуклик билан роҳатланишга лоқайдлик, хиссизлик ўртасидаги ҳолатдир.

Вазминлик, андиша, барча бошқа фазилатлар каби, энг яхши рухий ҳолатдир. Энг яхши неъматни қўлга киритган одам энг яхши рухий ҳолатни топади. Энг яхши неъмат ортиқчалик билан етишмовчилик ўртасидаги ўртача неъматдур. Одамлар ортиқчаликни (масалан, роҳатланишга ружу қўйишни) ҳам, етишмовчиликни (лоқайдлик, хиссизликни) ҳам қоралайдилар. Гўзалликдан роҳатланиш, завқланиш ахлоқ борасида бўлса, фазилат, нозиктаъблик деб мақталади.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз фикрини чуқурлаштириб, адолатли, идеал раҳбарни бундай тавсифлайди: «(Бу инсон) билимдон бўлиб, ишларни яхши битира олса, яроқли ва яроқсиз нарсаларни ўз ўрнига қўйиб, уларни ажрата билса, фарқласа ва барча ишларда ўзини тута билса,... бу янглиғ киши (эзгу) тилакка етади, иккала жаҳонда (бу дунё ва охиратда) ҳам иш (аҳволи) чиройли бўлади.»⁴⁹ Эл бошлиғи, бек, подшоҳ фуқаролар ишни, ёки мамлакатнинг муракаб ишларини турлича йўлар билан битиради. Биров жабр-зулм билан, киргин урушлар билан, зўравонлик билан, бошқаси тинчлик, сулҳ, музақора, муҳокама, маслаҳат, кенгаш йўли билан, яхшилик билан битиради.

Кейинчалик машҳур тарикат пирларидан Зайнидин Абу Бакр Тойободий 1362 йилда Амир Темурга мўғул хони Туғлуқ Темурга ҳизмат қилиш ёки қилмаслик ҳусусида маслаҳат бериб ёзган мактубида ҳам йўлбошчи вазминлик билан, бир иш бошлашдан аввал, орқа олдини, фойда, зарарини ўйлаб, дўстлар, сафдошлар, устозлар билан маслаҳатлашиб иш қилиш зарурлигини тушунтирган эди: «Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилинг, дсб уқтирган эди Соҳибкирон Амир Темур. Булар:

1. Кенгаш.
2. Машварату маслаҳат.
3. Тадбиркорлик ва хушёрлик.
4. Эҳтиёткорлик.

Кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин. Унинг сўзлари

ва ишлари пушаймонлик ва кулфат келтиргай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тadbиркорлик билан иш юргазинг, токи оқибатда надоматлар чекиб (афсусланиб), пушаймон бўлмайсан»³.

Юсуф Хос Хожиб яна жаҳлдорлик, қаҳр-газабнинг зарари ҳақида бундай дейди: «Агар газаб келса, одам укушсиз (онгсиз, ақл-хушсиз) иш қилади. Хатто қилиғи, хулқи, силлиғ, хушмуомала одам ҳам жаҳл-газабга берилса, пасткашлик қилиши мумкин. Кўпгина подшоҳлар жаҳл устида яхши, инсонларни арзимас хатоси учун ўлимга ҳуқум этиб, ксйин афсусланиб юрганлар. Алишер Навоий «Саббаи Сайёр» достонида шох Баҳромнинг ов пайтида Дилором унинг мерганлик маҳоратини мактамагани, бу машқ натижасиз дегаии учун ғазабланиб, оёқ қўлини боғлаб, сувсиз чўлга ташлаб кетгани сўнг бу ишдан афсусланиб, давлат ишларини ташлаб, ичкиликка берилганини тасвирлар экан, қаҳр-ғазабнинг тубан разил,ёвиз ишларга сабаб бўлишини тушунтиради».

Юсуф Хож Хожиб фикрича, давлат раҳбари сўзи бошқа, иши бошқа бўлмасдан айтгаи ишига амал қилиши зарур. Инсонга душман каби зарар келтирувчи иллатлардан бири - тил ёлғони, яъни ёлғон сўзларни айтиб, алдашдир. Ўз сўзининг устидан чиқмаслик, яна бири маст қилувчи ичкиликни яхши кўриш. Мутафаккир фикрича, давлат раҳбари учун яна бир иллат хаддан ошиш, ят>ни барча ишларда меъёрни билмаслик. Хаддан ошувчи кишининг ҳаётида секинча, хурсандчилик бўлмайди, аксинча, меъёрни билмаслик жуда оғир оқибатларга олиб келади. Шарафиддин Али Яздий «Тузуқлар»да ёзишича, сохибқироннинг кўп йиллар биргаликда мустақил давлат тузи.ш учун, курашда сафдош бўлган Амир Хусайн жуда кўп моҳир саркардаларни арзимас хатодари учун ўлдиртириб юборади. Адолат меъёрини унутади ва оқибатда жожеага учрайди.

Юсуф Хож Хожиб яна айтадики, ёвузлик қилувчи ёмон одамлар вақтинча хушомадгўйлар томонидан макталса ҳам, эъзозланса ҳам, барибир азиз бўлишмайди. Мутафаккир «Ёмоннинг ёши қиска» дер экан, ёмон одам қанча узок умр кўрса ҳам, ўлганидан сўнг унинг номи ўчиб кетишини англатади. Яхши одам ҳар куни янги-янги тилакларга эришади. Ёмон одам ҳар куни юз марта қайғу кулфатли ишларни қилади, унинг ишларидан ҳеч ким хурсайд бўлмайди.Шундай экан, эй инсон, доимо яхшилик қил, яхшилар иши доимо чиройлидир. Яъни, эзгу ишлар одамнинг хулқини, руҳини гўзал қилади.

Юсуф Хож Хожиб Қутадғу билиг (элли, эл эгаси, давлат эгаси) ҳақида сўз бошлар экан, ўзининг фалсафий эстетик карашларни, бу диний дунё кизидай гўзал кўринса ҳам, аслида унинг ёши узун, қари кампирдир. Гоҳо қиликлари қилмишлари қизларникидай чиройли кўринади, ўзига мафтун қилади, қўл чўзсанг тутқизмайди. Бу қари кампир (дунё) қанча-қанча беқларни (подшоҳларни) қаритди. Лекин у ўзини доимо ёш кўрсатади. Мутафаккир адолат фалсафасини Кунтўғди тимсоли билан тасвирлар экан,

³¹⁰Темур тузуқлари. Т. Г.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашрибти. 1996, 14-бет

унинг подшоҳликка келган, эл-юртни гуллаб-яшнатган даври^Н ўтган
 замонда деб кўрсатади: «Бор эди очунда бегу билга бош, [^]У узи ва
 даврида очун бўлди». Ёш (яъни, тили бошқа, дили бошқа эмас)?^{рди}
 кўнгли бой эди.(яъни, бағрикенг, меҳр-мурувватли эди.) Сиёсат^{ки} [^]ошлик
 химмат билса. Бу химмат ярашур сиёсат била. Яъни, адолатли
 сиёсатда химматли ва химмат кўрсатишда сиёсатли эди. ^{умжин}

Мутафаккир инсонликни меҳр-муруватсиз тасаввур қили^Ш билан
 эмаслигини, инсон кадр-қиммати унинг химмати ва мурувв^{ат} ^абиати
 белгиланишини айтади. Кунтўғди (Адолат) мана шу феъли, хулқи^И [^]а 0и
 билан оламга Куёш ва Ой каби нур сочди. Бизга маълумки, КУ^к ^{^^}уғди
 баланду пастликка, яхшию ёмонга баравар нур сочади. [^]м, ким
 подшоҳлиги вақтида укушли (оқил) одамларни ўз атрофига тўнл
 билимли, илмли, олим, доно бўлса юксалтирди, мартабасини ошир-"^{одил}

Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, адолат тимсоли бўлган Кунту^л [^]урд[^].
 подшоҳ хар қанча буюк, доно зот бўлсада, давлат салтанатини^Н [^]аиДи
 туман, серқирра, минглаб мураккаб ишларини бир ўзи бажара ^{буюк}
 Бошқача айтсак, адолатни бир киши юзага чиқара олмайди-^{•?} ^{бзр}Дор
 йўлбошчи ҳам миллионлаб фуқароларининг ахволдан [„]мдан
 бўлмайди, ўз мансабдорларининг кимга жабр-зулм қилаётганини^{И*}
 яширин пора олаётганини, мамлакатда ким ростгўй, ким [^]айди.
 фирибгарлигини, ким ўғри ва ким қотиллигини бир ўзи [^]иЯ доно
 Буларнинг барини билиш ва чора, тадбирларини кўриш У^к ^{ра} халқ
 йўлбошчи ўзи каби адолатсевар, соф виждонли, подшоҳ, давла дарга,
 манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўювчи [„]уф Хос
 ердამчиларга, олийҳиммат бекларга муҳтождир. Шу маънода Н[^] [^]атли,
 Ҳожиб ёзади: «Дунёнинг сара беглари атрофига жаъм бўлди- 3 [^] жуда
 билимли кишиларни тўплади. Давлат, салтанат ишлари, муаммо^Л ^амл ар
 улуғ ишдир». (Бу ерда улуғ сўзи хажман, вақт ва масъул [^]иода-
 зарурлиги жиҳатидан жуда катта, мураккаб ишлардир, деган ^др.

М.Н.). Салтанатнинг бошоғрик (нукта)лари кўп, ишлари уйум-уйУ ^{разир}
 Адолат тимсоли Кунтуғди, подшоҳ ишончли, садокат^Л ^ркоРи
 зарурлиги ҳақида бундай дейди: «Заковатли, билимли кишилар
 бўлса». (эл-юртга) меҳрибон, ишончли, ҳаққоний, қилмишлари ту
 ва кўнгли рост бўлса'. Лекин бундай ажойиб бир вазир билан
 битмайди. Яна: барча ишларини биладиган ёрдამчилар керак. БР ^а #ди⁵².
 бўлса, бек машаққат чекмайди. Барча ишлари битгади, қонун бузи[^]
 очиш

Бирок, Юсуф Хос Ҳожиб, яширин бир мақсадини кейинр ^{латли}
 учунми, ё бошқа сабабданми, аввалги вақтларда Кунтуғди - ^а #, бир
 ҳукмдорга муносиб ёрдამчи топилмаганини, бундан руҳи тушма ^{учун}
 ўзи барча ишларга бош-кош бўлганлигини, адолатли давлат ту ^{екиб,}
 Кунтуғди жуда кўп меҳнат қилиб, жуда кўп ранж-машаққат^Л

⁵¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Т. Фан. 1971, 123-бет

⁵² Ўша жойда, 125-бет

охири рохат-фарогатга эришганини, ўша вақтда унинг хузурига Ойтўлди - бахт-саодат, Угдлумиш - ақл, заковат, Ўзгурмиш - рўшнолик, фаровонлик хизматга келганлигини тасвирлайди.

Мутафаккир адолатли подшоҳнинг хизматлари сифатида эл-юрт тақдири учун кўп қайғурганини, боши оғриганини, шунга қарамай, у (адолат) ғафлатга берилмай, соғ-хушёр туриб, раиятга зулм қилувчи ярамастарни ўз қўли билан бўғиб урди, ёмонларни элидан қувиб чиқарди, дейди. Бу ерда Қунтуғдиннинг ўз қўли деганда жисмоний одамнинг қўлини эмас, балки адолат қўли, қонунлар қўли, раиятни ёвуз одамлардан ҳимоя қилувчи суд, тергов, қозихоналар ҳақида гап боради.

Шундан сўнг Юсуф Хос Ҳожиб ғофилликнинг зарарлари, соғлик-хушёрликнинг фойдалари ҳақида муфассал фикр юритади: «Ўсал (ғофил) бўлма, сақлан камуғ ишда сен... Киши эмини (хотиржам, беғам, бепарвоси) ўсаллик (ғофиллик) қилур. Ёғий етса, уйдун ўсаллар ўлур... Элиг (бек) соқлиғини, хушёрлиғи қилди элига асиғ (меҳрибонлик). Бу асиғи била бўлди элда татиг. Элин этти, тузди, бойиди будун (халқ бойиди). Бўри қўй била сувлади ул ўдун (у даврда)»⁵³. Мажозий маънода, уруш, қирғин, қон тўкишлар бас қилиниб, сулҳ, тинчлик, осойишталик ўрнатилган вақтда бўрилар билан қўйлар ҳам душманликни унутдилар деган ўхшатиш, матал бор. Мутафаккир фикрича, эл-юртда адолат, фаровонлик бўлгач, ёвлар ҳам унинг овозасини эшитиб бўйин эгдилар, баъзи муҳолифлар ҳам келиб, элигнинг эшигини (остонасини) ўпдилар.

Мутафаккир фикрича, беглик эзгу, яхшиликдир. Янада яхшироғи (адолатли) сиёсатдир. Бек шу чоғда эзгуликка, бахт-саодатга эришадикки, у эл, халқ ишини одамгарчилик, инсонпарварлик билан бажарса, натижа шуки, бундай адолатнинг пойдевори - одамийлик, инсонпарварлик, инсонларни кадрлашдир.

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг»нинг 451-байтидан бахт-саодат тимсоли Ойтўлди ҳикоясини бошлайди. Бу бобни ўқиганимизда биз «Қутадғу билиг» ҳам дидактик-панднома, ҳам фалсафий, ҳам бадий сюжетли, образлар-сийратлардан иборат асар деган фикрга келамиз. Муаллиф бу ерда Бахт тимсоли - Ойтўлдини шахслантириб, оддий инсон, фуқаро сувратида кўрсатади, у исми Бахт, Ойтўлди бўлса ҳам, турли билимларни, илмларни, касб, хунар-санъатларни билса ҳам Қунтуғдизиз, яъни адолатли давлатсиз бахтиёр бўла олмаслигини англайди. Муаллиф тавсифича Ойтўлди жавонмард йигит эди, заковатли, билимли, ақлли, вазмин киши эди. Бир қуни у ўз-ўзига айтди: «Мен бу қунарларда беҳисоб санъат-хунарларим билан хулқдан ташқарида, бекор юрибман. Элич (элли, подшоҳ) хузурига борайин, унга хизмат қилайин. Элич заковатли, билимли, юмшоқ феълли бег эмиш. Санъат- хунарли, одобли кишиларни излаётган эмиш».

⁵³ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. 127-бет

Мутафаккир ҳаёт сабоқларидан келиб чикиб, Ойтўлди тилидан \ шнинг ҳурматли фикрларини баён қилади: Укуш-заковат кадрини \ кушли-заковатли киши билади. Нечук билгай телба билим кадрини. I В) ҳар кадрини ҳам гавҳаршунос билади. Юсуф Хос Хожиб замонида ҳам V шга хос бозор иқтисоди тамойилларига амал қилинган. Хусусан, Ойтўлди ВбК, подшоҳ саройига стиб бориш учун, қийин аҳволда қолганда сарфлаш учун олтин, кумуш, асл мол, товарлар олади. Булар ёрдамида Карвонсаройда, мусофирхонада дўстлар, таниш билишлар, орттиради. Шулар уни бек саройининг Хос Хожиби яхши инсон билан таништирадидлар. Хос Хожиб танишлари орқали Ойтўлди билан кўп марта суҳбатлашиб кўргач, унинг ақл, заковатли, эл-юрт учун хизмат қила оладиган мард, олижаноб инсон эканлигини билади ва уни бека, элит-подшоҳга мактаб, таништиради.

Ойтўлдининг хушефъллиги, эзгу ниятлари, оқилона сўзлари Хос Қожибга ёқади, Хржиб уни севиб қолади. Бу дўстлар севгиси бўлиб, мутафаккир фикрича, дўстлар бир-бирини севса, майда-чуйда камчиликлари ҳам фазилат бўлиб кўринади. Шунга карамай, Хожиб мехмонни хушёрликка чакириб, панд-насихат қилади, унга ўткинчи бахтга ишонма, элга, райатга яхшилик кил, дейди.

Юсуф Хос Хожиб ижтимоий қарашларида багрикенглик, гуманистик рух кучлидир. У ўз асарида амалдорларни ўз қўли остидагиларга нисбатан одил, инсофли бўлишга чақиради. Куйи табақадагиларни юқори табақадагиларга содиқ бўлишга, шу туфайли орзу қилинган эзгу ҳаётга эришишга даъват қиларди. Бундай даъват аслида утопия эди. Чунки ижтимоий тенгсизлик адолатсизликни бу усул билан бартараф қилиб бўлмасди. Бу қарашнинг фақат битта фойдали томони шунда эдики, у оч-яланғоч, юпун, бева-бечора, етим-есирларнинг аянчли ҳаётини кузатиб, уларга ачиниб, амалдорларни инсофли, одил бўлишига кўйидаги мисралар орқали чақирган эди:

*Ҳапол дуне топгши ўзингни этур,
Яланг-очга бер жумдурингни битир.*

*Одамга наф этгши, мунгига яра,
Қариндошга дил бер, яцнликула.*

*Кўру, шолу, оцсоц, чўлоц цўлга боц,
Узинг ҳожиб эрсанг, пора олмагин.*

Етим тил ва цашиоц сўзин тинглагин.

Юсуфнинг достонида юқорида кайд этилганидек, хурфикрликка мойиллик бор. У Худони эътироф этиш, дини Ислом шариатининг меъзонларини унутмасликни тарғиб қилиш билан бирга дунёвий масалаларда эркин ҳаёт учун курашишга, динга муттаассибларча итоаткор бўлиб қолмасликка, дунёвий тадбирларни диний эътиқодга қурбон қилиб

¹⁰ Юсуф Хос Хожиб. Қутаду билиг. Т. Фаи. 197). 26-бст.

юбормасликка даъват қилган. Исломни назарда тутиб, диннинг ўзини ҳам дунёни тарқатишни бинобарин, зоҳидликни таъқиб қилмай/нинг> деган гоёни изчиллик билан олға сурган. Қўйидаги сатрлар бу фикрнинг далилидир:

*Туриб тоққа чиқса, оғир юк кечиб,
Бўзилгай одам барча ҳолгай ҳур учуи,
Одам боласидан кесилгай уруг,
Ёмои деса бўлмас бу дунё молин,
Еса берса халққа ёритса гозннг,
Худони тоат бирла топмасҳуми.
Ўзинг зўра кенг дунёни қияма тор,
Дея тоат эдим унутма ўҳув. •*

Юсуф ахлокий қарашларининг ўз замонаси ва қозирги ^{а а б} Р У^чУ^н катта ахамияти шундаки, у бинсоний фазилатнинг асоси илм-фиг^н» ақл-заковат, ўқиш ва уқиш эканини яхши англаган ва ўз адаб дурдоналар^{Р^нн} кўйидаги иккиликларда акс эттирган:

*Ўҳувдир чироҳдек ҳоронгу тунни,
Билимдир ёруглик ёритгай сени.
Ўқув ҳадр-ҳиммат учуидир кафил,
Ўқувсиз киши бир ҳовучча сигил.
Билгани буюк бил, ўқувни чухУр,
Бу икки бирла киши улгаюр.
Ўқувли уҳар ҳам билгили билар,
Билгили ўқувли тилакка етао?’*

..шиллар билим туфайли гафлат уйқусидан уйғониш^н»^н оилимсиэлар гўёки бир ҳаста дардман одам эканини, бу иллатлар ^нФлэт билан ҳасталиқдан ҳалос бўлиш учун ўқиш зарурлигини таъ^нД^на^н Юсуф бундай деб ёзган:

*Билимсиз киши барча дардли бўлар,
Бу дардга даво қилмаса, уўлар.
Кел, эй нодои, изла бу дардга даво,
Билгисиз тбандир, қадрли доно.
Ўҳув ҳайда бўлса, улуглик бўлар,
Билги кимда бўлса, буюклик олар.
Билимсиз кишилар бўлар кўр мисом,
Билимсиз билимдан келиб хисса ол.
Ҳамма ҳайрли гпилар билги нафидир,
Билги ҳатто осмон сари йўл очур .*

^нЮсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Т. Фан. 1971. 26-27 бетлар,

^нЮсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Т. Фан. ! 971. 28-бет.

^нЮсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. 29-бет.

Бу ўғит панд-насихату, даъватлар хозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган >мас. Хозир ҳам билимсизлик - хасталиқдан, унга даъво изламаодик - подонликдан, билимсиз - патқашликка, илмлилик эса - улуғворлчкка чпувчи омиллардан эканлиги ҳукуматимиз эътиборидан четда эмас. 3 ^ро, "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури" ва "Таълим тўғрисида"ги Қонундан кўзланган мақсад ҳам фуқароларимизни илмга бўлган интилишларини, билим олишга бўлган рағбатини кучайтиришдан иборат.

Юсуф эзгуликлар қилиш ўқиш ва билимли бўлиш билан боғлиқ •жанини англаган холда «Худо кимга ўқув, ақл-идрок, билим берса, кўп эзгуликлар қилишга қўл узатади.⁵⁸,-деган муқобил ғояни олға сурган. Бу иккиси кишини улуғлик даражасига қўратишини таъкидлаб, «Билимни буюк, ўқувни улуг бил. Бу иккисини танлаган бандасини улуғлайди».⁵⁹ -деган ҳақиқатни эслатган.

Бу даъватларни яна давом эттирган олим заковат билан улуғлик орасида ҳам узвий боғлиқлик борлигини уқтириб, «Заковат қаерда бўлса, улуғлик (ўша ерда) бўлади, билим кимда бўлса, (у) буюқлик олади».⁶⁰ Фақат шундай кишилар тилақлари яъни умид орзуларига етишлари мумкин, деган оқилона фикрни олға сурган. Билимнинг маъносини уни эгаллашнинг оқибати билан боғлаб, диалектиканинг сабаб ва оқибат категорияларини стихияли, яъни англаб-англамай тасдиқлаб бундай деганлиги унинг ўзи юксак билим ва бой заковат соҳиби эканлигидан далолат беради. Билимли одамгина орзу-тилақка етишини, заковатли бўлишининг нафи катталигини, у азиз бўлишини, ҳамма амалларни бу иккиси орқалигина бажариши мумкинлигини таъкидлаган эди, аллома.

Хос Ҳожиб сўзни аввал ўйлаб, кейин сўзлаш, фақат кези келгандагина гапириш, ўйламай сўзланган тил одам кадр-кимматини тушириши мумкинлигини аниқлаш, оз сўзлашу сөз сўзлаш кераклигини қўйидагича тавсифлаган:

*Кишини тил улуглар, топар наф киши,
Киши тгш тубанлар ёрилаш боши.
Киши сўзла улгайди, блди малак,
Талаи бошни суз цилди ерга эгик.
Билимли ўзни сен эшит, озлама,
Уйламасдан олдин сўзинг сўзлама.
Талай сўзлама сўз, бир оз сўзла оз,
Талай сўз чигалин шу оз сўзда ез.*

Бу сатрлар шарҳларга муҳтож эмас. Булар ўзбек халқининг «Оз сўзлаю сөз сўзла», «Сўзнинг қисқаси, қўлнинг узуну яхши», «Ўйнаб

⁵⁸ Ўша асар. 85-бет.

⁵⁹ Ўша асар. 85-бет.

⁶⁰ Ўша асар. 85-бет.

⁶¹ Шу асар 95-бет.

сўзлг хранг хам, ўйлаб сўзла», «Тил югурдаги бошга, огиз югирдаги тошга», "Сў' лтар оз бўлсин-у, мано кўп бўлсин» каби хикматларга ҳамохангдир.

Замонавий ахлоқшуносликнинг эзгулик ва ёвузлик категорияларига Д' ар қимматли гоёлар аксарият холларда қисқгина эзгу, яхши, ёмон, ёвуз Т ,еган тушунчалар билан тавсифланган мисралар Юсуф Хос Ҳожибнинг асарида кўп учрайди. Уларда амалда, «сўзда ҳам мутлоқ эзгулик қил», * эзгулик кейин егулик ва кийгулик бўлади», «киши яхшилик билан ўлса... /ги (номи) тирик қолади», «Ёмон сўкилади, эзгу мактовга эришади», «Агар ёмон бўлсанг, тахкирга маҳкумсан», "Киши эзгу ном билан олқиш олади», "Ёмонлик мисли бир ўтдирки, у куйдирадиган бўлади», «Эзгу конунлар...меъросдир... кишини юқорига кўтаради», «Билимсизнинг қилмиши унга ёвуз ниятли йўлдошдир», «Кел, эй эзгу киши, эзгулик қил, эзгулар иши хар доим чиройли бўлади», «Неча йил яшамасин, бу эзгулик қаримайди». Юсуф Хос Ҳожибнинг эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги бундай қарашларида, диний ёзувлардагидан фарқли равишда бу фазилатларнинг ажри насия эмас, қурук ваъда эмас, балки дунёвий реал оламда мавжуд бўлиши таъкидланган.

Юсуф Хос Ҳожиб файласуф олим сифатида ижтимоий ва шахсий ҳаётда учрайдиган зиддиятлардан бири микдор билан сифат орасидаги нисбат масаласини ҳам яхши англаган. Бу англашни у кўйидаги ибораларда маъжозий маънода мохирона баён этган: Тўрт нарсанинг ози оз. Унинг фикрича, буларнинг бири -ўт (ёнгин), иккинчиси - ёв (душман). **учинчиси** - *хасталик* (дард), тўртинчиси - *билимдир*, деб ҳисоблаб мутлоқ (абсолют) хатоликка яқинлашган. Чуики, буларнинг учтаси ёмонлик. Буларнинг ози ҳам кўп шикаст етказди. Биттаси билим бўлиб, эзгулик манбаидир. Унинг ози ҳам кўпи ҳам фойдалидир.

Достоннинг бир неча саҳифаларида ахлоқий-маънавий кадрятлардан бири адолат, уни сифатланган шакли одиллик тавсифлари ҳам тез-тез учраб туради. Бу тушунча сиёсатга нисбатан бериб баҳоланган. Масалан, достоннинг «Эзгу (киши)ларга аралашин эзгуликларини айтади, яъни баён этади» деб номланган бобида адолатли сиёсатнинг жaxonгир бажариши лозим бўлган 5 та шартини қайд қилиб, бундай деб ёзилган:

*Жаҳонни кўлга киритиш учун минглаб хунар керак,
Кулол босиш учун ботир арслон (бўлиш керак).
Жаҳонгирга минг туман санъат шижоат керак,
Унга таянса ва элдан туманни (зулматни) кўтарса.
Қилич урса ёв бўйинни янчса,
Адолатли сиёсат билан эли ва халқини тузса.*

Маълумки, Урта аср Шарқ ахлоқ кодексида ҳам, ҳозирги миллий ва умуминсоний ахлоқ таълимотида ҳам ширинсўзликка, адабий тилда ширинсуҳанликка, унинг ташки ифодаси - хушмуомилаликка доим қатта

(БТибор берилган. Булар туркий халкларни жумладан, ўзбек халки дунёда ШI ширинсухан, юмшоқ муомилали, сертакаллуф, шакаргуфтор килиб Гарбиялашга салмокли хисса кўшган, самарали таъсир кўрсатган. Ана шу Кийрли ишга ўрта асарларда энг кўп хисса кўшган улуғ ахлоқшунос, доно мураббий Юсуф Хос Ҳожиб бўлган.

Достонда сўз кадри, сўз масъулияти ҳақида теран, кимматли фикрлар айтилади:

*Кишининг кўрки сўздир, сўз эса талайдир,
Кел эй, тилим, эзгули киши(лар) ни мадҳ қил.
Буига ўхшатадиган туркча масал бор,
Бунга мослаб шу (масал)ни сўзладим.
Заковат кўрки сўздир, бу тилнинг кўрки сўздир,
Кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки кўздир.
Инсонўз сўзини тили орқали сўзлайди,
Сўзи яхши бўлса, юзи сувланади (яъни ёруғ бўлади).³*

«Қутадғу билиг»нинг бир неча бобларида саҳийлик, хайр-саховат, кўли очиклик, мурувватпешалик каби олийжаноб фазилатлар мадҳ этилган. Буларнинг муқобиллари - хасислик, зикналик, бахиллик каби гайриахлоқий қусурлар қораланган. Масалан, китобнинг 16^а бобида киритилган 254-бандда бундай мисралар бор. Агар ҳокон эзгуликлар қилса:

*Оти (яъни номи) эзгу бўлади, саҳий деб аталади,
Саҳий кишиўлса, унинг оти тирик деб бил».⁴*

Бу иккилик байтидаи чиқадиган хулоса шуки, саҳий инсоннинг номи вафотидан сўнг ҳам халқ хотирасида узоқ сақланади.

Ахлоқнинг ижобий, ибратли мезонлари билан бирга салбий ифодаларини ҳам яхши билган Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида бу кейингиларидан ғазабланиш, гийбатчилик, жохиллик, қаҳри қаттиқлик, иккиюзламачилик ва хоказолар ҳақида ҳам бевосита ёки билвосита фикр-мулоҳазалар юритган, буларнинг ёмон оқибатлари хусусида кимматли, ибратли, таъсирли фикр-мулоҳазаларни баён этган.

Узгалар билан муносабат ва мулоқотда вазминлик, босиклик, оғирлик, сабр-тоқатлилик ўрнига ғазабланиш, аччиқпаниш, бўлар-бўлмасга даргазаб бўлиб, шовқин-сурон кўтариш, қаҳрланиш каби ахлоқсизликларга Юсуф Хос Ҳожиб томонидан салбий муносабат билдирилади. Чунончи асардаги 19^а бобнинг 317-бандида ғазаб билан унга яқин бўлган қусур-қаҳрни бирга кўшиб бундай деб ёзган:

Бу икки (газаб ва қаҳр) билан шошилиб иш кўрма,

⁶⁵ Ўшаасар 1001 бет.
Уша асар. 99 бет.

*Агар шундай қилсанг тирикликни беҳуда қиласан.
/азабли киши доим ўқинчли бўлади,
Киши ишда қаҳр қилсау адашади.⁶⁵*

Ахлоқшунос аллома кимда қақру-газаб каттик бўлса бунинг оқибатлари нималарга олиб боришини изохлаб, тушунтириб берган. Масалан, ўша бобнинг 326-329 бандларида бу ахлоқсизлик қўйидагича ко^алансан'.

*Қаҳр бғийн киши учуи ёвуз душиандир,
Бу иккиси билан ждн доғи азият чекади.
Билагон, доно бег нима дейди, эшитгши,
Бу сўзга амал қил, эй қизил юзли:
Қаҳрли бўлса, оадм билимсиз бўлади,
Агар газаб келса, кишини заковатдан маҳрум қилади.
Жоҳил, ёвуз кишига билим олдир,
Агар ҳулици гўзал киши газабга кирса, пасткаш кгаида. "*

Мутафаккир қақру-газабни бундай коралаш билан чекланмай, бу бадфеълликдан халос бўлиш йўллари кўрсатиб, "Эр кишига вазминлик даркор, унинг қилмишлари тўғри бўлиши керак. Кун, ой чикқанидаги каби эр киши учун рўшнол^к лозим. Киши мулойим ҳам хушфеълли, заковатли ҳам билимли бўлиши керак.⁶⁶ Демак, бу оддий, содда бироқ, мазмунан теран сатрлар муалли"фи қаҳр-газаб ўрнига - вазминлик, чидамлик, кечиримлили, ёруғюзлиликни, дағаллик ўрнига - хушфеълликии, нодонлик ва жоҳиллик ўрнига - заковатлиликни кўйишга даъват этган. Буларнинг мукофоту рағбатини иариги дунёдан эмас, аксинча яшаётган олам - бу дунёдан излаган.

Достондаги 19^ббобнинг 331-337 бандларида ахлокли кишига душман бўлган иллатлардан учтаси қайд қилинган. Буларнинг биринчиси - ёлгончишк, иккинчиси - сўзининг устидан чиқмаслик, учинчиси - ичкишкпарастлик, тўртинчиси - тубанхулкликдан иборат, деб хисоблаб, бундай сатрларни гўе ДУРУ гавҳар каби ипак ипларга моҳирона терган-

*Кўргин, бу бир қаторнарсалар кишига душмандир,
Одам буларни билиб олса жони роҳатда бўлади:
Булардан бири бу тил ёлғони (яъни ёлгончишк),
Булардан бошқаси-сўзнинг устидан чиқмаслик.
Учинчи Яна бир -евиб (ишқибоз бўлиб) ичимлик ичса,
ШубҳасиЗ бўлар (иш) бўлади, умр бутунлай зое кетади.
Яна бири эр киши учун қилмгаининг ҳаддидан ортуқнигидир,
Бу ҳаддаИ ортиқ қиммиши кишининг севинчи бўлмаиди.*

¹⁵⁵ Ўна асар 109 - бет.

** Ўша асар. 109 - бет.

⁶⁷ Ўша асар. 111 - бет.

⁶⁵ Ўша асар. 111 -бет.

\\i|C)у дидактик мазмунли байтлардан яққол кўриниб турибдики, П« уф Хос Хожиб инсон табиатидаги ёлғончилик, субутсизлик, шрастлик, ҳаддан ошиш каби ахлоксизликларни инсоннинг душмани, УМрИинг заволи, кушандаси эканлигини тушунтиради. Бундай қусурлар | шро бирикса, уйда бу бирикманинг хомболи «муқаддас бахтдан ЙИроклашади» деган Ўтурхикмат ўғитни олга сурган. Бундай бадкирдорга Ё)улак (яъни сру-замин, элу-юрт) унга бокмай юз ўгиришини, чунки унинг фп.ну-атвори «айниган»лигини таъкидлайди. Достон муаллифи унга ёзган муқаддимасида (48-9 бет) бу асарнинг ғоят фойдали эканлигини, бироқ ЦОЗИрғи авом турклар унинг маъносини тушунмасликларидан афсусланиб, Вундай дсб ёзган:

*Бу китоб фоидалидир, ҳеч зиёни иўқдир,
Талаи турклар бунинг маъносини тушунмайдилар.'*

Аммо унинг кадрина ҳозиргидагидек бўлмаса ҳам оз-моз билганлар уи ҳазина, қимматли мерос деб ҳисоблаганлар. Машрик (Шарқ)да бор бўлганлигини қўйидаги сатрларда мамнуният ва ифтихор туйғулари билан нфодалаган:

*Мутлаҳ бу китоби олиб ўзлаштирганлар,
Ҳазина ичига жойлаб яширгандир.
Биридан-бирига меърос қилиб,
Ўз (лар)ига олиб қолиб, нодонларга бермайдилар.*

Олимнинг бу башорати тўла амалга ошди. Ўз замонасида баъзи олимлар бу китобнинг кадрига етмаган, унинг кадрина билганлар уни кўз қорачиғидай саклаб авлодларга мерос қилиб қолдиргаплар.

Достоннинг мавзуи ахлоқ-одобдан бутунлай бошқа мисраларга багишланган. Бобларнинг ҳам бу **неъмат ва қадринг** ҳақида йўл-йўлакай кезиб келганда ёзилган ўғитлар кўп учрайди. Масалан, «Китоб эгаси Юсуф Хос Хожиб ўзига панд беради», деган охири бобларнинг бирида ростгўйлик ва ёлғончиликка доир "Тўғри сўзла, қавмингни тугал ва бутун қил, яъни ваъданг устидан чиқ (891-бет), Кулар юз, иссиқ сўз (бўл), фсёли-атворингни яхши тут» (891-бет), Тўғри сўздан ташқари сўзни сўз дсма, Тўғри ва эгри (яъни слғон) фарқи оқ ва қора фарқи кабидир (919-бет), Эй, Юсуф керак сўзни рўй-рост сўзла (949-бет)" деган ахлоқий ғоялар илгари сурилади.

Асарда фалсафанинг ҳамма буюм ва ходисалари вақтга шароитларга ўрин (эл-юрт)га боғлиқ, деган тамойили акс этган. Унинг муаллифи ўзи яшаб ижод қилган даврнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини сиёсий вазиятларни маънавият, маданий ҳастнинг ахлоқий муҳитнинг дин ва хурфикрлилик таъсирларини пухта ўрганган, яхши англаган, долзарб

"" Уша асар, 111-бет.

"" Уша асар, 112-бет.

муаммоларни пайкаган, уларнинг ечимини топган, топодмаганини илохий тақдирга ҳавола қилган.

Қаюм Каримов ҳаққоний айтганидек, Юсуф Хос Ҳожиб⁷¹ «ўз даврининг етук файласуфи, олими, фозили, давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси, ҳаётнинг энг майда икир-чикирларидан тортиб осмон жисмларининг сирларигача тушуниб етган баркамол киши»⁷¹ бўлган. Лекин қўплаб соҳаларда бўлганидек, Юсуф Хос Ҳожибининг қараш, тушунча ва мулоҳазалари ўзи умргузаронлик қилган ижтимоий-иқтисодий шароит ва маънавий омиллар даражаси, хусусияти билан чекланган эди. Юсуф мурасосоз, ёмонликка ҳам қўникма ҳосил қилаверадиган, лоқайд, қўйдек юввош олим эмас эди. У замонасидан норози бўлиб, ундан шикоят қилар, адолат, инсоф йўқлигидан зорланар ҳар томонлама уйғунлашган инсонга, идеал ижтимоий тузумга интилар, уларни тарғиб қилар эди. Бирок, булар ҳам чекланган, келажакка эмас ўтмишга қаратилган эди. Яъни идеал намунаси Ётмиш ҳаёт "олтин аср"лар эди, уни иделлаштирилади. Натижада у адолатли жамият, давлатнинг шаклланиши, одил раҳбар фазилятлари ва бу фазилятга қандай қилиб эришиш мумкинлиги, мансаб соҳибларининг хусусий, шахсий ҳаёти ва жамият ҳамда давлат манфаатларига муносабати қай тартибда бўлиши шарт каби муҳим масалаларнинг фалсафий-ахлоқий тизимини яратди.

Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, таниш-билишсиз кишилар қоронғу (қўр) одам қабидир, қўзи қўрмас одам йўлдан адашса, хато қилса, уни сўкмагин. Ётми (ёлғиз, бегона мусофир одамни) ёрлақин, ичиргин ва емиш бер. Мусофирни эзгу тутгил, эй, билга беги. Ётми эзгу тутса ёйилди сўзи (авозаси, шухрати ёйилади) Кишига ҳар ерда таниш-билиш керак. Барча турли-туман ишлар таниш-билишлар билан битади. (Бу ерда ёр, дўстлар, қариндошлар, касбдошлар маъносиди.) Бу ўринда мутафаккир ОШўлди шахсини бахт ва давлат (мол, дуне, бойлик) тимсоли сифатида эмас, балки индивидуаллашган адабий қахрамон, жонли инсон сифатида тасвирлайди. Шунинг учун ёлғиз инсон таниш-билишсиз, Ёр-дўстларнинг ёрдамисиз қийналиб қолишини айтади. Шу маънода Юсуф Хос Ҳожиб адабий қахрамони Ойтўлдиннинг мусофирхонада яхши, окқўнгил, меҳрибон дўстлар тоганини, дасти (Қўрсамиш) воситасида эллик подшоҳнинг вазири ~ Ҳожиб билан танишганини тасвирлайди. Муаллиф Ҳожиб шахсини ҳам индивидуаллаштириб, эстетик кадриятга - бадий ва ҳаётий сийка (образ)га айлантириб, виждонли, софдил, инсонпарвар доно вазир сифатида тасвирлайди. Қўсамиш аввал бир ўзи вазир- Ҳожиб девони - маҳкамасига бориб, мусофир Ойтўлдиннинг яхши сифатларини айтиб, мактайди, у ёрдамга муҳтожлигини айтади. Вазир- Ҳожиб Қўсамиш унинг сўзига эътибор бериб, Ойтўлдини қабулига чиқаради. Шунгача, дўсти (Қўсамиш ҳам инсонпарвар ва доно одам) Ойтўлди яхши маслаҳатлар бериб, ҳикматли сўзларни айтади. «Сенинг сўзларингни мен вазирга

⁷¹ Ўша асар. 25 бет.

гушунтириб айтдим, Яна мендан дурустрок килиб, келиштириб, ўзинг сўзла.» Муаллиф фикрича, тили ва кўнгли тўғри киши (Ойтўлдининг дўсти Кўсамиш) жуда яхши, тўғри сўзларни айтган деб, ўша сўзларни келтиради: Ҳожиб вазир девонхонада Ойтўлдини иззат-хурмат билан кутиб олиб, мсхрибонлик билан сўрайди: «Ҳолинг нечук, келиб қаерга тушдинг, жойинг қаерда, қандай? Танишларининг, ёру дўстларнинг борми, ёйишичишга озуқанг борми? Нима билан машғулсан, нима тилакларинг бор?».

Ойтўлди ўз жавобида гапни чўзмай, маъноли ва муҳтасар килиб, «Элли Кунтуғдининг яхши ишлари овозасини, билими, эшитдим, бировнинг маслахати билан эмас, ўзим уни кўришни, ва унга хизмат қилишни орзу қилиб келдим» дейди. Вазир-Ҳожиб яхшилаб сўраб-суриштириб, Ойтўлдининг маъноли жавобларини эшитгач, оқилона йўл тутди. Шошиб ортиқча ваъдалар бермайди. «Мен аввал-элли Кунтуғди билан сенинг тўғрингда гаплашиб кўраман. Узи билан суҳбатлашиб кўринг» дейилган. Рози бўлса, сени қачон учрашувга чакирай деб сўрайман. Унгача, сенинг ахволингдан хабар олиб тургайман, барча ишларингни севиб қилгайман Сен давлат хизматига ўлтиришинг учун қўлимдан келган барча чораларни кўраман дейди. Юсуф Хос Ҳожиб, ўз адабий қахрамони вазир - Ҳожибнинг бу фазилатларни мактаб, бундай дейди. «Кишиларнинг эгуси (азиз инсонлар) мана шундай бўлди». Бу сўзлардан кўринадики, Юсуф Хос Ҳожиб, ўз қахрамони Ойтўлди сиймосида давлат халқини тасвирлайди. Элли подишоҳ давлат ишларига масъул хизматчиларни халқ ичидан энг яхшиларини танлаб олиш зарурлигини тушунтиради.

Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожиб етук давлат арбоби бўлган вазирни - хожибни мактар экан, давлатни мамлакатни бошқарувчи киши қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўзининг қимматли фикрларини баён қилади:

Кимнинг давлати зиёда бўлса,

Барча ишлари элга яхшилик бўлсин.

Кимнинг кўли узун бўлса, (раҳбар бўлса)

Хулкни хуш, килгулик эл учун тўғри бўлсин.

Мутафаккир фикрича ҳақиқатга қарши, ноҳақ ишга оғадиганлар эгри одамлардир, ёмон одамларга, ноҳақ ишларга оғмасликдир. «Қайси бир тўғри нарса (қонуний иш кўрувчи -М.Н.) оғса, у йиқилади, узок яшамайди. Қайси бир рост бўлса, (тўғри ишласа, эгрилик, таъмагирлик, порахўрлик, юлғичлик қилмаса-М.Н.), у йиқилмайди, барқарор туради» Оқил ва буюк давлат р&хбари барча ишларни адолат билан хал қилади. Ҳукм чиқаришда барчага тенг қарайди, бек ёки кул, деб ажратмайди.

Юсуф Хос Ҳожиб тасвирлашича элит (тўғриси-эллик, эли бор, эл бошлиғи) ҳукм чиқариш вақтида рамзий маънода кўлида ўткир, кескир пичоқ ушлаб, уч оёкли кумуш нури устида ўтиради. Ойтўлди эллик Кунтуғдидан нима учун ўтирган курсингиз уч оёкли? - деб сўраганида

⁷² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. 139-бет.

Кунтуғди, сабаб шуки, агар курси тўрт оёкли бўлса у ёки бу томонга кийшайиб, оғиб кетади. Курси мустахкам, баркарор туриши учун уч оёкли бўлиши керак, деб жавоб берди. Демак, ўрта асрларда миллий ан-ъаналарга кўра, шаҳарлар бекларнинг ўтирадиган курсини, бахти уч оёкли ёки беш оёкли бўлган. Чиндан ҳам курси жуфт оёкли бўлса, у еки бу томонга кийшайиши мумкин. Уч оёкли курси бирор тарафга оғмайди. Бизнингча, давлат тахтининг уч оёкли бўлиши рамзий маънода давлатни бошқарувчи адолат, ростлик - тўғрилиқ, меҳр- мурувват тамойилларига асосланса, бир тарафга оғиб кетмаслигини англатади. Ўткир пичоқ рамзи эса, подишоҳ, эл бошлиғи кўрилаётган, ишни узокка чўзмай, вақтида, пичоқда кесгандай, тез ҳал қилиши зарурлигини англатади.

Шу кўрилаётган вақтда раҳбарнинг ўнг тарафида шакар, чап тарафида захардай иссиқ дори қўйилади. Юсуф Хос Ҳожиб, Эл бошлиғи Кунтуғди номидан айтишича, жабрланган, мазлум одам раҳбардан адолат, ҳақиқат топса, шакар егандек шодланиб кетади. Раиятга жабр-зулм қилган мансабдорга эса захарбий аччиқ дори - жазо берилади. Ким золим, зўравон бўлса, захар егандай азоб чекади. Кунтуғди айтишича, ноҳақ ишлар учун давлат бошлиғи адолатли жазо беришда хоҳ ўғли бўлсин, хоҳ йирик, хоҳ яқин бўлсин, хоҳ чакмоқ каби ўткинчи меҳмон бўлсин - адолат борасида ҳар иккаласи мен учун бирдек. Ҳукм чиқаришда улар мени ўзгартира олмайди.

Юсуф Хос Ҳожиб адолатли раҳбарни кўёшга ўхшатади. Кўёш ёруғлиги барчага тенг сочилади. Кўёш одатда Ойга ўхшаб, гоҳ тўлишиб, гоҳ яримлаб, камайиши хусусияти йўқ. Кўёш доимо тўлик нур сочади. Унинг нуридан бой-камбағал, яхши- ёмон бирдек баҳра олади. Шундан аввалроқ Юсуф Хос Ҳожиб Бахту давлат (бу ерда давлат - мол, дунё маъносида қўлланган-М.Н) рамзи Ойтўлдиннинг яхши хислатлари, фазилатлари билан бирга, унинг баркарорлигини, гоҳ тўлиб, гоҳ камайишини, гоҳ бор бўлиб, гоҳ йўқолишини кўрсатган эди. Ойтўлди ўзининг баркорорлиги ҳақида бундай дейди: «Кишига бахту давлат келади, номи шухрати ортади». Лекин давлат (мол, дунё, бойлик) бевафо, гумрохдир, унга қўнғил боғламагин. Давлат тўлин ой каби, у тўлишади яъни емирилади. Бу Ойнинг ўрни ўзгарувчан уйдир. У ўзгариб, ҳаракат қилиб, ўрнини йўқотади.⁷³ Яъни, мол-давлатни одамлар бахт деб уйлайдилар, лекин у қалбан бахтдир. У бойликнинг ўрни, уйи (эви) ҳам қалбакдир, баркарор, доимий эмас.

Юсуф Хос Ҳожиб бу ерда астромия (фалаккиёт) илмини ҳам яхши билганидан, Ой манзили (уйи) Саратон (Қисқичбака) эканлигини айтади. Рамзий маънода айтганда Саратон юлдузлар тўплами (буржи) қисқичбака каби орқали силжиб, ўз ўрнини қолдириб кетади. «Қутағу билиг»нинг 729,730-байтларида бу фикр гўзал бадий ифодасини топган:

*Бу эв (уй) буржи Саратон, бу эв эврилур,
Эви эврилур, ҳам ўзи чеврилур.
Қаю эваг кирса Ой тарк этиб чицар,
Чицарии учун тарк ботарин йицар.*

Яъни, Ой кайси уйга (юлдузлар буржига) кирмасин, тез кайтиб чиқади. Чиқиш учун ботган уйини тез тарк этади. Ойтўлди ўзини шу Ойга ўхшатиб, «Келаману-кетаман, аввалги жойга юраман. Жаҳонни кезаман, менинг аниқ, тайинли ўрним-жойим йўқ». Бахту давлат (бойлик) рамзи Ойтўлди ўзининг беқарор, ўткинчи эканлигини шундай таърифлайди.

Юқорида айтганимиздай, Кунтуғди (Адолатли хукмдор) ундай беқарор эмас. У Куёш каби доимо тўлишиб, барчага - баланду пастларга барабар нур сочади. У Ойтўлди (Бахту-мол давлат) каби гоҳ тўлиб, гоҳ камайиб кетмайди. Фапакиёт илмига кўра ҳам Куёш уйи Арслон (Асад) буржидир. Асад буржи тез ўзгармайди, камайиб бузилмайди .

Бахту давлат рамзи Ойтўлдининг «Қапдай хизматлар қилсам мендан рози бўласан, севиначан?» деган адолатли бошлиққа қандай ишлар ёқмаслигини тушунтиради: «Яроқсиз, ёмон ишларга яқинлашма, улардан фориғ юргин. Мен эқтирмайдиган ишлардан бири - ёлгончилик, бошқа бири зўрлик (жабр-зулм) қилишдир. Юсуф Хос Ҳожиб ўз қахрамони Кунтуғдининг тилидан айтишича, давлат мансабдорлари очкўз, сук, ҳасис, курумсоқ бўлса, ишда шошқалоқ, кўзи уят-андишасиз бўлса, иш вақтида (қўл остидагиларга) газабли ва қаҳрли бўлса, (давлатга, халққа) фойдаси тегмайдиган, ичувчи (маст бўлувчи), қўли эгри бўлса, бундай одамлар хизматга ярамайди». Юсуф Хос Хржибнинг бундай адолатли, ҳаққоний фикрлари ҳозирги пайта кучли давлатдан кучли фуқаролик жаҳияти сари интиластган Ўзбекистондаги ҳар бир инсон учун тегишли ва уларнинг маънавий камолоти учун бениҳоя қадрлидир.

«Қутадғу билиг»да Юсуф Хос Ҳожиб ўз қахрамони Кунтуғди эллиг тилидан эзгу одам, олийҳиммат, яхши инсон ким?- деган саволга бундай жавоб беради: «Эзгу одам халққа, раиятга фойда етказувчи, шу йўлда хизмат қилувчи одамдир. У барча халққа фақат ва фақат яхшилик қилади. Яхшилиги эвазига одамлардан муқофот кутмайди (таъмағирлик, юлғичлик қилмайди, пора олмайди дейилмоқчи-М.Н.) ўз фойдасини кўзламайди, бошқа одамларга (халққа) фойда келтиради. Фойда етказгани учун миннат қилмайди».

Афсуски, шўролар даврида узок давом этган маънавий инқироз оқибатида тўғрилиқ, ҳалоллик, покдиллик каби фазилатларнинг қадрли тушиб кетди. Аслида, бу ҳислатлар жуда юксак маънавий қадрлиятлар эди. «Қутадғу билиг» қахрамони Кунтуғди эса тўғрилиқ, ҳалоллик ҳислатини улуғлаб бундай дейди: «Кўйнилар (тўғри кўнгил одамлар) тили, дили билан сўзи бир бўлса, ичи (кўнгли) сиртдек ва сирти ичидек бўлса,

Уша жоида.

²⁷ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. 179-бет.

кўнглини ойнадай кўрсатса, одамлар орасида уятли бўлмаса, кўйнилик-тўгрилик керак эр кишига, оширгай кутин (баракасин), тўгрилик номи ул инсонлик бутун. Одамлик киз ноёб эмас, одамийлик ноёбдир. Одам ноёб эмас, тўгрилик ноёб (нодир). Бу дунёда одамман деб юрганлар жуда кўп, кўйни тўгри, иймони бутун эр кишилар мен учун азиздир».

Юсуф Хос Ҳожиб асар қахрамони Кунтуғди номидан Ойтўлдининг «Яхши одамлар ҳам ёмон бўлиши мумкинми? Ёмон одамлар яхши одамларга эргашадими?» каби саволларига бундай жавоб беради: «Яхшилар икки турли бўлади. Бири - онадан туғма яхши бўлиб, у доимо тўгрилик, ростлик билан яшайди. Баъзи яхшилар агар ёмонларга аралашса, уларнинг ёмон ишларига қўшшиб кетади. Ёмон одамлар ҳам икки хил - баъзилари онадан туғма ёмон, бундай одамлар то ўлгунча одамларга ёмонлик қилади. Баъзи ёмонлар эса дўстлари, жўралари яхши бўлса, улар сафига кириб, тўгри йўлга тушади».

Мутафаккир хулоса қиладики, онадан тугма яхшилар жаҳон халқларига фойда етказадилар. Бу фикрни ўқиганимизда Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Фирдавсий, Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Ясавий, Низомий, Жомий, Алишёр Навоий каби жаҳон халқларига буюк хизматлар қилган одамларнинг табаррук номларини эслаймиз. Адолат, эзгулик, яхшилик йўлида фидокорлик кўрсатган бу азиз инсонларни башарият ҳеч қачон унутмайди.

Таянч тушунчалар:

Ёмонлик, яхшилик, яхши одамлар, ёмон одамлар, бахт, таъмагирлик, мурувват, фидоийлик, пойлик, тўгрилик, одил ҳукмдор, мол-давлат,

Такрорлаш учун саволлар:

1. Юсуф Хос Ҳожибнинг билим ва маърифатни эгалашда тил, сўз ва тафаккурнинг аҳамияти ҳақида фикрларини изоўланг?
2. Аллома адолатли, идеал раҳбарни қандай тавсифлайди?
3. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Тўрт нарсанинг ози ҳам кучлидир" деган тамойили қандай маънони англатади?
4. Юсуф Хос Ҳожиб билимсиз, маърифатсиз беклар, бошликлар қаҳр-ғазабга эрк беришини қаттиқ коралашининг сабаби нимада?
5. Мутафаккир инсонийликни меҳр-муруватсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигини Кунтуғди образи орқали қандай тасвирлайди?
6. Бахту давлат рамзи Ойтўлдининг «Қандай хизматлар қилсам мендан рози бўласан, севинасан?» деган фикри қандай ишлар адолатли бошликка ёқмаслигини тушунтиради?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т: Ўзбекистон 1998.
2. Абу Наср Форобий. Фазилят, бахт, саодат ва камолот ҳақида. Т. Ёзувчи. 2002.

3. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Ўқув қўлланма. Т.Янги аср авлоди.
4. Абдурахмонов М.. Қутадғу билиг-тарихий манба. Т. ТДШИ.1994.
5. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар Т. 1990, 163-бет
6. Ибратли ҳикматлар. Т.Ўзбекистон. 2006.
7. Каримов Қасом . “Қутадғу билиг” асари ҳақида. // Юсуф Ҳос Ҳожиб. “Қутадғу билиг” .Т. Фан. 1971.
8. Румий Жалолиддин. Ичингдаги ичингдадир. Т.Ёзувчи.1997.
9. Темур тузуклари. Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996, 14-бет
10. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т: Университет.1998.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
<i>“Авесто” - Шарқ маданий меросининг ўлмас қадрияти сифатида.....</i>	4
<i>Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Адаб ал-Муфрад» асарида инсон камолоти.....</i>	14
<i>Х-ХII асрларда Ўрта Сийё мутафаккирлари ижодида ахлоқий-маънавий қадриятлар. Сомонийлар ва Қорахонийлар даври мутафаккирлари ижодида маънавий қадриятлар.....</i>	25
<i>Умар Ҳайём ва у яшаган даврнинг ахлоқий қадриятлари.....</i>	34
<i>Аҳмад Юғнакий ижодида олий маънавий қадриятлар.....</i>	42
<i>Ҳусеф Ҳос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги маънавий қадриятлар.....</i>	60

Босишга рухсат этилди 03.03.2008. Ҳажми 5,5 босма таблок.
Бичими 60×84 1/16. Адади 200 нусха. Булорғма 143.
М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.